

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“МУСИҚА ВА МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ”

КАФЕДРАСИ



“МАТЕРИАЛЛАРНИ КЕСИБ ИШЛАШ,
АСБОБЛАР ВА ДАСГОХЛАР”
фанидан

Ўқув – услубий мажмуа

Билим соҳаси:	100000	– Гуманитар
Таълим соҳаси:	110000	– Педагогика
Таълим йўналиши:	5112100	– Меҳнат таълими

Гулистан – 2017 йил

Ушбу ўкув – услугбий мажмуа 5112100- меңнат таълими йўналишида тахсил олаётган кундузги бўлим талабалари учун мўлжалланган бўлиб, бунда материалларни кесиб ишлаш. кесувчи асбоблар ва дастгоҳлар бўйичи мавзуларнинг назарий асосларини мукаммал ўрганиш, таҳлил қилиш, қиёсий таққослашга мўлжалланган вазифалар, айrim жиҳатларини чуқур эгаллашга қаратилган топшириқлар, олган билимларни амалда тадбиқ этиш йўл – йўриклиари қайд этилган.

Тузувчи: Гулистон давлат университети, “Мусиқа ва меҳнат таълими” кафедраси ўқитувчиси А.Тўйчиев

Тақризчилар: Гулистон давлат университети, “Мусиқа ва меҳнат таълими” кафедраси доценти п.ф.н М.Мухлибоев

Гулистон давлат университети, “Мусиқа ва меҳнат таълими” кафедраси ўқитувчиси А.Чўлиев

Ўкув – услугбий мажмуа “___” 2017 йил Гулистон давлат университети
Ўкув – услугбий кенгашининг № 1 – баённомаси билан тасдиқланган.

Мундарижа

1. Маъруза машғулотлари.....
2. Амалий машғулотлар.....
3. Лаборатория машғулотлари.....
4. Мустақил таълим машғулотлари.....
5. Глоссарий.....
6. Иловалар.....
6.1. Фан дастури.....
6.2. Ишчи фан дастури.....
6.3. Тарқатма материаллар.....
6.4. Тестлар.....
6.5. Баҳолаш мезонлари.....

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ.

1 – мавзу. Фанни ўқитиши технологияси:

“Машинасозлиқда кесиб ишлаш ва унинг ҳозирги замон ишлаб чиқариш корхоналарида тутган ўрни, ривожланиши, вазифаси. Кесиб ишлаш тўғрисида умумий тушунча” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вакт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1. Дарс мақсади: Машинасозлиқда кесиб ишлаш ва унинг ҳозирги замон ишлаб чиқариш корхоналарида тутган ўрни, ривожланиши, вазифаси. Кесиб ишлаш тўғрисида умумий тушунча ҳақида талабаларга тушунчалар бериш.</p> <p>1.2. Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.2.1. Фаннинг машинасозлиқда тўтган ўрни ва уни истиқболлари ҳақида билади.</p> <p>1.2.2. Кесиб ишлаш назариясини асосий қонуниятлари тушинтира билади.</p> <p>Асосий тушунча ва иборалар: Металл кесиш, Қиринди, Кесиш чукурлиги, Кесиш тезлиги, Суриш, Қаттиқ қотишма, Эльбор, Олмос, Асосий ҳаракат.</p> <p>1.3. Дарс шакли: гурух ва микрогуруухларда.</p> <p>1.4. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: сухбат, маъруза-хикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.5. Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, видеопроректор, видеофильмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хуносага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Биринчи токарлик станоги ким томондан качон яратилган? • Метал кесиш соҳасидаги узбек олимларидан кимларни биласиз? • Ўзбекистондаги биринчи машинасозлик заводи. • Саноатда энг кўп пшилатиладитан асбобсозлик материаллари? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириклари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Режа:

1. Металларга ишлов бериш тарихи ҳақида.
2. Кесиб ишлаш машинасозликдаги етакчи тармоқ ҳақида.
3. Ҳозирги замон дастгоҳсозлиги.
4. Асбобсозлик материаллари ва уларга қўйиладиган талаблар.

Таянч сўз ва иборалар.

1. Металл кесиш
2. Қиринди
3. Кесиш чуқурлиги
4. Кесиш тезлиги
5. Суриш
6. Қаттиқ қотишма
7. Эльбор
8. Олмос
9. Асосий ҳаракат.

Корхоналарда муҳим меҳнат қуроллари ишлаб чиқариладиган етакчи саноат тармоқдаридан бири бўлган машинасозлик - техника тараққиётининг негизи ҳисобланади. Металларга механик ишлов бериш машинасозликдаги умумий меҳнатнинг қарийб 40 % ини ташкил этади. Ана шу боисдан металл кесиш назарияси ҳақида фан машинасозлик мутахассисликлари, касб таълими мутахассисликлари учун муҳим аҳамият касб этиб мутахассислик предмети сифатида олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида ўқитилади.

Металларни кесиб ишлаш қадим замонларда ёк маълум эди. XII -асрда ёк қул билан ҳаракатга келтирилладиган пармалаш, жилвирлаш, токарлик дастгоҳлари яратилган, XVI асрга келиб Иван Осипов, Яков Батишчев ва Андрей Нартовлар оригинал конструкцияли механик супортли бир неча дастгоҳлар яратдилар. XIX асрнинг ўрталарида келиб асосий тип: токарлик, пармалаш, фрезалаш дастгоҳлари яратилди. Ана шу даврда Россияяда металларни кесиб ишлаш ҳақидаги фанга асос солинди. 1870 йилда Петербург тоғ инженерлари институтининг профессори И.А.Тиме ўзининг "Металл ва ёғочнинг кесилишига қаршилиги" номли китобида ва бошқа асарларида металларни кесиш назариясига оид фанга биринчилардан бўлиб асос солди.

Академик. Гадолин, проф Афанасов, проф Зворикин металл кесиш назарияси асосларини тадқиқ эта бориб ушбу фаннинг ривожига талайгина хисса қўшдилар. 1896 йилда проф. Брикс ўзидан олдинги тадқиқодчилар билимларини умумлаштириб маҳсус тизимга келтирган ҳолда ўзининг "Резание металлов" номли китобини босмадан чиқарди. 1912—18 йилларда проф Я.Г.Усачев кесиш зонасидаги иссиқлик миқдорини кесиш жароёнига таъсири ҳақида илмий изланишларини якунлади ва талайгина қонуниятларни очиб берди.

Совет олимларидан Челюсткин Кривоухов Глебов, Рудник, Грановский Ташлицкий, узбек олимларидан И. Муминов, Х. Хонжонов. Ақбаров ва бошқалар метал кесиш назарияси ҳақидаги фаннинг ривожига уз хиссаларини қўшдилар.

Космосни тадқиқ, этиш яиги-янги иссиқбардош материалларни кесиб ишлашни, асбоб - материалларни кашф этишни таказо этади. Бу вазифа уз вақтида адо этилди.

Ҳозирги замон дастгоҳсозлик корхоналари метал кесиш дастгоҳларининг энг замонавий турларини ишлаб чиқариб, қўл меҳнатини камайтириб, арzon ва сифатли машиналар ишлаб чиқариш борасида талайгина ишларни амалга оширмоқдалар. Буларга мисол қилиб автомат ва ярим автомат дастгоҳлар, сонли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар робот манипуляторлар ва ишлаб чиқариш роботлари амалга оширадиган технологик жараёнлар билан тузилган поток линияларни санаб ўтиш мумкин. Буларнинг ёрқин мисоли тариқасида Ўзбекистонда фаолият қўрсатаётган УзДЭУ қўшма корхонаси, Тошкент авиасозлик бирлашмаси, Чирчик ўтга чидамили материаллар заводи, Тошкент трактор заводи ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Кесувчи асбоблар тайёрлаш учун ишлатиладиган материаллар юқори каттиқлик, иссиқбардошлиқ, ишқаланишга чидамлилик, оташбардошлиқ каби хусусиятларга эга бўлиши талаб этилади. Бундай материаллар жумласига куйидаги метериаллар киради:

1. Углеродли асбобсозлик пўлатлари:

У7, У8 ... У 12 ва У7А, У8А ... У12А уларнинг қаттиқлига HRC -58 қ 62. Тқ200°C атрофида. Асосан слесарлик асбоблари тайёрланади.

2. Лигерланган асбобсозлик пўлатлари тезкесар пўлатлар: Р9, Р18, Р6М5 HRC - 58-62 атрофида, Тқ 650°C

Барча турдаги кесувчи асбоблар тайёрланади.

3. Металлокерамик қаттиқ қотишмалар:

ВК2, ВК4. Т5К10. Т15К6. ТТ7К8 HRC қ 87 - 92. Тқ850-900°C атрофида.

Барча турдаги кесувчи асбобларнинг кесувчи тиғлари махсус пластинкалар ҳолида тайёрланиб, кавшарлаш ёки механик бириктириш йўли билан кесувчи асбоб танасига ўрнатилиди.

4. Минераллокерамик қотишмалар. ЦВ 13, ЦВ 14, ЦМ 332. HRC қ 100. Тқ1200°C асосан образив асбоблар сифатида, ишлатилади.

5. Табиий ва сунъий олмослар. Эльбор. Табиий олмос /с/ кристаллари нафис кескичлар доналари эса образив тош тўғрилагич стерженлар сифатида ишлатилади. Олмоснинг қаттиқлига HRC100

Тқ850°C

Эльборники HRC қ 100. Т қ 1400°C. Эльбор. Бор ва азот атомларидан ташкил топган синтетик модда.

Назорат учун саволлар.

1. Биринчи токарлик станоги ким томондан качон яратилган?
2. Метал кесиши соҳасидаги узбек олимларидан кимларни биласиз?
3. Узбекистондаги биринчи машинасозлик заводи.
4. Саноатда энг кўп ишлатиладиган асбобсозлик материаллари?

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Искандаров “Материалларни кесиб ишлаш, кесувчи асбоблар ва дастгоҳлар” Тошкент, 2003 й.
2. Х.Ханжанов “Кесиб ишлаш ва кесувчи асбоблар” курсидан лаборатория ишларини бажариш бўйича методик тавсиялар. Тошкент 1992 й.
3. В.Д. Авагимов “Машинасозлик материалларини кесиб ишлаш” Ўқитувчи. 1976 й.
4. В.А.Аршинов «Резание материалов и режущий инструмент» Машиностроение. 1976г.

2 – мавзу . Фанни ўқитиши технологияси:

“Кесиши режимларининг элементлари. Кесувчи асбоблар элементлари. Кесувчи асбобнинг геометрияси. Мехнат унумдорлиги тўғрисидаги тушунча. Детал ишлаб чиқариш учун сарфланадиган вақт” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

T/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Кесиши режимларининг элементлари. Кесувчи асбоблар элементлари. Кесувчи асбобнинг геометрияси. Мехнат унумдорлиги тўғрисидаги тушунча. Детал ишлаб чиқариш учун сарфланадиган вақт хақида талабаларга тушунчалар бериш. 1.2.Идентив ўқув мақсадлари.	Ўқитувчи

	<p>1.2.1. Кесиб ишлаш турлари ҳақида билади.</p> <p>1.2.2. Кесиш режими элементлари ҳақида тушунчага эга бўлади.</p> <p>1.2.3. Машина вақтини тушунтира олади.</p> <p>Асосий тушунча ва иборалар: Метал кесиш, Қиринди, Кесиш чуқурлиги, Кесиш тезлиги, Суриш, Асосий ҳаракат, Машина вақти, Доналик вақти, Ёрдамчи вақт, Ҳисобий узунлик.</p> <p>1.3. Дарс шакли: гурӯҳ ва микротурхларда.</p> <p>1.4. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: сұхбат, маъруза-хикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.5. Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, чизмалар, плакатлар, видеопректор, видео анимациялар.</p>	
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гурӯҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чакирилади.</p> <p>3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хулосага келинади.</p>	Ўқитувчи- талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қўйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Саноатда энг кўп ишлатиладиган асбобсозлик материаллари? • Қириндининг ўлчамлари қандай хисобланади? • Жилвирлашда кесиш режимлари кайси жиҳатлари билан фарқланади? • Машина вақти қандай хисобланади? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзgartiriшлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Режа:

1. Кесиб ишлаш турлари.
2. Кесиш режими элементлари.
3. Машина вақти.

Таянч сўз ва иборалар.

1. Метал кесиш
2. Қиринди
3. Кесиш чуқурлиги
4. Кесиш тезлиги
- 5 Суриш
6. Асосий ҳаракат.
7. Машина вақти
8. Доналик вақти
9. Ёрдамчи вақт
10. Ҳисобий узунлик

Металларни кесиб ишлашни қўйидаги турларига бўлиш мумкин: йўниш – токарлик станогида кескичлар орқали амалга оширилади.

Пармалаш – пармалаш станогида пармалар ёрдамида очиқ ва берк тешиклар ҳосил қилиш

жараёни. Пармалашнинг давомчиси зенкерлаш ва разверткалаш бўлиб тешиклар юза тозалиги ва аниқлигини ошириш мақсадида амалга оширилади.

Фрезалаш – кўп тифли кесувчи асбоб ёрдамида турли юзаларни фрезалаш дастгоҳларида ишлов бериш жараёни.

Рандалаш - (ўйиш) илгарланма қайтар ҳаракатли дастгоҳларда кескичлар ёрдамида текис юзалар, ариқчалар ва шлица пазларига ишлов бериш жараёни.

Жилвирлаш - Абразив асбоблар ёрдамида турли юзаларга ишлов бериш.

Мисоллар:

«Йўниш»

«Йўниш» да бош ҳаракат бу - заготовканинг айланма ҳаракати. Бу эса кесиши тезлигини белгилайди. Суриш ҳаракати кескичнинг заготовкага нисбатан илгариланма ҳаракатидир. (расм 1)

«Рандалаш»

«Рандалаш» да кескич ҳам, заготовка ҳам илгараланма ҳаракат қиласи. Кескични ҳаракати бош ҳаракат бўлиб, заготовканинг ҳаракати суриш ҳаракатидир. (расм 2)

«Пармалаш»

«Пармалаш» да заготовка қўзҚалмас бўлиб, кесувчи асбоб яъни парма ҳам айланма ҳам илгариланма ҳаракат қиласи. Пармани айланиши бош ҳаракат бўлиб, унинг гўди бўйлаб илгариланма ҳаракати суриш ҳаракат бўлади.



«Фрезерлаш»

«Фрезерлаш» да фреза кесувчи асбоб айланма ҳаракат килиб, унга нисбатан заготовка илгариланма ҳаракат қиласи. Фрезани айланиши бош ҳаракат бўлиб, заготовкани ҳаракати суриш ҳаракат бўлади.



«Жилвирлаш»

«Жилвирлаш» да жилвир тошнинг ҳаракат бош ҳаракати ва унинг заготовкага нисбатан ҳаракати суриш ҳаракат бўлади.


а) V кескич б) V фреза



в) фреза г) V парма



V – бош ҳаракат



S4- айланма суринам

Кесиш режими элементлари учта бўлиб улар қўйидагача талқин қилинади. Кесиш жараёнини ҳарактерлайдиган асосий элементларга қўйидаги катталиклар киради. Кесиш тезлиги, суринам қиймати, кесиш чуқурлиги, қириндининг кенглиги ва қалинлиги, қириндининг кесиш юзаси. Кесиш тезлиги деб бош ҳаракатда вақт бирлиги ичida кескич қиррасининг заготовкага нисбатан силжишига айтилади. Кесиш тезлигининг бирлиги ммин ва жилвирлаш ва ёғоч кесиб ишлашда м/сек ларда ўлчанади. Технологик жараённи бажариш учун ҳар бир операцияга маълум вақт сарфлаш зарур бўлади. Вақт нормаси кесиш режимларини шисоблаш маълумотларидан ва дастгоҳ ҳамда кесувчи асбобниш имкониятларидан тўла фойдаланиш асосида аниқланади. Бу эса факат ишлов таннархини эмас, балки меҳнат унумини ҳам аниқлашга имкон беради. Шу сабабли вақт нормаси техникавий жихатдан асосланган бўлиши керак.

Вақтнинг техникавий нормаси деганда детални муайян ташкилий-техникавий шартида дастгоҳ ва кесувчи асбобнинг ишлатилиш имкониятларига мувофиқ равишда ишининг ҳозирга замон илғор техникаси даражасига жавоб берадиган шароитда, ишлаб чиқариш новаторларини илғор ишлаб чиқариш тажрибаларини шисобга олган ҳолда кесиб ишлаш учун зарур бўлган вақт тушунилиши керак вақтнинг техникавий нормаси ҳар бир операция учун белтиланади. Доналик вақтнинг умумий нормаси қўйидаги элементлардан иборат бўлади:

Тд қ Та+ тё +Тхк + Ттанк

Тд - бир дона детал учун вақт нормаси, мин.


Та - асосий технологик вақт, мин.

Тё - ёрдамчи вақт, мин.

Тхк - дастгоҳ, ва иш урнига хизмат кўрсатиш вақти, мин.

Ттан - дам олиш ва табиий заруриятлар учун ажратилган танаффус вақт, мин.

Асосий техник вақти - детал ишлаш жараёнида заготовканинг шаклини ўлчамларини ўзгартириш учун кетадиган вақт. Бир сўз билан айтганда дастгоҳни бевосита кесиш жараёнини амалга оширишда иштирок этган вақти.



$$Ta = \frac{L_{\max}}{V \cdot S} \text{ мин}$$

$$L_{\max} = 1 + \Delta + y$$

1 - йўниладиган сиртнинг узунлиги мм,

Δ- ботиб кириш чуқурлиги Δ_{фст} мм кесиб ишлашнинг бошқа кўринишлари учун Δ нинг қийматлари схемадан келиб чиқсан ҳолда хисобланади,

у - ўтиб кетиш масофаси. Шаклдаги ҳолат учун уқ 1-2 мм белгиланади.

n - заготовканинг дақиқаига айланышлар сони, айл/мин.

s - кесувчи асбобнинг суриш қиймати. мм/айл.

i - ўтишлар сони, марта

Асосий технологик вақт /Ta/ни кўпчилик ҳолларда /Tm/ машина вақти деб аталади ва мин.ларда ҳисобланади,

Ёрдамчи вақт заготовкани ишлаш давомида асосий ишнн бажаришда ишчининг қўли билан қилинадиган ишларга кетадиган вақт. Бунга заготовкани ўрнатиш ва созлаш, кесувчи асбобни ўрнатиш, дастгоҳни юргизиш ва тухтатиш, уни тезлик ва суришлар қийматани ўзгартириш, детални ўлчаш, тайёр детални дастгоҳдан ечиб олиш ва хоказолар учун сарфланган вақтларнинг йиғиндиси киради. Нормативлар белгилаш чоғида ёрдамчи вақт конкрет детал учун хранометраж усули билан ҳисобланади.

Асосий технологик /Ta/ билан ёрдамчи вақт /Tө/нинг йиғиндиси оператив вақт, яъни айни оператцияга сарфланган вақт бўлади. Toli қ Ta + Tө мин

Иш ўрнига хизмат кўрсатиш вақти - иш бажариш даврида ишчининг иш ўрнига караб туриши учун сарфланадиган вақт бўлиб, техникавий ва ташкилий вақтларга бўлинади. Иш ўрнига техникавий хизмат кўрсатиш вақти, дастгоҳни ростлаш, кесувчи асбобни алмаштириш, уни чархлаш, дастгоҳни тозалаш ва мойлаш учун кетадиган вақтни уз ичига олади. Ташкилий вақт эса ишчи асбобларни жойлаштириш, дастгоҳни текшириш, иш ўрнини саранжомлаш каби вақтлар йигивдисидан иборат.

Иш ўрнига хизмат кўрсатиш вақти ва танаффус вақтлари оператив вақтига нисбатан процент ҳисобида олинади ва жами K қ 5 - 7 % га teng бўлади.

$$T_d = T_o + \frac{K}{100}$$

Бир партия заготовкани кесиб ишлаш пайтида бир донага бериладиган умумий вақт нормаси калькуляция вақти тарзида аниқданади. Калькуляция вақти доналик вақт билан бир дона деталга тўғри келадиган тайёрлов хотима вақтидан иборат бўлади,

$$T_k = T_a + \frac{T_{nk}}{n}$$

n- партиядаги деталлар сони.

Тайёрлов хотима вақти. Бу вақт бир партия заготовкалар учун белгиланади. Ишчининг иш ҳамда чизма билан танишуви, дастгоҳни тахт қилиш ва ростлаш, кесувчи асбоблар ва мосламани тахт қилиш, иш тугагандан сўнг уларни топшириш, тайёр деталларни топшириш учун кетадиган вақтлар йиғиндисидан иборат.

Иш нормаси - вақт бирлиги /соат, смена/ ичида тайерланадиган деталлар сонидан иборат. Металлар кесиши дастгоҳларида ишлашда иш унумини ошириш учун асосий технологик вақт ва ёрдамчи вақтни камайтириш лозим.

Назорат учун саволлар

1. Саноатда энг кўп ишлатиладиган асбобсозлик материаллари?
2. Қириндininг ўлчамлари қандай ҳисобланади?
3. Жилвирлашда кесиши режимлари кайси жиҳатлари билан фарқланади?
4. Машина вақти қандай ҳисобланади?

Фойдаланилган адабиётлар.

1. А.Искандаров “Материалларни кесиб ишлаш, кесувчи асбоблар ва дастгоҳлар” Тошкент, 2003 й.
2. Х.Хажжанов “Кесиб ишлаш ва кесувчи асбоблар” курсидан лаборатория ишларини бажариш бўйича методик тавсиялар. Тошкент 1992 й.
3. В.Д. Авагимов “Машинасозлик материалларини кесиб ишлаш” Ўқитувчи. 1976 й.
4. В.А.Аршинов «Резание материалов и режущий инструмент» Машиностроение. 1976г.

3 – мавзу. Фанни ўқитиши технологияси:
“Материалларни кесиб ишлашдаги физикалык өзгөрділіктердің мөхияти. Қиринді қосыл бўлиш жараёни, қиринді турлари” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1.Дарс мақсади: Материалларни кесиб ишлашдаги физикалык өзгөрділіктердің мөхияти. Қиринді қосыл бўлиш жараёни, қиринді турлари ҳақида талабаларга маълумотлар бериш.</p> <p>1.2.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.2.1. Қиринді қосыл бўлиш жараёни.</p> <p>1.2.2. Пухталаниш, қириндининг киришиш коэффиценти.</p> <p>1.2.3. Кесиши жараёнида иссиқлик өзгөрділіктери.</p> <p>Асосий тушунча ва иборалар: Ёрилиш текислиги, Ўсимта, Пухталаниш, Кесиши қалинлиги, Киршиш коэффиценти, Увок қиринді, Қиринді элементи, Иссиқлик эквиваленти, Термабўёқ, Термажуфт, Калориметр, Совутиш - мойлаш суюкликлари.</p> <p>1.3.Дарс шакли: гурух ва микрогурухларда.</p> <p>1.4.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: сухбат, маъруза-хикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.5.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, чизмалар, плакатлар, видеопректор, видео анимациялар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гурухда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хуносалар чиқарилади ва түғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хуносага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниклаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Қиринді қосыл бўлиш жараёнида металл структурасида қандай узгаришлар кузатилади? • Ўсимтанинг қандай ижобий ва салбий томонлари мавжуд? • Пластик деформация натижасида иссиқлик ажралишини тушунтиринг? • Кесиши кучи, кесиши тезлиги ва иссиқлик микдори орасидаги боғланишни тушунтириб беринг? • Совутиш мойлаш суюкликларидан фойдаланиш қандай шароитларда амалга оширилади? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириклари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли</p>	Ўқитувчи, 10 минут


Режа:

1. Қиринді ҳосил бўлиш жараёни.
2. Ўсимта ва унинг кесиш жараёнига таъсири.
3. Пухталаниш, қириндinin гаришиш коэффиценти.
4. Кесиш жараёнида иссиқлик ҳодисалари.

Таянч сўз ва иборалар.

1. Ёрилиш текислиги
2. Ўсимта
3. Пухталаниш
4. Кесиш қалинлиги
5. Киришиш коэффиценти
6. Увок қиринді
7. Қиринді элементи.
8. Иссиқлик эквиваленти
9. Термабўёқ
10. Термажуфт
11. Калориметр
12. Совутиш - мойлаш суюкликлари.

Заготовканинг йўниладиган юзасидан кесиб олинган металл қатлами Қиринді деб аталади. Профессор А.И.Тимс 1870 йилда қиринді ҳосил бўлиш назариясини жаҳонда биринчи бўлиб урганди, унинг кузатишлари ва холосалари ҳозирги вақтда ҳам уз аҳамиятини йўқотган эмас.



Агар йўнилган заготовкага кескич Р куч таъсири остида ботирилса металл заррачалари сикила бошлади. Сикилаётган қатлам аввал эластик сунгра пластик деформациянишни бошидан кечиради. Р куч таъсири давом эттирилса сикилаётган қатламда А.А. текислик буйлаб ёрилиш пайдо бўлади. Тиме бу текисликни ёрилиш текислиги деб атади. Кесиш юзасига утказилган уринма билан ёрилиш текислиги орасидаги бурчак ёрилиш бурчаги деб аталиб унинг қиймати Ψ_k $140-165^\circ$ га teng бўлади.

1912 йилга келиб Я.Г.Усачев қиринді элементлари А-А текислик буйлаб ёрилиш билан

бирга метал заррачалари В-В текислик буйлаб силжиши мумкинлигини металлографик усулда аниклади. Ёрилиш ва силжиш текисликлари оралиғи бурчак β силжиш бурчаги деб аталиб унинг қиймати заготовканинг механикавий хоссаларига боғлик. ҳолда 0-300 гача ўзгариши мумкинлиги аниқданди.

Металл канчалик қовушқоқ ва пластик булса β нинг қиймати шунчалик катта, агар у канчалик мурт булса β нинт қиймати нолга якынлашади.

Металларни кесиш жараёнида- асосан уч хил клринди ҳосил бўлади.


Элементлари бир-бири билан боғланмаган увок кириндилар, асосан мурт материаллар /чуюн, бронзани кесишда кузатилади. Элементлари бир-бири билан номунтазам боғланган синик қириндилар, ўртacha катталиқдаги пўлатларни кичик тезликлар билан кесиш пайтида ҳосил бўлади. Элементлари бир-бири билан мустахкам боғланган яхлит туташ қириндилар. Асосан ута қовушкок ва пластик металларни юқори тезликлар билан кесиш пайтида ҳосил бўлади. Бундай қириндилар ишлаб чиқариш жараёнида турли травмаларни келиб чикишига ва деталл сифатини бузилиши ҳамда дастгоҳ - асбоб - мослама тизимини синишига олиб келади. Бундай муаммони ҳал қилиш борасида олиб борилаётган изланишлар хакидаги маълумотларни кушимча адабиётлардан, машғулотлар пайтида лектор маълумотларидан олиш мумкин.

Кесиш жараёнида кириндinining катта босими, ишкаланиш кучи ва металлнинг деформацияланиши таъсири натижаларида юқори темпаратура ҳосил булади, бунда кесиб олинаётган қатлам кескич олдинги юзасининг микронотекисликлари билан тишлашади ва унта ёпишиб колади.

Кесувчи асбоб олдинги юзасининг кесувчи киррага якин жойида тўпланиб прессланиб колган масса ўсимта деб аталади.

Усимта ходисасини 1912 йилда Я.Г.Усачев кузатган ва унинг каттиклиги заготовкага нисбатан 2-3 баробар юқори эканлигини аниқланган. Мурт металларни кесиш жараёнида ўсимта ҳосил булмайди, у фактада қовушкок ва пластик материалларни кесишда ҳосил бўлиб асосан кесиш тезлигига боғлик ҳолда узгариади.

Усимта ва кесиш тезлиги орасидаги боғланишни қуидаги графикда ифодалаш мумкин.



Кесиш жараёнида металнинг кесиб олинувчи қатламигина эмас, балки йуニлган маълум чукурликдаги қатлами ҳам деформацияланади, металнинг йуニлган юза остида пластик диформацияланиши пухталаниш деб аталади. Пухталаниш натижасида металнинг структураси узгариади: юза қатламнинг доналари кесиш босими ва температура босими

таъсири остида майдаланади, бунинг натижасида эса пухталанилган қатламнинг қаттиқлиги ортади. Масалан бу қатлам алюминийда З баробар юмшок,, пўлатларда эса 1,5 баробар қаттиқлиги ортади. Пухтаталанган қатламнинг чуқурлиги уртacha қаттиқликдаги пулатларнинг хомаки йўнишда $0,4 \div 0,5$ мм ни тозалаб иунишда $0,07 \div 0,08$ мм ни, жилвирлашда $0,04 \div 0,06$ мм ни, жилолашда эса $0,02 \div 0,04$ мм ни ташкил этади.

Кесиш жараёнида пластик деформация натижасида йунилаётган қиринди сикилади. Қириндининг буйи кескичнинг йўнилаётган юза буйлаб бориш йулидан киска бўлади. Бу ходисанн проф. Тиме қириндининг киришуви деб атади. Қириндуда узунлигининг кискариши кўндаланг кесимининг /қалинлигининг/ кесиб олинаётган қатлам калинлигига нисбатан катта бўлишига олиб келади. Кесик калинлиги а дан қириндуда калинлига a_1 , кичик. Қириндининг узунлиги 1 кесилган юза узунлиги 10 дан кичик. Диформацияланган жисм хажмининг узгармай колганлигидан

$$a \cdot b l \cdot l_0 = a_1 \cdot b \cdot l$$

Амалий жиҳатдан олганда b_1 қб бўлганигидан кириндининг киришиш коэффициентини қуидагича ёзиш мумкин.

$$k = \frac{l_0}{l} = \frac{a_1}{a}$$

Кесиш шароити ва йўниладиган материалнинг механиқавий хоссаларига баглик ҳолда K - нинг киймати $1 \div 6$ ва ундан катта бўлиши мумкин. Қириндининг киришиш коэффициентини билиш бир неча амалий тадбирларни олдиндан ҳисоблаш имкониятини беради..

Металларни кесиш жараёнида иссиклик ҳосил бўлади. Ҳосил бўладиган иссиклик микдори металларни кесиш учун сарфланган ишга баглик. Кесиш вақтида иссиклик ҳосил бўлишининг асосий манбаи Қириндининг асбоб олдинги юзасига ишкананиши, кесилаётган қатламнинг пластик диформацияланиши, асбоб кейинги юзасининг йўнилаётган заготовкага ишкананишидир.

Кесиш вақтида чиқадиган иссиклик қириндуда, кесувчи асбоб, заготовка ва атроф мухитга тарқалади:

$$Q = Q_1 + Q_2 + Q_3 + Q_4$$

Q_1 - Қириндуда билан чиқиб кетувчи иссиклик, умумий иссикликни йўнишда: 50-86 % ни, пармалашда 28 % ни ташкил этади.

Q_2 - кесувчи асбобга утувчи иссиклик, умумий иссикликнинг йўнишда 10-40 % ни, пармалашда 14,5 % ташкил этади.

Q_3 - заготовкага тарқалувчи иссиклик умумий иссикликнинг йўнишда 3-9 % ни пармалашда 52,5 % ташкил этади.

Q_4 - Атмосферага тарқалувчи иссиклик йўнишда 1%, пармалашда 5% атрофида.

Кесиш вақтида хреил бўладиган иссикликнинг умумий микдорини қуидагича ҳисоблаш топиш мумкин.

$$Q = \frac{P_z \cdot \vartheta}{427} \text{ ккал/мин}$$

Бу ерда: P_z - кесиш кучи кГ, ϑ - кесиш тездиги м/мин, 427 - ишнинг иссиклик эквиваленти кГ, м/ккал,

Кесиш зонасидаги иссикликнинг таксимланиш конуниятини биринчи бўлиб Я.Г.Усачев томонидан урганилган эди.

Кесиш вақтида ҳосил бўладиган температурага таъсири этадиган асосий омиллар: кесиш тезлиги, суриш киймати, кесиш чуқурлиги, кесувчи асбоб геометрияси, йўнилаётган материалларнинг механиқавий хоссалари, мойлаш ва совутиш суюкликлари.

Кесиш тезлигининг ортиши билан ҳосил бўладиган иссикликнинг умумий микдори ортади. Айни вақтда иссиклик қириндидан кесувчи асбоб ва заготовкага ўтишга улгура олмайди. Кескичнинг геометрик элементлари хам кесиш температурасига катта таъсири

этадн. Кесиши бурчаги δ- нинг ортиши билан кесиши кучи ортиб иссиклик қўпаяди. Пландаги асосий бурчак φ нинг қиймати ортиши билан кесувчи қирранинг кесиши зонасидаги узунлиги камайиб кескичнинг бирлик юзасига тарқалувчи иссиклик ортади. Пластик материалларни йўнишда мўрт материалларни йўнишдагига қараганда кўпроқ микдорда иссиклик ажралиб чиқади. Мойлаш - совутиш суюқдиклари ишлатилса кесиши учун энг яхши шароит туғулади, бунда ишқаланиш кучлари камайиб кесиши зонасидан иссикликнинг четлатилиши яхшиланади.

Мойлаш суюқдиклари С.О.Ж. асосан икки тоифага бўлинади. Сув асосидаги суюқдиклар - буларга сода ва совуннинг 2 % эритмалари ҳамда 1-10 % ли эмулслоли эритмалар. Эмулсолъ каустик сода /ўювчи натрний/ билан минераль мой аралашмаси. Асосан арралаш, пармалаш ва жилвирлаш ишларила ишлатилади.

Мой асосидаги суюқдиклар - минераль мойлар, ўсимлик мойлари, ҳайвонот мойлари ёхуд уларнинг аралашмалари. Қовушқоқ металарни кесиши жараенида ишлатилади. Суюқдиклар киришувчанлигини ошириш мақсадида 0,02 % атрофида юза актив моддалари /олеин кислотаси/ қўшиш тавсия этилади.

Кесиши зонасида киринди билан кесувчи асобоб ва заготовканинг йўнилаётган юзаси орасида ҳосил бўладиган иссиклик ва темпаратурасининг тақсимланиш ҳарактерини билиш кесишининг оптимал режимларини белгилашга, кесувчи асбобнинг турғунлигини оширишга, аниқ ўлчамларга риоя қилиш ва деталнинг йўнилган юзаларида тегишли тозалик класи ҳосил қилишга имкон беради. Кесиши температураси товланиш тусларига қараб, термабўёклар, калориметр, сунъий ёки табиий термојуфтлар, микроструктура анализи ва бошқа усувлар билан аниқланади.

Юқорида кўрсатилган кесиши зонасидаги иссиклик микдорини ўлчаш усувлари ҳақидаги батафсил маълумотлар ушбу курснинг лабаратория машғулотлари жараёнида берилади. Иссикликни ўлчашнинг энг аниқ, энг арzon ва куляй усувларидан бири табиий термажуфт усулидан фойдаданиб кесиши зонасидаги иссикликнинг мпкдорига таъсир этувчи омиллар текширилиб тегишли жадваллар тўлдирилади.

Назорат учун саволар

1. Қириндига ҳосил бўлиш жараёнида металл структурасида қандай узгаришлар кузатилади?
2. Ўсимтанинг қандай ижобий ва салбий томонлари мавжуд?
3. Пластик деформация натижасида иссиклик ажралишини тушунтиринг?
4. Кесиши кучи, кесиши тезлиги ва иссиклик микдори орасидаги боғланишни тушунтириб беринг?
5. Совутиш мойлаш суюқдикларидан фойдаланиш қандай шароитларда амалга оширилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Искандаров “Материалларни кесиб ишлаш, кесувчи асбоблар ва дастгоҳлар” Тошкент, 2003 й.
2. Х.Хажжанов “Кесиб ишлаш ва кесувчи асбоблар” курсидан лаборатория ишларини бажариш бўйича методик тавсиялар. Тошкент 1992 й.
3. В.Д. Авагимов “Машинасозлик материалларини кесиб ишлаш” Ўқитувчи. 1976 й.
4. В.А.Аршинов «Резание материалов и режущий инструмент» Машиностроение. 1976г.

**4 – мавзу. Фанни ўқитиши технологияси:
“Йўнишда ҳосил бўлувчи кучлар” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик
харитаси**

T/p	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вакт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1.Дарс мақсади: Йўнишда ҳосил бўлувчи кучлар ҳақида талабаларга маълумотлар бериш.</p> <p>1.2.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.2.1. Ташкил этувчи кучлар ва уларнинг teng таъсир этувчилар ҳақида тушунчалар олади.</p> <p>1.2.2. Кесиш кучини ҳисоблашни ўрганади.</p> <p>1.2.3. Кесиш қуввати ва буровчи момент ҳақида билимларга эга бўлади.</p> <p>Асосий тушунча ва иборалар: Ёрилиш текислиги, Ўсимта, Пухталаниш, Кесиш қалинлиги, Киришиш коэффиценти, Увок киринди, Қириндига элементи, Иссиклик эквиваленти, Термабўёқ, Термажуфт, Калориметр, Совутиш - мойлаш суюкликлари.</p> <p>1.3.Дарс шакли: гурӯҳ ва микрогурӯҳларда.</p> <p>1.4.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: сухбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.5.Керакли жихоз ва воситалар: расмлар, чизмалар, плакатлар, видеопроректор, видео анимациялар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гурӯҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшигилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хуносага келинади.</p>	Ўқитувчи- талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Радиал кучнинг аҳамияти нима? • Эффекгив қувват тушунчаси нима? • Эгилувчи моментни ҳисоблашда чиқиш узунлиги қандай танланади? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини яқунилаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Режа:

1. Ташкил этувчи кучлар ва уларнинг teng таъсир этувчиси.
2. Кесиш кучини ҳисоблаш.
3. Кесиш қуввати ва буровчи моментни аниқлаш.

Таянч сўз ва иборалар.

1. Тангенциал куч.
2. Эффектив қувват.
3. Эгувчи момент
4. Кесиш кучи
5. Ўқ бўйлаб йўналган куч.

Барча материаллар кесиш жараёнида кесувчи асбобнинг ботишига ва заготовканинг йўнилаётган юзасидан кириндининг ажралишига қаршилик кўрсатади. Бинобарин кесувчи асбобга кесиш вақтида материалларнинг кесишга кўрсатадиган қаршилигини енга оладиган куч таъсир этдириш зарур.

Кесиш жараёнида кескич материалларнинг кесишга кўрсатадиган қаршилик кучларни енгади бу қаршилик кучлари:

1. Металларнинг кесиб олинаётган қатламларининг эластик ва пластик дифорнацияланишига кўрсатадиган қаршилик кучларидан.
2. Қиринди элементларининг заготовка сиртидан ажралишга кўрсатадиган қаршилик кучидан.
3. Қириндининг кескич олдннги юзасига кескич кейинги юзаларининг кесиш юзасига ишкаланиши натижасида ҳосил бўладиган кучлардан иборат.

Кескичга таъсир этувчи барча кучларнинг teng таъсир этувчиси R ни учта ташкил этувчи кучларга ажратиш мумкин.

1. Кесиш кучи /тангенциал куч/ P_z бу куч кескичга юқоридан дастгоҳнинг асосий ҳаракат йўналишида кесиш юзасига уринма бўйлаб таъсир этади.
2. Суриш кучи /ўқ бўйлаб йўналган куч/ P_x бу куч йўнилаётган заготовка ўки бўйлаб, суриш йўналишига тескари йўналишда таъсир этади.
3. Радиал куч P_y , бу куч заготовка радиуси бўйлаб йўналган бўлиб кескични заготовкадан итарида.

Кесиш кучи P_z асосий куч бўлиб, уз қиймат жиҳатидан ташкил этувчи барча кучларнинг энг каттасидир. Айлантирувчи момент ва кесиш қуввати ана шу куч асосида ҳисоблаб топилади.

Кескичга таъсир этувчи барча кучларнинг teng таъсир этувчиси қўйидаги формуладан паралелограм коидасига асосан ҳисоблаб топилади.

$$R = \sqrt{P_z^2 + P_x^2 + P_y^2}$$

P_z , P_x ва P_y кучлар орасидаги тақрибий нисбат тажриба йўли билан топилган. Бурчаклари $\phi=45^\circ$, $\gamma=15^\circ$, $\pi/0$ бўлган ўтувчи ўткир кескич билан йўнишда:

$$P_x = (0.3 \div 0.4) P_z, \quad P_y = (0.4 \div 0.5) P_z$$

Бинобарин, teng таъсир этувчи кучнинг қиймати қўйидагича

$$R = \sqrt{P_z^2 + [(0.3 \div 0.4)P_z]^2 + [(0.4 \div 0.5)P_z]^2} = (1.1 \div 1.18)P_z$$

Кесиш шароити, кесувчи асбоб геометриясининг ўзгариши ва кескич ейилиш қийматининг ўзгариши билан ташкил этувчи кучлар орасидаги нисбат узгариб туради. Шу сабабдан амалда P_z - кесиш кучини ўлчаш билан кифояланади.

Кесиш кучи P_z микдорини қўйидагича экспериментал формула ёрдамида ҳисоблаб топилади;

$$P_z = 9.81 C_p \cdot t^{vp} \cdot S^{vp} \cdot v^u \cdot k \text{ н}$$

$$P_z = C_p \cdot t^{vp} \cdot g^{vp} \cdot v^u \cdot k \text{ кГ}$$

Бу ерда P , - кесиш кучи, ньютон /н/ ва кГ ҳисобида, C_p - кесиш шароити ва материалларга

боғлиқ коэффициент, S- суриш, t - кесиш чуқурлиги, V - кесиш тезлиги, x,y,p - Даража кўрсаткичлар. к - йўнишнинг конкрет шароитини ҳисобга олувчи умумий тузатиш коэффициенти,

$$K = K_m \cdot K_y \cdot K_\phi \cdot K_r \cdot K_v \cdot K_h \cdot K_{e,w}$$

Бу ерда умумий тузатиш коэффициенти: йўналаётган материал механиқавий хоссаларни, кескич олиги бурчагини, пландаги асосий бурчакни, кескич учи юмолоқланиш радиуси қийматини, кесиш тезлигини, кескич ёйилганик даражасини ва совутиш – мойлаш суюқликларидан фойдаланишни ҳисобга олувчи коэффициентлар кўпайтмасидан иборат бўлади. Кесиш кучи Pz нинг микдорини йўнилаётган материалнинг механиқавий хоссалари, кесиш режи элементпари, кесиш шароити, кесувчи асбоб геометрик параметрлар, совутиш - мойлаш суюқлнклари ва бошқа бир катор омиллар таъсир кўсатади.

Бу омилларнинг таъсир этиш кўрсаткичлари тегишли жадвалларда /к/ нинг қийматлари сифатида берилган.

Кесиш жараёнига сарфланадиган кувват кесиш кучи Pz микдорига қараб аниқланади. Бунда суриш кучи Rx кесишга сарфланадиган кувватнинг 1-2 фоизини ташкил этади, Ru кучнинг эса иш бажармаслигини ҳисобга олинади. Бинобарин кесишга сарфланадиган эффектив кувват:

$$N_e = \frac{P_2 \cdot \vartheta}{b_0 \cdot 102} \text{ квт}$$

Бу ерда кесиш кучи Pz - кг, ϑ- м/минларда. Дастроҳ юритмасидаги электр двигателнинг сарфлаётган қуввати

$$N_s = \frac{N_e}{\eta} \text{ квт}$$

η- дастроҳнинг ф.и.к. ўртача 0,9 атрофида.

Кесиш кучи PZ йўнилаётган заготовкада айлантирувчи момент ҳосил қиласи. Айлантирувчи момент:

$$M_{\text{ш0}} = \frac{P_2 \cdot D}{2 \cdot 1000} \text{ нм}, \quad M_{\text{шf}} = \frac{P_2 \cdot D}{2} \text{ кг мм}$$

Бу ерда D - йўнилаётган заготовканинг диаметри, мм. Кескич кесиш кучи P7 таъсири остида эшлади, кескичнинг чиқиши узунлиги канча катта бўлса, эгувчи момент шунча катта бўлади:

$$M_s = P_z \cdot l \text{ кгмм}, \quad M_s = P_z \cdot \frac{l}{1000} \text{ нм.}$$

Бу ерда l - кескичнинг чиқиши узунлиги.

Амалда кесиш кучи PZ нинг қийматинн махсус динамометр ёрдамида ўлчанади, Кесиш кучини ўлчовчи динамометр токарлик-станогининг кескич маҳкамлагичи ўрнига ўрнатилиб бевосита кесиш жараёнидаги кескичга таъсир этувчи кесиш кучи микдорини аниқлайди.

Назорат учун саволлар

1. Радиал кучнинг аҳамияти нима?
2. Эффекгив кувват тушунчаси нима?
3. Эгилувчи моментни ҳисоблашда чиқиши узунлиги қандай танланади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Искандаров “Материалларни кесиб ишлаш, кесувчи асбоблар ва дастроҳлар” Тошкент, 2003 й.

- Х.Хажжанов “Кесиб ишлаш ва кесувчи асбоблар” курсидан лаборатория ишларини бажариш бўйича методик тавсиялар. Тошкент 1992 й.
- В.Д. Авагимов “Машинасозлик материалларини кесиб ишлаш” Ўқитувчи. 1976 й.
- В.А.Аршинов «Резание материалов и режущий инструмент» Машиностроение. 1976г.

**5 – мавзу. Фанни ўқитиши технологияси:
“Йўнишда кесиши тезлиги ва уни миқдорига таъсир этувчи омиллар” мавзусидаги
маъруза машғулотининг технологик харитаси**

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вакт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1.Дарс мақсади: Йўнишда кесиши тезлиги ва унинг миқдорига таъсир этувчи омиллар ҳақида талабаларга маълумотлар бериш.</p> <p>1.2.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.2.1. Кесиши тезлиги кесиши режимлариниг асосий элементи ҳақида тушунчалар олади.</p> <p>1.2.2. Кесиши тезлигига таъсир этувчи асосий омилларни ўрганади.</p> <p>1.2.3. Кесувчи асбобларни ейилиши ҳақида билимларга эга бўлади.</p> <p>1.3.Дарс шакли: гурух ва микрогурухларда.</p> <p>1.4.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: сухбат, маъруза-хикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.5.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, чизмалар, плакатлар, видеопроректор, видео анимациялар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гурухда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чакирилади.</p> <p>3.3. Умумий холосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий холосага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> Кесиши тезлиги билан кесиши кучи орасидаги мураккаб боғланиш қандай омилларга асосланади? Мой асосли суюкликларнинг кесиши тезлигага таъсири? Тузатиш коэффиценти нима? Адгезион сийилиш табиатан қандай хусусиятларга эга? Меъёр тушунчаси нима? Турғунликни ошириш омиллари нималардан иборат? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириклари берилади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.

Режа:

1. Кесиш тезлиги кесиш режимлариниг асосий элементи.
2. Кесиш тезлигига таъсир этувчи асосий омиллар.
3. Йўнишда кесиш тезлигини назарий ҳисоблаш.
4. Кесувчи асбобларни ейилиши.

Таянч сўз ва иборалар.

1. Тузатиш коэффиценти
2. Тургунликнинг нисбий даражаси кўрсатгичи.
3. Оптимал тезлик
4. Турғунлик
5. Юза тозалиги.
6. Ейилиш меъёри
7. Рухсат этилган ёйилиш
8. Адгезион
9. Диффузион
10. Абразив
11. Турғунлик

Кесиш тезлиги кесиш режимларининг асосий элементидир. Кесиш тезлигани ошириш билан дастгоҳнинг иш унуми ошади, йўнишга кетадиган асосий технологик вақт камайди. Деталь йўнилган юзасининг сифати яхшиланади.


Аммо кесиш тезлиги оширилганда кесувчи асбоб тез ейилади. Бу эса - кесувчи асбоб турғунлигини пасайтиради. Кесувчи асбобнинг турғунлиги деганда унинг бир чархлашдан иккинчи чархлашгача ишлаш даври тушунилади. Кесиш тезлигини юқори кийматларидан фойдаланиш кесувчи асбобни тезда ейилишлга олиб келади, чунки кесиш тезлига билан турғулилк орасида тескари боғланиш мавжуд.

Йўнишда кесиш тезлигининг миклорига таъсир этувчи қўйидаги асосий омиллар мавжуд:

1. Йўниладиган материалларнинг механиқавий хоссалари,
2. Кесувчи асбобнинг турғунлиги.
3. Кесувчи асбоб материалининг хоссалари.
4. Кесиш чуқурлиги ва суриш қиймати.
5. Кескич геометрик параметрлари.
6. Кескич танаси кўнгдаланг кесимининг ўлчамлари.
7. Кескичнинг йўл қўйиладиган ейилиш даражаси.
8. Ишлов бериш тури.
9. Мойлаш - совутиш суюкликлари.

Металнинг мустахкамлик чегараси ва қаттиклиги қанчалик катта бўлса, кесиш тезлиги шунчалик кичик бўлади ва аксинча.

Заготовка материали таркибидаги химиявий элементлар ҳам кесиш тезлигини микдорига таъсир этади. Масалан пўлат таркибидаги углерод микдорининг ортиши унинг қаттиқлигини ошиrsa, легирловчи элементлар иссикдик ўтказувчанликни ёмонлаштиради, бинобарин бундай материалларни кичик тезликлар билан кесилади.



Кесувчи асбобнинг турғунлиги билан кесиш тезлиги орасида чамбарчас боғланиш бор. Графикдан яқол кўриниб турибдики, кесиш тезлигининг ортиб бориши билан кесувчи асбобнинг турғунлиги пасаяди, чунки бунда асбобнинг ейилиш интенсивлиги ортади. Кеспш тезлиги билан кесувчи асбобнинг турғунлиги орасидаги боғланиш қўйидагича ифодаланиши мумкин.

$$\vartheta = \frac{A}{T^m} M \cdot M_{\text{ии}}$$

Бунда А кесувчи асбоб материалининг сифатига, йўниладиган материалга, суриш қиймати, кесиш чуқурлиги ва кесувчи асбоб геометриясига боғлик бўлган ўзгармас коэффициент. Т - кескич турғунлиги, m - турғунликнинг нисбий даражаси кўрсаткичи.

Турғунлик нисбий даражаси кўрсаткичи m - нинг тақрибий қийматлари, тезкесар пўлатдан тайёрланган кескич учун $/0,125,/$ қаттиқ. қотишмали кескич учун $/-0,2/$, минераллокерамикали кескич учун $/-0,5/$ га тенг.

Кесувчи асбобнинг турғунлигини дастгохнинг иш унуми энг катта ва деталь таннархининг энг кам бўлишига асосланиб аниқлаш керак. Ана шундай турғунлик иктиносидий турғунлик деб, бунга мувофиқ келадиган кесиш тезлиги эса иктиносидий кесиш тезлиги деб аталади.

Ҳозирги вақтда кесувчи асбоблар учун ишлатиладиган оташбардошлиги ва ейилишга чидамлилиги ҳар хил бўлган турлича сифатли материаллар мавжуд. Асбобсозлик материалларининг кесиш хоссалари, одатда кесиш тезлиги ва айнан асбобсозлик материали учун кескичнинг муайян Т, турғунлигидаги пухталиги билан ҳарактерланади.

Ҳар хил асбобсозлик материаллариниг сифатларини бир-бирига такъослаш учун бирор маркадан материал этalon қилиб олинади. Пўлатларни йўнишда T 15 K10 маркали қаттиқ қотишма учун, чўянларни йўнишда эса ВК6 маркали қаттиқ. қотишма учун кесиш тезлигини бирлик деб қабул килсан, бошқа асбобсозлик материаллари учун кесиш тезлигини материалларнинг сифатига қараб, катта ёки кичик бирликларидаги Ка коэффициенти тарзида ифодалашимиз мумкин.

Кесиш тезлигининг қийматига кесиш чуқурлиги t ва суриш қиймати S ҳам катта таъсир этади, қиринди кўндаланг кесимининг t ва S га боғлик ортиши кесиш кучлари Рz, Rx Ру миқдорининг ортишига, бу эса ўз навбатида кесиш зонасидаги иссиқлик миқдорининг ортишига олиб келади.

Кесувчи асбоб кесувчи қисмининг геометрик параметлари металлнинг кесиб олннаётган қатлами диформациясига, ишқаланишига, кесиш кучига, кескичнинг мустахкамлигига ейилиш интенсивлигига, кескичнинг турғунлиги ва кесиш тезлигига катта таъсир кўрсатади. Масалан: олдинги бурчак γ - мусбат бўлганда қиринди ажралиш жараёни осонлашади ва кескичнинг турғунлиги ортади. Бироқ олдинги бурчак миқдорининг меъеридан ортиб кетиши кескич массивлигини камайтириб иссиқликнинг тарқалишини қийинлаштиради, пландаги асосий бурчак. ф- кескичнинг турғунлиги ва кесиш тезлигига бошқа геометрик параметрларга нисбатан кўпроқ таъсир этади. Кесиш чуқурлиги ва суриш миқдори ўзгартирilmай пландаги асосий бурчак кичрайтирилса, қириндиниг қалинлиги камайиб эни ортади. Кескич кесувчи қиррасининг йўнилаётган заготовкага уриниш узунлигининг катта бўлиши иссиқликнинг кесиш зонасидан тарқалишини яхшилайди, кескичнинг сиқилишини камайтириб унинг турғунлигини оширади. Бу эса ўз навбатида кесиш тезлигини ортишига олиб келади.

Кескичнинг турғунлигини ва кесиш тезлигани ошириш мақсадида мойлаш - совутиш сутокликлари ишлатилади, бундай суюкликлар эса ишқаланиш коэффициентини ва кесиш температурасини пасайтиради. Мойлаш совутиш суюкликлари ишлатишнинг қанчалак самара бериши кескичнинг кўндаланг кесимига, йўниладиган материалнинг физик механиқавий хоссаларига, совутишнинг интенсивлигига ва суюкликтининг кесиш зонасига келтириш усулига боғлик бўлади.

Кесиш тезлиги йўниладиган материал турига, ишлов бериш шароити, кешиш чуқурлиги, суриш катталиги ва кесувчи асбоб турғунлигига қараб танланади. Йўнишда кесиш тезлиги қўйидагича формула асосида ҳисоблаб топилади:

$$\vartheta = \frac{C_g}{T^m \cdot t^\beta \cdot S^4} \cdot K \quad \text{м.мин.}$$

бу ерда Cv - ишлов бериш шароити ва йўниладиган материални ҳарактерловчи коэффициент. Т - кескичнинг турғунлиги; m - нисбий

турғунлик кўрсаткичи, t - кесиш чуқурлиги, S - суриш, x , у лар даражаси кўрсаткичлари, K - умумий кузатиш коэффициенти.

Металларни кесиш жараёнида кесувчи асбобнинг чиқаётган қиринди ҳамда йўнилаётган заготовка

бнлан ишқаланиши натижасида кесувчи асбобнинг олдинга ва орқа юзалари бўйлаб ейилиши содир бўлади.

Ейилиш ташқи кўринишига кўра: олдинга юза бўйлаб ейилиш /а-расм/ бунда ейилиш катталиги олдинги юзада хосил бўлган чукурчанинг эни /в/ ва чукурлиги /h0/ билан ўлчанади.

Орқа юза бўйлаб ейилиш /в-расм/ бунда ейилиш микдори орқа юзада ейилган майдончанинг баландлиги /h0р/ билан ўлчанади. Ҳам олдинги ҳам орқа юза бўйлаб ейилиш бунда ейилиш микдори олдинги юзадаги чукурчанинг эни /в/ ва орқа юзадаги майдонга баландлиги /h/ билан ўлчанади.

Биринчи тур ейилиш катта суришлар билан хомаки кесиб ишлаш пайтида кузатилади. Иккинчи тур ейилиш эса тозалаб йўнишда кузатилади. Учинчи тур ейилиш кесиш калинлиги 0,1-0,5 мм бўлганда ковушкок материалларни хомаки йўниш пайтида кузатилади.

Ейилиш ҳарактерига кўра ҳам уч турга бўлинади:

1. Абразив ейилиш
2. Адгезион ейилиш
3. Диффузион ейилиш

Абразив - ейилиш чўян қуймаларни, термик ишланган пўлатни кесишида кузатилади, яъни заготовка сирти ва таркибидаги турли қаттиқ заррачаларни тирнаши натижасида содир бўладиган ейилиш.

Адгезион - яъни заготовка ва кесувчи асбоб материалларини ўзаро илашиши оқибатида содир бўладиган ейилцш.

Диффузион - яъни кесувчи асбоб материалини юқори температура таъсирида киринди билан пайвандланиши натижасида содир бўладиган ейилиш. Бундай ейилиш тури ковушкоқ материалларни юқори тезликлар билан кесиш жараёнида бўлади.

Ейилиш даври ҳам учга бўлинади. 1-давр бошланғич ейилиш даври яъни кесувчи асбоб сиртидаги нотекисликларнинг то текисланиб олгунча ёйилиш даври.

II - давр - нормал ейилиш даври бу давр умумий ейилиш даврининг 90-95 % ни ташкил этиб, ейилиш жуда секин боради.

III - давр - жадал ейилиш даври бўлиб кесувчи асбоб увалана бошлайди ва бундан буён кесишини давом эттириб бўлмайди.

Агар ейилиш микдори hop ва b нинг қийматлари кесувчи асбобнинг бундан буён пашлаш мумкин бўлмай коладиган ҳолатга етса ана шу_қийматини ейилишнинг йул қўйиладиган қиймати деенилади.

Иўл қўйиладиган ёки рухсат этиладиган ейилишнинг сифат ва микдорий қийматига ейилиш меъёри /критерийси/ дейилади.

Амалда ейилишнинг қуйидаги меъёрларидан фойдаланилади:

1. Ялтирок йўллар меъёри - бунда чўян заготовкаларни кесишида йўнилган сиртда кора доғлар, пўлат заготовкаларда эса ялтирок излар пайдо бўлади. Бу эса кесувчи асбоб орқа юзасидаги майдончанинг катталашиб кетиши ва йўнилган юзани катта босим билан деформациялай бошлаганини билдиради ва шу онданоқ кесишини тўхтатиш тавсия этилади.
2. Куч меъёри /шлэзингер меъёри/ - бунда кесувчи асбоб махсус динамометрга ўрнатилади ва орқа ҳамда олдинги юзалардаги майдончаларнинг катталашуви оқибатида кесиш кучи /Pz/ нинг ўзгаришига қараб ейилганлик даражаси аниқданади.
3. Технологик меъёр - бунда ейилишнинг рухсат этиладиган қиймати шундай белгиланадики, оқибат натижада деталнинг чизмада кўрсатилган талабларига птур етмаслиги керак.
4. Иктисодий меъер - бунда рухсат этилган қиймат кесувчи асбоб материалидан унумлироқ, фойдаланишини назарда тутиб белгиланади.

Кесувчи асбобни бир чархлашдан иккинчи чархлашгача кесишида иштирок этган даври унинг турғунлиги дейилади. Кесувчи асбоб турғунлигини ошириш иқтисодий тежамкорлик ва меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келади.

Назорат учун саволар

1. Кесиш тезлиги билан кесиш кучи орасидаги мураккаб боғланиш қандай омилларга асосланади?
2. Мой асосли суюкликларнинг кесиш тезлигага таъсири?
3. Тузатиш коэффиценти нима?
4. Адгезион сийилиш табиатан қандай хусусиятларга эга?
5. Меъёр тушунчаси нима?
6. Турғунликни ошириш омиллари нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Искандаров “Материалларни кесиб ишлаш, кесувчи асбоблар ва дастгоҳлар” Тошкент, 2003 й.
2. Х.Хажжанов “Кесиб ишлаш ва кесувчи асбоблар” курсидан лаборатория ишларини бажариш бўйича методик тавсиялар. Тошкент 1992 й.
3. В.Д. Авагимов “Машинасозлик материалларини кесиб ишлаш” Ўқитувчи. 1976 й.
4. В.А.Аршинов «Резание материалов и режущий инструмент» Машиностроение. 1976г.

**6 – мавзу. Фанни ўқитиши технологияси:
“Йўнилган юзаларнинг тозалигини аниқлаш”
мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси**

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вакт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1.Дарс мақсади: Йўнилган юзаларнинг тозалигини аниқлаш ҳақида талабаларга маълумотлар бериш.</p> <p>1.2.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.2.1. Фадир будирлик (микрогоеометрия) ҳақида тушунчалар олади.</p> <p>1.2.2. Юза тозалигини белгиловчи асосий параметрларини ўрганади.</p> <p>1.2.3. Тозалик синфи ва уни ўлчаш усувлари ҳақида билимларга эга бўлади.</p> <p>Асосий тушунча ва иборалар: Юза тозалиги, Тозалик синфи, Фадир-будирлик, Микрогоеометрия, Профилометр, Баъза узунлиги, Нотекисликлар қадами.</p> <p>1.3.Дарс шакли: гурӯҳ ва микромурухларда.</p> <p>1.4.Фойдаланилайдиган метод ва усувлар: сухбат, маъруза-хикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.5.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, чизмалар, плакатлар, видеопроректор, видео анимациялар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чакирилади.</p> <p>3.3. Умумий хulosалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хulosага келинади.</p>	Ўқитувчи- талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Кўндаланг микрогоеометрия нима? • Профилнинг ўртача арифметик қийматн нима? • Профилографнинг ишлаш принципи? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириклари берилади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.

Режа:

1. Фадир будирлик (микрогоеметрия) тушунчаси.
2. Юза тозалигини белгиловчи асосий параметрлар.
3. Тозалик синфи ва уни ўлчаш усуллари.

Таянч сўз ва иборалар.


1. Юза тозалиги
2. Тозалик синфи
3. Ғадир-будирлик
4. Микрогоеметрия
5. Профилометр
6. Баъза узунлиги
7. Нотекисликлар қадами

Йўналган юзанинг тозалиги деталларниг машина ва механизмларда ишлаш муддатиши оширишда катта ахамиятга эга. Юза сифатини оширадиган шартлардан бири ғадир-будирлиқдир. Ғадир-будирлик /микрогоеметрия/ деганда деталларниг йўнилган юзалиридаги ниҳоятда кичик қадамли тароқчалар тарзидаги нотекислик тушунилиши керак.

Детал юзасининг ёрдамчи ҳаракат йўналишида жойлашган нотекисликлар профиллари кўндаланг ғадир-будирликлар деб аталади ва кескич учининг профилини акс эттирувчи чикиклар ва ботиқлар шаклида бўлади.

Детал юзасида асосий ҳаракат йўналишида жоилашган нотекисликлар бўйлама ғадир-будирликлар деб аталади. Амалда кўндаланг ғадир-будирликларни ўлчаш бялан кифояланилади. ГОСТ 2789-59 да юзанинг ғадир-будирлигига қараб тозалик синфлари белгиланган, унга кўра, юза тозалигини белгиловчи қуидаги белги ва терминлар жорий қилинган.

Нотекисликлар қадами: икки ҳаракетли чикиқ ёки ботиқлар орасидаги масофа. База узунлиги 1 юза тозалигини аниқлаш учун танлаб олинган масофа. Профилнинг ўрта чизиги – mm геометрик профил шаклида бўлган ва ғадир-будирликтининг сон кийматларини аниқлаш учун база вазифасини ўтайдиган чизик. База узунлиги чегарасида профилнинг ўрта чизиги уни шундай бўладики, профилнинг ана шу чизигидан иккала томонидаги майдончалар бир-бирига тенг бўлади.



$$F_1 + F_2 + F_3 + \dots + F_{n-1} = f_2 + f_4 + f_6 + \dots + f_m$$

7-расм

Профилнинг ўртача арифметик четга чикиши Ra-ўлчанган профил нуқталарининг шу профил ўрта чизигигача бўлган y1, y2, y3 ... уп оралиқларнинг ўртача қиймати. Ўрта чизиқкача бўлган оралик алгебраик ишораси ҳисобга олинмаган холда қўшилади.

$$R_a = \frac{\sum_{i=1}^n (y_i)}{n}$$

Нотекисликлар баландлиги Rz - база узунлиги чегарасида чиқикларнинг бешта энг юқори нуқтаси билан ботиқларнинг бешта энг паст нуқтаси орасида ўрта чизикقا параллел бўлган чизиғидан ўлчанган ўртача масофа.

Юзанинг ғадир-будирдиги ГОСТ 2789-59 га кўра Ra ва Rz лар макдорлари билан аниқланади.

ГОСТ 2789-59 да юза тозалиганинг 14 та синфи белгиланган.

Амалда юза тозаликларини этalonга солиштириш ёки Ra ва Rz миқдорларини профилограф, прифилометр ҳамда қўш интерференцион микроскопилар ёрдамида ўлчаш билан аниқланади.

Тозалик синфлари ўз навбатида яна учтадан разрядга бўлиниб икки синф оралиғидаги қийматларни teng бўлакларга ажратилади ва шу қиймат асосида синфнинг разряди белгиланац.

Назорат учун саволлар

1. Кўндаланг микрогеометрия нима?
2. Профилнинг ўртача арифметик қийматн нима?
3. Профилографнинг ишлаш принципи?

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Искандаров “Материалларни кесиб ишлаш, кесувчи асбоблар ва дастгоҳлар” Тошкент, 2003 й.
2. Х.Хажжанов “Кесиб ишлаш ва кесувчи асбоблар” курсидан лаборатория ишларини бажариш бўйича методик тавсиялар. Тошкент 1992 й.
3. В.Д. Авагимов “Машинасозлик материалларни кесиб ишлаш” Ўқитувчи. 1976 й.
4. В.А.Аршинов «Резание материалов и режущий инструмент» Машиностроение. 1976г.

7 – мавзу. Фанни ўқитиши технологияси:

“Металмас материалларни кесиб ишлаш. Материалларнинг кесиб ишланувчанлиги” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

T/p	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1.Дарс мақсади: Металмас материалларни кесиб ишлаш. Материалларнинг кесиб ишланувчанлиги ҳақида талабаларга маълумотлар бериш.</p> <p>1.2.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.2.1. Металмас конструкцион материалларни кесиб ишлаш ҳақида тушунчалар олади.</p> <p>1.2.2. Материал хоссаларини кесиб ишланувчанликка таъсирини ўрганади.</p> <p>1.2.3. Кесиб ишланувчанликни аниқлаш усуллари ҳақида билимларга эга бўлади.</p> <p>Асосий тушунча ва иборалар: Кесиб ишланувчанлик, Тургунлик, Тескарч торец йўниш, Лигерловчи, Технологик хосса, Пластик масса.</p> <p>1.3.Дарс шакли: гурух ва микрогурухларда.</p>	Ўқитувчи

	1.4.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: сұхбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.5.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, чизмалар, плакатлар.	
2	Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гурухда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2. Талабалар фикри эшигилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хуносага келинади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуидаги саволлар берилади: <ul style="list-style-type: none">• Қотишмалар таркибидаги химиявий элементларнинг материал кесиб ишланувчанлигига таъсири қандай?• Кесиб ишланувчанликни аниқлаш усуларини тушунтиринг. 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулотини якунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Режа:

1. Металмас конструкцион материалларни кесиб ишлаш.
2. Материал хоссаларини кесиб ишланувчанликка таъсири.
3. Кесиб ишланувчанликни аниқлаш усуллари.

Таянч сўз ва иборалар.

1. Кесиб ишланувчанлик
2. Тургунлик
3. Тескарч ториц йўниш
4. Лигерловчи
5. Технологик хосса
6. Пластик масса

Материалларни кесувчи асбоб билан йўнила олиш хусусиятига кесиб ишланувчанлик дейилади. Материалларнинг кесиб ишланувчанлиги кесиш тезлиги, кесувчи асбонинг турғунлиги, кесиб ишлашга сарфланадиган кувват, кесиш кучи, ишлов бериш аниқлиги, юза тозалиги билан ҳарактерланади. Шунинг учун материал танлашда конструктив ҳарактердаги хусусиятларни эмас, балки кесиб ишланувчанликни ҳам хисобга олиш керак.

Пластик материалларнинг кесиб ишланувчанлик даражаси физик механиқавий хоссаларига қараб турлича бўлади. Пластик массаларнинг асосий таркибий қисми юқори молекуляр органик моддалар - сунъий ва синтетик ёки табиий смолалардан иборат бўлади. Пластик массаларни кесиб ишланувчанлик даражасига қараб икки турга бўлиш мумкни.

1. Иссиклик ва босим таъсири остида химиявий жиҳатдан ўзгариши мумкин бўлган пластик массалар. Одатда уларни иссикликка 1 чидамлилиги паст бўлади ва темпаратура таъсири остида ўз пухталигини йўқотади.

2. Термобардош пластик массалар. Бундай пластик массалар иссиклик ва босим остида химиявий жиҳатдан ўзгармайди. Улар жумласига кремний - органик пласстмассаларни киритиш мумкин.

Умуман олганда барча пластик массаларни иссиклик ўтказувчанлиги паст бўлади, шунинг учун

уларни кесиши жараёнида ҳосил бўладиган иссиклик кесиши зонасида кесувчи асбобда тўпланади. Қизиган пластмассалар пластик бўлиб қолади, бу эса кесиши қийинлаштиради яъни кесувчи асбобга ёпишиб қолади.

Баъзи пластик массалар таркибига кирувчи моддаларда абразив хоссалари бўлади, бу ҳол кесувчи асбобнинг интесив равишда ейилишига олиб келади. Тўкима, ёғоч ва ип газлама тўлдиргичли пластик массалар катта тезликлар билан кесиб ишланади, бунда кесим юзи кичик қилиб олинади. Сув шимувчи пластик массалар /гетинакс, текстолит, кордоволокнит/ совутиш суюқлигисиз кесиб ишланади.

Ёғоч ҳам худди металлар каби кесиб ишланади. Ёғоч механиқ хоссалари жиҳатидан қуйидаги жинсларга бўлинади: қаттиқ, уртача қаттиқдикдаги ва юмшоқ, толаларининг йўналиши жиҳатидан ёғоч материаллари бўйлама, кўндаланг торециларга бўлинади. Ёғочнинг қаттиқлиги паст, у юкори температурага бардош бераолмайди, ҳар хил йуналишда толаларининг хоссалари ҳар хил бўлади, ёғочни кесиб ишлаш анча осон.

Материалларни кесиб ишланувчанлигинн аниқлаш усувлари. Материаллернинг кесиб ишланувчанлигини баҳолаш учун кесиши тезлигининг кесувчи асбоб тургунлигига боғлиқлигини аниқлашнинг бир исча усули бор. Материалнинг кесиб ишланувчанлигини характерловчи энг аниқ натижаларни кесиши тезлигининг кесувчи асбоб тургунлиги, кесиши чукурлиги ва суриш кийматларига боғланишини ифодоловчи муносабатлардан олиш мумкин:

$$\vartheta = f(T, t, S)$$

Материалларни кесиб ишланучанлигини аниқлашнинг бундай усули энг аниқ натижалар беради, аммо бу усул тадқикот учун кўп вақт, синаладиган кўп микдор материал ва кесувчи асбоб талаф этади, шу сабабли синов даврини кискартириш учун унча аниқ булмасада тез бажариладиган усувлардан фойдаланилади. Бу усувлар жумласига тескари торец йўниш, температуравий ва радиоактив изотоплар усувларини киритиш мумкин.

Торец йўниш усули. Бу усульнинг мохияти шундан иборатки, синаладиган материалларнинг тореци марказидан бошлаб четига томон яъни тобора ортиб борадиган кесиши тезлиги бнлан йўнилади, бунда айланишлар сони узгармас бўлади. Йўниш дискнинг тореци буйлаб кескич ўтмаслашгунча давом эттирилади. Шу сабабли айланишлар сони кесувчи асбоб бир утиш давомида утмасланадиган килиб танланши. Синаладиган диск намунанинг диаметри камида 300 мм, тешикнинг диаметри эса 30 мм килиб олинади. Ортиб борувчи кесиши тезлиги билан утказилган синовлардан кейин натижалар қуйидаги боғланиш тарзида ифодаланади.

$$\vartheta = f(t, S)$$

Бунда барча ҳолатлар учун кесувчи асбобларнинг тургунлиги /T/ бир хил деб каралади. Ана шу ифода материалнинг кесиб ишланувчанлигини характерлайди.

Температуравий усул. Бу усульнинг мохияти шундан иборатки, кесиши температураси кесиши режимлари - кесиши тезлиги, кесиши чукурлиги ва суриш кийматларига караб аниқланади. Олинган натижалар асосида боғланиш келтирилиб чиқарилади.

$$\vartheta = f(t, S)$$

Кесиши температураси узгармас булса, кесишининг барча режимларида кесувчи асбобнинг тургунлиги бир хил деб хисобланади.

Радиоактив изотоплар усулида - радиоактив нурлантирилган кескичининг ейилиш интевсивлиги чиқаётган қиринди орқали Гейгер счетчиги ёрдамида аниқланиб ейилганлик даражаси аниқланади ва кескичининг тургунлиги аниқлангандан сўнг юкоридаги боғланиш келтириб чиқарилади.

Назорат учун саволлар

1. Қотишмалар таркибидаги химиявий элементларнинг материал кесиб ишланувчанлигига таъсири қандай?
2. Кесиби ишланувчанликни аниқлаш усувларини тушунтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Искандаров “Материалларни кесиб ишлаш, кесувчи асбоблар ва дастгоҳлар” Тошкент, 2003 й.
2. X.Хажжанов “Кесиб ишлаш ва кесувчи асбоблар” курсидан лаборатория ишларини бажариш бўйича методик тавсиялар. Тошкент 1992 й.

3. В.Д. Авагимов “Машинасозлик материалларини кесиб ишлаш” Ўқитувчи. 1976 й.
 4. В.А.Аршинов «Резание материалов и режущий инструмент» Машиностроение. 1976г.

8 – мавзу. Фанни ўқитиш технологияси:

“Металл кесиши дастгоҳларининг турлари ва классификацияси” мавзусидаги маъзуза машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вакт
1	<p>Тайёрловbosқичи:</p> <p>1.1.Дарс мақсади: Металл кесиши дастгоҳларининг турлари ва классификацияси ҳақида талабаларга маълумотлар бериш.</p> <p>1.2.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.2.1. Металл кесиши дастгоҳининг асосий турларини ўрганади.</p> <p>1.2.2. Дастгоҳларининг турли характеристкаларига кўра турларга ажратишни билади.</p> <p>1.2.3. Ҳозирги замон дастгоҳларининг такомиллаштириш соҳасидаги олиб борилаётган ишлар ҳақида билимларга эга бўлади.</p> <p>Асосий тушунча ва иборалар: Дастьох, Автомат, Яримавтомат, Универсал, Аниқлик.</p> <p>1.3.Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруухларда.</p> <p>1.4.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: сухбат, маъзуза-ҳикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.5.Керакли жихоз ва воситалар: расмлар, чизмалар, плакатлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилишbosқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъзуза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гуруҳда ишлашbosқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хulosалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хulosага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолашbosқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Металл кесиши дастгоҳлари қайси белгиларига кўра классификацияланади? • Ишлов бериш аниқлигига кўра дастгоҳлар қандай турларга бўлинади? • Агрегат дастгоҳлар деб қандай дастгоҳларга айтилади? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлашbosқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириклари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласди ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Режа:

1. Металл кесиш дастгохининг асосий турлари.
2. Дастгоҳларининг турли ҳарактеристкаларига қўра турларга ажратиши.
3. Ҳозирги замон дастгоҳларининг такомиллаштириш соҳасидаги олиб борилаётган ишлар.

Таянч сўз ва иборалар

1. Дастгоҳ
2. Автомат
3. Яримавтомат
4. Универсал
5. Аниқлик

Заготовкага талаб этилган шакл бериш, уни йўнилган юзаларини талаб этилган даражада аниқ ва тоза қилиш мақсадида уни кесиб ишлаш учун мўлжалланган машина метал кесиш дастгоҳи дейилади.

Тайёр детал олиш мақсадида заготовкани кесиб ишлашнинг технологик жараёнини амалга ошириш учун металл кесиш дастгоҳида зарур ҳаракатлар ҳосил қилиш, заготовкани ва кесувчи асбобни ўрнатиш хамда маҳкамлаш учун тегишли механизм ва мосламалар бўлиши керак. Дастгоҳ ўзоро боғланган ва иш ҳаракатларини (асосий ҳаракат ва суриш ҳаракати) ҳосил қиласиган бир қатор механизмлардан иборат бўлиши зарур, бундан ташқари дастгоҳда керакли айланишлар сонини олиш, керакли суриш қиймати ҳосил қилиш, заготовкани сикиш ва бўшатиш мосламаларини ўрнатиш, кесувчи асбобни заготовкага келтириш ва заготовкадан четлатиши механизmlари ва бир қатор бошқа механизmlар ҳам бўлиши лозим.

Дастгоҳларга нисбатан қўйидаги талаблар қўйилади:

1. Заготовкалар кесиб ишлангандан кейин деталларга нисбатан қўйиладиган талабларга жавоб берадиган ўлчамларга ва тозалигига эга бўлиш учун дастгоҳ аниқ ишлаши лозим.
2. Заготовкани кесиб ишлаш вақтида синиш рўй бермаслигини, узелларнинг деталлари тез ейилмаслиги ва титрашга мойил бўлмаслиги учун дастгоҳнинг қисмлари ва барча механизmlари пухта ва бикр бўлиши керак.
3. Заготовканн кесиб ишлашда асосий технологик вақти энг кам сарф қилиниши учун дастгоҳ етарли даражада тез юрап бўлиши зарур.
4. Дастгоҳга қараб туриш ва уни ростлаш оддий, осон бўлиши ва ортиқча вақт талаб қилмаслиги лозим.
5. Дастгоҳ конструктурасида эҳтиёт бўлмай ёки билмасдан туриб ишга туширишда дастгоҳнинг синишига барҳам берадиган сақлагич қурилмалари бўлиши ҳам кўзда тутилиши керак.
6. Дастгоҳда операция тамом бўлгандан кейин дастгоҳни ёки унинг айрим органларини ишчисиз, автоматик равища тўхтатадиган механизmlар кўзда тутилиши лозим, бундай автоматик механизmlар ишчининг дастгоҳда бир неча дастгоҳда бир йўла ишлашига имкон беради.
7. Дастгоҳни бошқариш осон ва хавфсиз бўлиши керак.

Металл кесиш дастгоҳлари қўйидаги асосий аломатларига, технологик вазифага, дастгоҳ конструкциясининг ўзига хос хусусиятларига, жойлашувига, автоматлаштирилганлик даражасига, йўнилган юзаларнинг дастгоҳ таъминлай оладиган тозалик ва аниқлаш даражасига қараб классификацияланади.

Технологик вазифага ва ишлатиладиган асбобга кўра дастгоҳлар: фрезалаш, протяжкалаш, пармалаш жилвирлаш дастгоҳлари ва бошқа дастгоҳларга бўлинади.

Ихтисослаштирилганлик даражасига кўра, универсал, ихтисослаштирилган ва маҳсус дастгоҳларига, универсал дастгоҳлар шакли ва ўлчамлари жиҳатидан ҳар хил деталлар кесиб ишлаш учун мўлжалланган бўлади: ихтисослаштирилган дастгоҳлар шакли жиҳатидан ўхшаш, аммо ўлчамлари турлича деталлар ишлаш учун мўлжалланади (масалан: тиш йўниш дастгоҳлари) маҳсус дастгоҳлар бир тип ўлчамили деталлар ишлаш учун мўлжалланган бўлади.

Автоматлаштирилганлик даражасига кўра, қўл билан бошқариладиган, ярим автомат, автомат дастгоҳлар, дастгоҳларнинг автомат линиялари ва бошқаларга бўлинади.

Металл кесиш дастгоҳлари аниқлик даражасига кўра, қўйидаги класс дастгоҳлари: нормал аниқликдаги дастгоҳлар - Н, юқорироқ аниқликдаги дастгоҳлар П, юқори аниқликдага дастгоҳлар - В, айниқса аниқ дастгоҳлар - С, айниқса юқори аниқликдаги дастгоҳлар - А га бўлинади.

Оғирлиги жиҳатидан: енгил (1 т гача), ўрта (10 т гача) ва оғир (10 т дан ортик) дастгоҳларга бўлинади.

1943 йилда ЭНИМС томонидан ишлаб чиқарилган классификацияга кўра дастгоҳлар қуидаги тартибда номерланади ва маркаланади:

Биричи ракам дастгоҳ кайси группага кирса, ана шу группани билдиради. Иккинчи ракам дастгоҳнинг типини кўрсатади.

Белгилардаги ҳарфлар, шунингдек учинчи ва тўртинчн рақамлар дастгоҳнинг ишлатиш учун энг муҳим параметрларидан бирини ва кесиб ишланадиган детални ҳарактерлаш мақсадида шу дастгоҳ ишлаб чиқариладиган завод томонидан қўйилади.

Хозирги замонда технологик жараёнларни янада такомиллаштириб борилиши муносабати билан металл кесиши дастгоҳларида нисбатан қўйилидиган талаблар янада кучайтирилмоқда. Ушбу масалани ҳал этиш борасида дастгоҳсозлик соҳаси бир талай ижодий ишларни бир неча ўн йилликлар мобайнида амалга оширидилар. Булар оддий механизациялашган универсал дастгоҳлардан бошлаб то ҳозирги кундаги сонли дастур билан бошқариладиган бир бир неча операцияли ишлов бериш марказлари кўринишида мавжуд.

Кўйида металл кесиши дастгоҳларининг энг кўп тарқалган вакиллари токарлик автомат ва ярим автоматларининг тузилиши ва техникавий кўрсатгичларни кўриб чиқамиз.

Заготовкани кесиб ишлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳаракатлари автоматлаштирилган, заготовкани ўрнатиш, маҳкамлаш ва кесиб ишланган детални чиқариб олиш ишлари қўлда бажариладиган дастгоҳлар ярим автоматлар деб аталади. Заготовка дастгоҳга ўрнатилгандан кейин ишчи дастгоҳни юргизиб юборади ва деталь ўлчамларини текшириб туради.

Созланиб бўлгандан кейин барча ишларни ишчининг иштирокисиз ўзи бажарадиган дастгоҳлар автомат дастгоҳлар дейилади. Автомат дастгоҳларда ишчининг вазифаси кесиб ишланган деталнинг сифатини текшириб туришдан, дастгоҳ созлигини туғрилашдан (кесувчи асбобни алмаштириш, дастгоҳ ишида содир бўладиган нуқсонларни бартараф қилишдан) ва дастгоҳни материал (чивиқ, заготовка) билан таъминлаб туришдан иборат.

Токарлик ярим автоматлари ва автоматлари бир шпинделли ва кўп шпинделли дастгоҳларига, шпинделларининг жойлашувига кўра эса горизонтал ҳамда вертикал дастгоҳларга бўлинади.

Назорат учун саволлар

1. Металл кесиши дастгоҳлари қайси белгиларига кўра классификацияланади?
2. Ишлов бериш аниқлигига кўра дастгоҳлар қандай турларга бўлинади?
3. Агрегат дастгоҳлар деб қандай дастгоҳларга нитилади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Искандаров “Материалларни кесиб ишлаш, кесувчи асбоблар ва дастгоҳлар” Тошкент, 2003 й.
2. X.Хажжанов “Кесиб ишлаш ва кесувчи асбоблар” курсидан лаборатория ишларини бажариш бўйича методик тавсиялар. Тошкент 1992 й.
3. В.Д. Авагимов “Машинасозлик материалларини кесиб ишлаш” Ўқитувчи. 1976 й.
4. В.А.Аршинов «Резание материалов и режущий инструмент» Машиностроение. 1976г.

9 – мавзу. Фанни ўқитиши технологияси:

“Токарлик дастгоҳларида ишлов бериш” мавзусидаги маъруза машгулотининг технологик харитаси

T/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вакт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Токарлик дастгоҳларида ишлов бериш ҳақида талабаларга маълумотлар бериш. 1.2.Идентив ўқув мақсадлари. 1.2.1. Токарлик гурухига кирувчи дастгоҳларни ўрганади. 1.2.2. Ихтисослаштирилган дастгоҳлар турларини билади.	Ўқитувчи

	<p>1.2.3. Машинасозликда ишлатиладиган токарлик дастгохлари хақида билимларга эга бўлади.</p> <p>Асосий тушунча ва иборалар: Поводок, Станина, Суппорт, Фартук, Кескич, Револвер каллак, Автомат, Иҳтисослашган.</p> <p>1.3.Дарс шакли: гурух ва микрогурухларда.</p> <p>1.4.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: сухбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.5.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, чизмалар, плакатлар.</p>	
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гурухда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хulosалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хulosага келинади.</p>	Ўқитувчи- талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> Станоклар технологик вазифаси ва фойдаланадиган асобоб турига қараб бўлиниши. Конструкциясининг хусусиятига қараб турланиши. Автоматлашганлик даражасига қараб булиниши. Иҳтисослашганлик даражасига кўра станокларнинг қандай турлари мавжуд? Аниклик даражасига кўра станоклар қандай классларга бўлинади? Массасига қараб станокларнинг бўлиниши. <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Режа:

- Токарлик гуруҳига кирувчи дастгоҳлар.
- Иҳтисослаштирилган дастгоҳлар турлари.
- Машинасозликда ишлатиладиган токарлик дастгохлари.

Таянч сўз ва иборалар

- Поводок.
- Станина.
- Суппорт.
- Фартук.
- Кескич.
- Револвер каллак.
- Автомат.
- Иҳтисослашган.

Токарлик гурухидаги дастгохларда мураккаб шаклли, йўнилган юзаси жуда аниқ ва тоза бўлиши талаб этиладиган хилма-хил деталлар кесиб ишланиши мумкин. Токарлик дастгохлари универсал ва ихтисослаштирилган дастгохларга бўлинади. Универсал токарлик дастгохларида цилиндрик, конусимон ва шакдир юзаларни бўйлама ва кўндаланг суриш билан йўниш, цилиндрик ва конусимон тешикларни йўниб кенгайтириш, сиртқи ва ички резьбалар қиркиш, тешиклар пармалаш, уларни зенкерлаш ва резвёрткалаш мумкин. Токарлик дастгохларида ҳар хил тип кескичлардан парма, зенкер, развёртка, метчик ва плашкалардан фойдаланилади.

Ихтисослаштирилган дастгохлар муайян операциялар учун мўлжалланган бўлиб, бир номли деталлар, масалан погонали ботиқлар йўниш учун ишлатилади. Шу сабабли бу дастгохлардан серияли ишлаб чиқаришда энг кўп фойдаланилади.

Кишлоқ хўжалик машнасозлигида ва кишлоқ хўжалик машиналари; ремонтида кенг кўламда ишлатиладиган дастгохлар универсал токарлик дастгохларида. Токарлик дастгохлари гурухида токарлик дастгохлари, токарлик винт - қирқиши дастгохлари, кўп кескичли токарлик дастгохлари, револьвер дастгохлари, лобовой дастгохлар, карусель дастгохлар, ярим автомат ва автоматлар киради.

Станокларнинг турили конструкциялари бўлишига карамай, ҳар бир станокда двигатель, узатмалар ва ҳар хил харакатларни бажарувчи механизмлар булиб, улар узаро узвий боғланган.

Хозирда вазифаси, технологик имкониятлари ва улчамлари турлича булган жуда куп металл кесиши станоклари ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган станокларнинг ва муайян вакт оралигига, масалан, беш йил мобайнида ишлаб чиқарилиши мўлжалланган станокларнинг барча тип ва улчамлари мажмуи типаж деб аталади. Станоклар типажи узликсиз равишда ортиб бормоқда.

Металл кесиши станоклари экспериментал илмий – таддикот институти НИМС (классификациясига кура, сериялаб ишлаб чиқарилаётган барча станоклар туккизта группага бўлинади. Ҳар кайси группа, уз навбатида, станокларнинг бир неча типини уз ичига олади (1-жадвал)).

Станоклар технологик курсаткичига ихтисослаштирилганлик даражасига, массасига ва бошқа курсаткичларига кура куйидагича классификацияланади:

1. Технологик вазифасига ва фойдаланиладиган кесиши асбобининг турига караб токарлик, пармалаш, фрезалаш, жилвирлаш ва бошкалар.

2. Конструкциясининг хусусиятига (асосий иш органларининг жойлашишига) караб вертикал, горизонтал ва универсал станоклар.

3. Автоматлаштирилганлик даражасига караб ярим автомат ва автоматлар.

4. Юза гадир-бутирлигига караб дагал ва текис юзаларга ишлайдиган станоклар.

5. Ихтисослашганлик даражасига кура куйидаги станоклар мавжуд:

а) Универсал станоклар, хилма – хил деталлар ишлашда ҳар хил операцияларни бажаради. Айникса, куп хил ишлар бажаришда фойдаланиладиган станоклар кенг универсал станоклар дейилади:

б) киёфалари бир – бирига ухшаш, аммо улчамлари ҳар хил деталлар ишлаш учун мўлжалланган ихтисослаштирилган станоклар:

в) кенг номенклатурадаги деталларда маълум операцияларнигина бажариш учун мўлжалланган кенг вазифали станоклар:

г) факат бир тип – улчамдаги деталлар ишлаш учун мўлжалланган махсус станоклар.

6. Аниклик даражасига кўра станоклар беш классга бўлинади. Н Класс – кормал аниклидаги станоклар: бу классга универсал станокларнинг купчилиги киради. П класс – оширилган аниклидаги станоклар: бу станоклар нормал аниклидаги станоклар асосида тайёрланади, аммо станокнинг мухим деталларининг тайёрланишига нисбатан ва йигиши хамда ростлаш сифатига нисбатан юкори талаблар қўйилади. В класс – юкори аниклидаги станоклар: станокларнинг юкориги аниклигига айрим узелларининг маҳсус конструкцияси, деталларнинг тайёрланишига, узелларини ва бутун станокни йигиши хамда ростлаш сифатига нисбатан юкори талаблар куйилиши хисобига эришилади. А класс – айникса юкори аниклидаги станоклар: бундай станоклар тайёрлашда В класс станоклари тайёрлашдагига караганда хам каттарок талаблар қўйилади. С класс –А ва В класс станоклари деталларнинг аниклигини белгиловчи металллар тайёрлаш учун мўлжалланган нихоятда аник станоклар: бошкача килиб айтганда, мастер – станоклар. В, А ва С класс станоклари тегишли аникликни таъминлаши учун улар температураси

ва намлиги автоматик равишда узгармас килиб туриладиган хоналарга урнатилган холда ишлатилади.

7. Массасига қараб енгил (1 т гача), ўртача (10 т гача) ва оғир (10 т дан ортик) станокларга бўлинади. Оғир станоклар уз навбатида йирик (10-30 т), оғир (30 – 100 т) ва жуда оғир (уникал) (100 т дан оғир) станокларга бўлинади.

Станокнинг модели учта ёки туртта (баъзан, ҳарфлар кушилган) ракам билан белгиланади. Биринчи ракам станокнинг группасини, иккинчи ракам – типини, энг охирги битта ёки иккита ракам станокнинг характерли улчамларидан бирини билдиради. Биринчи ракамдан кейинги ҳарф станокнинг такомиллашганини, барча ракамлардан кейинги кейинги ҳарф эса базавий моделининг модификациясини (шакл узгаришини) курсатади.

Масалан, 2 А 1 3 5 станогини олайлик. Бунда 2 раками станокнинг иккинчи группага киришини – пармалаш станоги эканлигини: А ҳарфи станокнинг такомиллаштирилганлигини билдиради: 1ракам станокнинг биринчи типга оидлигини – вертикал – пармалаш станоги эканлигини: охирги иккита ракам эса пармаланиши мумкин булган энг катта тешик диаметрини – 35 мм ни курсатади.

Назорат саволлари

1. Станоклар технологик вазифаси ва фойдаланадиган асбоб турига қараб бўлиниши.
2. Конструкциясининг хусусиятига қараб турланиши.
3. Автоматлашганлик даражасига қараб бўлиниши.
4. Ихтисослашганлик даражасига кўра станокларнинг қандай турлари мавжуд?
5. Аниклик даражасига кура станоклар қандай классларга бўлинади?
6. Массасига қараб станокларнинг бўлиниши

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Искандаров “Материалларни кесиб ишлаш, кесувчи асбоблар ва дастгоҳлар” Тошкент, 2003 й.
2. Х.Хажжанов “Кесиб ишлаш ва кесувчи асбоблар” курсидан лаборатория ишларини бажариш бўйича методик тавсиялар. Тошкент 1992 й.
3. В.Д. Авагимов “Машинасозлик материалларини кесиб ишлаш” Ўқитувчи. 1976 й.
4. В.А.Аршинов «Резание материалов и режущий инструмент» Машиностроение. 1976г.

10 – мавзу. Фанни ўқитиши технологияси:

“Пармаловчи ва тешик кенгайтирувчи дастгоҳларида ишлов бериш” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

T/p	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вакт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Пармаловчи ва тешик кенгайтирувчи дастгоҳларида ишлов бериш ҳақида талабаларга маълумотлар бериш. 1.2.Идентив ўқув мақсадлари. 1.2.1. Пармалаш жараёнидаги ҳаракатларни ўрганади. 1.2.2. Пармалаш дастгоҳларининг типларини билади. 1.2.3. Дастгоҳ турлари ҳақида билимларга эга бўлади. Асосий тушунча ва иборалар: Пармалаш, Зенкерлаш, Раверткалаш, Координат, Кондуктор, Қуйруқ, Радиал, Парма. 1.3.Дарс шакли: гурух ва микрогурухларда. 1.4.Фойдаланилайдиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.5.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, чизмалар, плакатлар.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:	Ўқитувчи,

	2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2. Талабалар фикри эшигилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: <ul style="list-style-type: none">• Рандалаш ва уйиш станокларида кандай сиртлар ишланади?• Мазкур станоклардаги бош харакатни айтиб беринг.• Нима учун мазкур станокларда катта тезликлар амалга оширилмайди яна кандай камчиликлар бор? 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулотини якунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Режа:

1. Пармалаш жараёнидаги харакатлар
2. Даствохларининг типлари
3. Даствох турлари

Таянч сўз ва иборалар

1. Пармалаш.
2. Зенкерлаш.
3. Раверткалаш.
4. Координат.
5. Кондуктор.
6. Куйруқ.
7. Радиал.
8. Парма.

Пармалаш материаларида пармалар билан тешиклар очиш ва тешикларни кенгайтиришда кўп кўлланиладиган усуллардан бириди. Шу сабабли пармалаш станоклари станоклар паркининг 12 – 15 % ини ташкил этади. Пармалаш станокларида кесиш асбоби парма, зенкер, развёрткалардан иборат булиб, улар асбобсозлик, тезкесар ва каттик котишмалардан тайёрланади.

Пармалаш станоклари тешиклар пармалаш, тешикларга метчик ёрдамида резъбалар киркиш тешикларни йуниб кенгайтириш ва уларни притирлаш, листовой материаллардан дисклар киркиб олиш ва бошқа ишлар учун мулжалланган.

Яхлит материалда очиқ ва ёпиқ, цилиндрик тешиклар ҳосил қилиш учун парма деб аталаидиган кесувчи асбобдан фойдаланилади. Парма ёрдамида тешик ҳосил қилиш технологик жараёни пармалаш деб аталади. Мавжуд тешикни диаметридан парма ёрдамида кенгайтириш жараёни пармалаб кенгайтириш дейилади. Зенкер ёрдамида кенгайтириш зенкерлаш деб, развёртка ёрдамида катталаштириш эса разверткалаш дейилади.

Пармалаш жараёнида бирга содир бўладиган иккита харакат

1. Асосий харакат - пармани ёки деталнинг ўз ўқи атрофида қиладиган айланма харакати;
 2. Суриш харакати - парманинг ўз ўқи бўйлаб илгариланма харакати натижасида амалга ошади.
- Пармалаш даствохининг классификацияси ҳар хил типдаги пармалаш даствохлари яхлит

материалга очиқ ёки берк тешиклар пармалаш учун кенг кўламда ишлатилади. Пармаланган тешикларни пармалаб кенгайтириш, зенкерлаш, развёрткалаш, кескич билан йўниб кенгайтириш ишлари ҳам ана шу дастгоҳларнинг ўзида бажарилади: бу дастгоҳларда метчиклар воситасида ички резбалар ҳам кирқилади. Пармалаш дастгоҳларини қуйидаги типларга ажратиш мумкин:

1. Бир шпинделли столовий – пармалаш станоклари кичик диаметрили тешикларга ишлов бериш учун ишлатилади. Бу станоклар приборсозликда кенг таркалган. Уларнинг шпинделлари катта частота билан айланди.

1. Вертикал пармалаш дастгоҳлари.

Бу дастгоҳлар диаметри 12 мм гача бўлган кичик тешиклар пармалаш учун ишлатиладиган, столга ўрнатилувчи дастгоҳлар ва диаметри 80 мм гача бўлган тешикларни пармалаш учун ишлатиладиган, колонналарга ўрнатиладиган дастгоҳларга бўлинади.

1. Радиал - пармалаш дастгоҳлари.

Бу дастгоҳлар кўзғатилиши қийин бўлган оғир буюмларга тешиклар пармалаш учун ҳам, енгил буюмларга тешиклар пармалаш учун ҳам мўлжалланган бўлади. Бундай дастгоҳлар деворий, колонналарга ўрнатилган радиал ва кўчма бўлади.

2. Горизонтал - пармалаш дастгоҳлари.

Бу дастгоҳларда шпинделларнинг ўклари горизонтал бўлади. Улар чукур тешиклар пармалашда ишлатилади.

3. Кўп шпинделли пармалаш дастгоҳлари.

Кўп шпинделли дастгоҳларда шпинделлар вертикал, горизонтал ёки қия жойлашган, бир тешикларда ёки ҳар хил тешикларда, битта каллакда ёки бир неча каллакларда жойлашган бўлиши мумкин.

4. Агрегат пармалаш дастгоҳлари.

Бу дастгоҳлар стандарт узеллардан тайёрланиши ва монтаж қилиниши мумкин, шунинг учун улар агрегат дастгоҳлар дейилади. Тайёрланадиган деталларнинг конструкцияси ва шаклига қараб, тегашли стандарт каллак танлаб олинади ва у дастгоҳка монтаж қилинади. Агрегат пармалаш куч каллаклари мустақил электрик юритмалардан ҳаракатга келтирилади.

5. Марказ дастгоҳлари. Бу дастгоҳлар закатовкаларнинг торецларга марказ тешиклари ва уларни зенковкалаб кенгайтириш учун мўлжалланган. Бу дастгоҳлар бир томонлама ва икки томонлама бўлиши мумкин. Икки томонлама дастгоҳлар заготовка торецларининг иккисига ҳам бир вақтнинг ўзида марказ тешплари очади.

2. Чукур пармалаш учун ишлатиладиган горизонтал – пармалаш станоклари.

Пармалаш дастгоҳлари гурухида тешик кенгайтириш дастгоҳларининг қуйидаги кичик гурухи ҳам киради:

1. Горизонтал пармалаш - тешик кенгайтириш
2. Горизонтал - вертикал - тешик кенагайтириш дастгоҳлари.
3. Координат - тешик кенгайтириш дастгоҳлари.
4. Олмосли - тешик кенгайтириш дастгоҳлари.

Пармалаш станокларининг асосий улчамлари қуйидагилар: энг катта шартли пармалаш диаметри, шпиндель конусининг улчами, шпинделнинг кулочи, шпинделнинг энг катта юриш йули, шпинделнинг торецдан столгача булган энг катта масофа, шпинделнинг торецидаги фундамент илитасигача булган энг катта масофа ва бошкалар.

Назорат учун саволлар.

1. Пармаларда кандай иш бажарилади?
2. Пармалаш станоклари станоклар паркининг неча фоизини ташкил этади сабаб?
3. Пармалаш станокларида кандай ишлар бажарилиши мумкин?
4. Пармалаш станокларида кандай асбоблардан фойдаланилади?
5. Пармалаш станокларининг асосий ўлчамлари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Искандаров “Материалларни кесиб ишлаш, кесувчи асбоблар ва дастгоҳлар” Тошкент, 2003 й.
2. Х.Хажжанов “Кесиб ишлаш ва кесувчи асбоблар” курсидан лаборатория ишларини бажариш бўйича методик тавсиялар. Тошкент 1992 й.
3. В.Д. Авагимов “Машинасозлик материалларини кесиб ишлаш” Ўқитувчи. 1976 й.
4. В.А.Аршинов «Резание материалов и режущий инструмент» Машиностроение. 1976г.

**11 – мавзу. Фанни ўқитиши технологияси:
“Фрезалаш дастгоҳларида ишлов бериш” мавзусидаги маъруза машғулотининг
технологик харитаси**

T/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1.Дарс мақсади: Фрезалаш дастгоҳларида ишлов бериш хақида талабаларга маълумотлар бериш.</p> <p>1.2.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.2.1. Фреза деб нимага айтилишини билади.</p> <p>1.2.2. Фрезалар нача турга бўлинини ҳақида билимларга эга бўлади.</p> <p>1.2.3. Фрезалар қаерларда ва нима мақсадда ишлатилиши ўрганади.</p> <p>Асосий тушунча ва иборалар: Фрезалаш, Фреза, Бўлиш каллаги, Модул, Консоль, Стол, Универсал.</p> <p>1.3.Дарс шакли: гурух ва микрогруухларда.</p> <p>1.4.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: сухбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.5.Керакли жихоз ва воситалар: расмлар, чизмалар, плакатлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хуносага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Фрезалаш жараёни қайси жиҳатлари билан фарқланади? • Фрезалашда суриш неча хил? • Бўлиш каллаги қандай вазифани бажаради? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириклари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Режа:

1. Фреза деб нимага айтилади?
2. Фрезалар нача турга бўлинади?
3. Фрезалар қаерларда ва нима мақсадда ишлатилади?

Таянч сўз ва иборалар

1. Фрезалаш

2. Фреза.
3. Бўлиш каллаги
4. Модул
5. Консоль.
6. Стол.
7. Универсал.

Фрезалаш - фреза деб аталаған кўп тигли кесувчи асбоб ёрдамида заготовкани кесиб ишлаш жараёни.

Фрезалашда фреза айланади (асосий ҳаракат), дастгоҳнинг столига ўрнатилган заготовка эса фрезага томон илгарланма ҳаракат - сурилиш ҳаракати килади.

Фрезалашда кесувчи асбоб сифатида турли тип фрезалардан фойдаланидади. Хилма - хил фрезалар қуидаги ишларни: текисликлар фрезалаш, ариқча ва пазлар фрезалаш, шаклдор юзалар фрезалаш резъбалар фрезалаш, тишли гилдиракларнинг заготовкалариға тишлар фрезалаш ва бошқа ишларни бажарилишига имкон беради.

Фрезалар ташки шаклига кўра қуидаги гурухларга бўлинади:

1. Цилиндик ёки ўқ фрезалар. Бундай фрезаларнинг тишлари цилиндрикинг сиртқи юзасида жойлашган. Улар туғри ва винтсимон тишли бўлади ва текисликлар фрезалаш учун ишлатилади.
2. Диск фрезалар. Бу фрезалар пазлар фрезалар учун ишлатилади. Диск фрезаларининг кесувчи тишларн тўғри ва илон изи бўлиши мумкин. 3. Кесиб иккига ажратиш фрезалари ёки диск арралар. Бундай фрезалар заготовкани кесиб иккига ажратиш ва пазлар очиш учун ишлатилади. Уларнинг тишлари фрезанинг ўқига паралел тарзда жойлашган бўлади.
4. Бурчак фрезалари, бурчакли пазлар фрезалаш ва тишлар орасида ботиқликлар ҳосил қилиш учун ишлатилади.
5. Торец фрезалари, текисликлар фрезалаш учун фойдаланилади.
6. Уч ёки бармоқ фрезалар, шпонка пазлари, Т шаклидаги пазлар, капдум тарзидағи ариқчалар ва пазлар учун ишлатилади.
7. Фигурали ёки шаклдор фрезалар. Улар шаклдор юзаларни фрезалаш учун ишлатилади.
8. Кисқа резъбалар қирқиши учун ишлатиладиган тароқ фрезалар.
9. Модулли фрезалар ташки гилдиракларнинг заготовкалариға тишлар фрезалаш учун ишлатилади.

Фрезалашда кесиш тезлиш.

$$\vartheta = \frac{\pi \cdot D \cdot n}{1000} \text{ м/мин}$$

Д - фрезанинг энг катта диаметри.

н - фрезанинг дақиқаига айланишлар сони.

Кесиш чуқурлиги t - мм. Фрезанинг бир ўтишида заготовка сиртидан кесиб олинаёттан қатламнинг қалинлиги.

Фрезалаш станоклари. Фрезалаш головкалари дастаки равишда ўрнатиладиган буйлама фрезалаш станокларида фрезалаш головкасини ўрнатиш билан боғлик булган силжишлар механизациялаштириллади: деталларни станокга узатиш, уларни ўрнатиш, махкамлаш ва ишлов бериш жараёнида ўлчаш ишлари механизациялаштириллади ва автоматлаштириллади, узлуксиз фрезалаш учун куп позицияли мосламалар ишлатилади: станок стопидан кириндини четлатиш процесси механизациялаштиради ва хакозо.

Фрезалаш станокларида заготовка, шчит ва йигма узеллар профилли ва контурли ишланади, проушина, уя ясалади, турум кесилади. Хозирги замон корхоналари шароитларида хар бир иш урни маълум даражада ихтисослаштирилгани сабабли фрезалаш станокларининг универсаллик хусусиятидан доимо тула фойдаланмайди аксаи холларда фрезалаш станокларидан эгри чизикли деталларни фрезалаш турум кесиш ва шчит ёки буюм узеллари контурини ишлашда фойдаланилади. Купинча заготовка ёки буюм узеллари станокка андоза ёки мосламага ўрнатилган холда узатилади.

Фрезалаш станокларида кесувчи асбоб сифатида фрезалар ишлатилади. Уларнинг конструкциялари жуда хилма – хилдир. Фрезалар иш органлари шпинделларга урнатилади ва махкамланади.

Ёгочсозлик ишлаб чикаришларида асосан бир шпинделли, баъзан икки шпинделли фрезалаш станоклари кулланилади.

Фрезалаш станокларида авто узатгич бор булса, юзани ишлаш тозалик класси ва фрезалаш учун привод куввати рейсмусли станоклар учун кулланилган усулларда хисобланади.

Шуни назарда тутиш керакки, фрезалаш станоклари энг хавфли станоклар хисобланади. Шунинг учун шпиндел ва унга махкамланган кесувчи асбобни бутунлай тусиб куйиш учун барча имкониятлардан фойдаланиш лозим.

Станокда кандай усулда махкамланишига караб фрезалар иккига булинади: насадкали фрезалар ва хвостовикли фрезалар. Насадкали фрезаларда шпиндел насадкаларга кийгизиш учун тешиги булади, хвостовикли фрезаларнинг учида хвостовиги булади ва шпинделга патронлар ёрдамида урнатилади ёки хвостовиги билан шпиндел уясига киргизилади.

Насадкали фрезалар конструкциялари жихатидан жуда хилма – хил булади. Яхлит фрезаларнинг тишлари ва корпуси яхлит металл булагидан ишланади ва бир бутунни ташкил эади. Таркибий фрезалар бир неча фрезалардан йигилади, уларнинг хар бири факат комплект булгандагина ишлайди. Йигма фрезаларда алмаштирма тишлари корпусга махкамланади. Комбинациялаштирилган фрезалар хам кулланилади. Бундай фрезаларга бир неча хил кесувчи асбоб урнатилади.

Таркибий фрезалар аник мураккаб профил хосил килиш учун ишлатилади. Уларнинг яхлит фрезалардан афзаллиги шундаки, уларнинг тишлари бир неча марта чархланганда хам фрезалар профили аник сакланади. Яхлит фрезаларни чархлаш процессида эса тишларнинг шаклдор профили узгаради – тузатиб булмайдиган даражада ейилади.

Хозирги вактда куйма кескичлари бор фрезалар ва каттик котишмалардан ишланган пластинкалари бор фрезалар кенг кулланилмоқда.

Куйма кескичлари бор фрезалар ясаганда сифатли легирланган асбоббоп пулатдан куп тежалади, чунки асбопбоп пулатдан факат алмаш тишлар килинади, корпуси эса оддий пулатдан ишланади. Тишлар ейилганда янгиларини куйиш мумкин.

Заготовка кулда узатиладиган ва шпинделни пастда жойлашган бир шпинделли станоклар суппорт тиккасига суриладиган станинадан иборат. Суппортга шарикли подшипниклар билан шпиндел махкамланган. Узун насадкага сурма подшипники кронштейн кузда тутилган. Кронштейн шпинделнинг баркарорлигини таъминлайди. Асбобни алмаштираётганда у четга суриб куйилади. Стол уйикларига йуналтирувчи чизгичлар ва кескичлар урнатилган. Шпиндель холати маховичок билан ростланади.

Электр двигатель шпинделга япалок тасмали узатма воситасида бириктирилган.

Фрезалаш – нусха кучириш станоклари асосан заготовкаларнинг оддий ва шаклдор юкориги юзаларини фрезалашда, шунингдек оддий ва шахаволлар, турум, уялар ясашда кулланилади. Уларнинг конструкцияси оддий. Станинага суппорт ёрдамида бурилма стол махкамланган. Стол маховичок билан винтли механизм ёрдамида кутарилади ва тушурилади. Стол тепасига суппортга электр двигатель урнатилган булиб, унинг вали айни бир вактда шпиндель вазифасини хам утайди. Электр двигатель юкори частотали токда ишлайди. Вал шпиндель педаль ёрдамида сурилади.

Станинага кузгалувчан килиб револьвер каллак махкамланган. Револьвер каллак корпуси тирак – винтлар махкамланган кия кесик цилиндр куринишидаги корпусдан иборат. Каллак ук атрофида айланади шу туфайли суппортнинг урнатиш винти револьвер каллакнинг истаган курагига такалиб туриши мумкин. Тирак винтларни узун киска чикариши (канча чикариши кераклиги ишлаш профилига караб белгиланади) ва винт кархисига урнатиш билан шпиндел холатини баландига столга нисбатан узгартириш мумкин. Фрезалаш – нусха кучириш станокларининг шпинделлари минутига 18000 – 21000 марта ва бундан хам катта тезлиқда айланади.

Станок столига, фреза билан уқдош килиб, нусха кучириш бармоги урнатилган дастани айлантириш билан бармок баландлигини узгартириш мумкин, бармокнинг баландлигига фиксацияланадиган туртта холати бор ишланадиган детални урнатишга мулжалланган мослама

металл (ёки ванер) андоза махкамланади. Андозанинг ички кирраси нусха кучириш бармоги буйича ишлаб чикилади. Фреза андоза конфигурациясини тақрорлайди.

Назорат учун саволлар

1. Фрезалаш жараёни қайси жиҳатлари билан фарқланади?
2. Фрезалашда суриш неча хил?
3. Бўлиш каллаги қандай вазифани бажаради?

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Искандаров “Материалларни кесиб ишлаш, кесувчи асбоблар ва дастгоҳлар” Тошкент, 2003 й.
2. Х.Хажжанов “Кесиб ишлаш ва кесувчи асбоблар” курсидан лаборатория ишларини бажариш бўйича методик тавсиялар. Тошкент 1992 й.
3. В.Д. Авагимов “Машинасозлик материалларини кесиб ишлаш” Ўқитувчи. 1976 й.
4. В.А.Аршинов «Резание материалов и режущий инструмент» Машиностроение. 1976г.

13 – мавзу. Фанни ўқитиш технологияси:

“Ёғочга ишлов берувчи дастгоҳларда материалларга ишлов бериш” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

T/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Ёғочга ишлов берувчи дастгоҳларда материалларга ишлов бериш ҳақида талабаларга маълумотлар бериш. 1.2.Идентив ўқув мақсадлари. 1.2.1. Аппалаш дастгоҳлари билади. 1.2.2. Фрезалаш ва қурама дастгоҳлар ҳақида билимларга эга бўлади. 1.2.3. Пармалаш ва ариқча очиш дастгоҳларини ўрганади. Асосий тушунча ва иборалар: Фреза, Диск, Аппа, Ранда, Стол, Бабка, Пичноқ, Тиф. 1.3.Дарс шакли: гурӯҳ ва микрогурӯҳларда. 1.4.Фойдаланилдиган метод ва усуллар: сұхбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.5.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, чизмалар, плакатлар.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гурӯҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хulosалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хulosага келинади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуидаги саволлар берилади: <ul style="list-style-type: none"> • Ёғочга тишлов бериш дастгоҳларининг турларини сананг. • Ёғочга ишлов бериш асбоблари қандай материаллардан 	Ўқитувчи, 15 минут

	<p>тайёрланади?</p> <ul style="list-style-type: none"> Рандалаш қандай ишлов беришга таққосланади? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	
5	<p>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Режа:

- Арралаш дастгохлари.
- Пармалаш ва ариқча очиш дастгохлари.
- Фрезалаш ва қурама дастгохлар.

Таянч сўзлар ва иборалар.

- Фреза.
- Диск.
- Арра.
- Ранда.
- Стол.
- Бабка.
- Пичоқ.
- Тиф.

Ёғочга ишлов берувчи барча дастгохлар учун харф-рақамлар билан индекслаш қабул қилинган бўлиб, унга кўра ҳар бир дастгоҳга харфий индекс берилади, бу индекс дастгоҳнинг турини билдиради, харфдан кейинги рақамлар эса дастгоҳнинг параметрларини ва русуми рақамини кўрсатади.

Масалан, арраланган материалларни тиладиган думолок аррали дастгохлар SD харифлари билан, қирқадиган дастгохлар SDK харфлари, кўндалангига арралайдиган балансирли дастгохлар-SKB, маятники дастгохлар-IME, суппортлилари-SPA, рандалаш дастгохлари – SF,рейсмуслилари-SR, рейсмусли рандалаш дастгохлари-FR, тўрт томонлама бўйлама фрезалаш дастгохлари-S, рама учун тирноқ қирқадиган бир томонлама дастгохлар-SHO, икки томонлилари SHD, кутиларбоп тўғри тирноқ қирқадиганлари-SHP, <<қалдирғоч думисимон>> тирноқ қирқадиганланри-SHLX, фрезалаш дастгохлари-F, пармалайдиганлари-SV, занжирли ўйиш дастгохлари-DS, силиқлайдиганлари-SHL, харфлари билан белгиланади.

S2R12-2 маркаси, бу рандалаш эни 1200мм бўлган, рейсмусли икки томонлама, иккинчи русум дастгоҳи эканини билдиради.

Думолоқ арралаш дастгохлар арраланган материаллар, пилита материаллар (фанер, ёғоч толасидан, ёғоч қипигидан қилинган плиталар) ни арралаш учун ишлатилади. Бажарадиган операцияларга қараб дастгохлар кўндалангига ва бўйламасига арралайдиган бўлади.

Кўндалангига арралаш учун SME-ZA шарнир-маятникили кўндаланг арралаш дастгохи ва араси тўғри чизиқли ҳаракатланувчи SPA-40 кўндаланг арралаш дастгохи ишлатилади.

Ушбу арралашда арраландиган тахта – ёғочларнинг энг катта эни 400мм энг ни, катта қалинлиги 100мм ни ташкил қиласи. SME-ZA дастгоҳида тахта-ёғочларни арралаш учун диаметри 500мм дан ошмайдиган арралаш, SPA-40 да эса 400мм дан катта бўлмаган арралаш ишлатилади. Маскур дасгохларнинг айланиш частотаси 300айл/мин га, электир двигателларнинг куввати 4,0 ва 5,4 кВт га teng.

500мм дан калта тахталар андазалар ёрдамида қўндалангига арраланади. Арра диски автоматик ишлайдиган тўсиқ билан шундай жихозланмоғи керакки, арра тишлари арраландиган материал қалинлигига очиладиган бўлсин. Дастгоҳда ишлаётган ишчи арра

дискидан камида 300мм нари туриши лозим.

Пармалаш дастгоҳлари ёғоч деталларда паррон ва парронмас (тубли) тешиклар пармалаш ҳамда узун ариқчалар очиш учун мўлжалланган. Дастгоҳлар бир ва кўп шпинделли, горизонтал ҳамда вертикал бўлади.

Пармалаш дастгоҳларининг қўйидаги турлари ишлаб чиқарилади: SVPG-2 (икки томонлама пармалаш - ариқча очиш учун), SVPG-3 (тўғри ва қия ариқчалар очиш учун), SVSA-2, SVSA-3 (<<кўзларни>> пармалаб ташлаш ҳамда ўрнини беркитиш учун).

Бажариладиган ишларнинг тури ва шароитига қараб ҳар хил пармалардан фойдаланилади. Пармаларнинг тузилиши шундай бўлиши керакки, чархлаганда қирқувчи параметрлари ўзгармайдиган, қирқувчи қисмлари қирқиши жараёни эркин бўлишини тамиллайдиган, йўнилган киринди тешикдан осон чиқиб кетадиган бўлсин.

Тешикларни толаларга кўндаланг пармалаш маркази ва кескичи бўлган, диаметри 4-32, узунлиги 80-200мм ли спиралсимон ёғоч қирқувчи пармалар ишлатилади. Тешикларни толалар бўйлаб пармалаш учун конуссимон чархланган спиралсимон узун ҳамда калта сериядаги пармалардан фойдаланилади. Калта сериядагилариники эса мос равишида 5-20 ҳамда 130-210мм бўлади.

Кетинги учи цилиндросимон, қаттиқ қотишмадан қилинган пластиналар билан тамилланган, диаметри 10-30мм калта сериясининг узунлиги 168-324 мм бўлган спиралсимон пармалар ҳам ишлатилади.

Детал ва буюмларнинг ишлов берилган базасига ишлов беришнинг юкори синфини бериш, тавақалар, форточкилар, пирамонлар, рамкали эшикларнинг салқиб қолган жойлоарини йўқотиш, плита материалларни аниқ бир ўлчамга келтириш учун силлиқлаш дастгоҳлари ишлатилади. Силлиқлаш дастгоҳлари конструкциясига кўра тасмали, дискли ва цилиндрли хилларга ажратилади.

Тасмали дастгоҳлар эркин тор тасмали (SHISL-3; эгри юзаларга ишлов бэриш учун ишлатилади), кўзғалмас столли бўлади. (SHIZS 12-2 цилиндрлилари юкорида жойлашган бўлиб, эшикларнинг яssi юзаларига ишлов бериш ҳамда салқиб қолган жойларини йўқотиш учун ишлатилади).

Силлиқлаш дастгоҳларининг қирқувчи асбоби – жилвир қофоз шиша, кремний ва бошқа жуда қаттиқ материалларнинг абразив зарралари елимда ёпиширилган қофоз ёки мато асосдан иборат.

Дастгоҳни созлашда столга деталл қўйилади ва столни баландлик бўйича силжитиб керакли вазияти аниқланади.

Деталлар туркумiga бир рақамдаги жилвир қофоз билан ишлов берib бўлгандан кейин керакли ғадур-будурликдаги юза ҳосил бўлгунча бошқа рақамли живир қофоз билан ишлов берилади.

Ёғоч – тахталар арралангандаги юзаси нотекис, ғадур-будур чиқади, топ тшлайди ва бошқа нуқсонлар бўлади. Ушбу нуқсонлар фрезалаб бартараф қилинади. Фрезалаш жараёнида тўғри юза ҳосил бўлиб, бошқа юзаларни ана шу юза бўйича тўғрилаш мумкин. Бўйламасига фрезалаш учун рандалайдиган, рейсмусли ва тўрт томонлама бўйлама фрезалаш дастгоҳларидан фойдаланилади.

Одатда рандалаш дастгоҳларида материалларнинг юзаси ва қирраси тўғри бурчак остида рандаланади, кейинчалик тўрт томонлама бўйлама фрезалаш дастгоҳларидан ана шу юза ва қирралар бўйича фрезалаб керакли шаклдаги детал ҳосил қилинади.

Рандалаш дастгоҳларида танаворларнинг юзалари текислик ва бурчак бўйича текисланади. Дастгоҳлар қўлда ёки механизациялаштирилган усулда узатиладиган бўлиши мумкин.


Рандалаш дастгоҳларининг станиналари чўяндан қўйиб ясалиб, пичоқ валини ҳаракатлантирувчи электр двигатели, олд ва орқа столлар мантаж қилинади, столлар орасида пичоқ вали айланади. Пичоқ валида 2-4 та юпқа пичоқ бор, улар валга понали қурилма билан маҳкамланади ва қириндидан синдиригич қиррасидан 1-1,5 мм чиқиб туради.

Олд стол орқа столдан узунроқ бўлганидан рандалаш аниқ чиқади. Столлар шундай

ўрнатилади, натижада орқа стол вал пичоқларининг чиқиб турган қирқувчи қирралари билан бир сатҳда, олд стол эса йўниладиган қиринди қалинлигича пастда жойлашади. Механик узатмали SFK6-1 бир томонлама рандалаш дастгоҳи узатма юритмаси поғонасиз бўлган ковейер туридаги автоузаткич билан тамилланган.

Дастгоҳда эни 630мм гача бўлган материалларга ишлов бэриш мумкин, бунда йўниладиган қатламнинг энг катта чуқурлиги 6мм ни ташкил этади. Пичоқ валининг айланиш частотаси 4500 айл/мин. узатиш тезлиги 7-30 м/мин. Тўрт томонлама бўйлама фрезалаш дастгоҳи чўян станинадан иборат бўлиб, унда стол, электр двигателлардан ҳаракат олувчи қирқиши ва узатиш механизимлари жойлашган.

Қирқиши механизми икки ёки учта горизантал ва икита вертикал пичоқ валларидан, узатиш механизми эса жўва-гусенициали тизимдан ташкил топган. Иш бошлагунга қадар, яхши чархланган асбоб ўрнатилади, кейин узатувчи механизм, чизғичлар, тираклар, қисқичлар детал намунаси бўйича созланади.



49-расм. Пол тахталарнинг юзаси ва четларни рандалайдиган C26-2 дастгоҳининг схемаси:

а-вертикал валларнинг вазияти; б-юқориги горизонтал пичоқ валининг вазияти; 1-иш столининг юзаси; 2-этalon деталлар; 3-фрезани маҳкамлаш гайкаси; 4-фрезаларнинг баландлиги бўйича ростлаш винти; 5-ўрин алмаштирилган йўналтирувчи чизгичлар; 6-кўзғалмас йўналтирувчи чизгич; 7-қистирма.

Босиб турувчи механизмлар (роликлар, чизғичлар) шундай ўрнатилмоғи керакки, ишлов бериладиган тахта дастгоҳ ичига бемалол ўтадиган ва тебранмайдиган бўлсин. Узатучи (юқорига) валикларни шундай ростлаш лозимки, улар туширилганда бруск улар тагидан ўта оладиган бўлсин.

Дастгоҳ созлангандан кейин у орқали бир неча бруск синов тариқасида ўтказиб кўрилади. Агар геометрик ўлчамлар тўғри бўлса ва ишлов бериш сифати талабларни қаноатлантируса, ишга киришилади. Тановор учма-уч тақаб узатилади. Калта тановорларга аввал узунасига, кейин кўндалангига (учига) ишлов берилади.

Курама (аралаш) дастгоҳларда ёғочга ишлов беришга оид бир неча турли операцияларни бажариш мумкин. Қуйидаги ишлар биргаликда амалга ошириладиган дастгоҳлар энг кўп учрайди: рандалаш-райсмуслаш-арралаш-пармалаш-силликлаш: рандалаш-райсмуслаш-арралаш, фрезалаш, пармалаш ва ариқча очиш-силликлаш.

Курама дастгоҳда умумий ёритма ва турли технологик вазифаларга мўлжалланган бир неча шпинделлар бор, улар бир станинада жойлашган.

Тахта-ёғочларни бўйлама ва кўндалангига арралаш рандалаш, фрезалаш ҳамда пармалаш учун ИЭ-6009 қурама станогидан фойдаланилади. Унинг станицасида рандалаш механизми, арралаш ва фрезалаш мосламалари, электр дивигатели, пармалаш ҳамда фрезалаш столи жойлашган.

Арралаш мосламаси арра диски, плиталар (бурчакли ва тўғри), кронштейн ҳамда йўналтирувчилардан тузилган. Мослама қисувчи гайкалар билан маҳкамланиб қўйилган. Ҳимоя мосламаси кериб турувчи пичоқ ва тўсиқдан ташкил топади.

Фреза ва пармалар барабандаги патронга ўрнатидади. Машинада эни 200мм, чуқурлига 2мм гача бўлган деталларни фрезалаш, 45мм гача қалинликдаги тахталарни 45°гача бурчак остида арралаш мумкин. Арра дискининг диаметри 200мм. Дастгохнинг ўлчамлари 630×400×230мм, массаси 48 кг.

ИЭ-6902 маркали арралаш машинасида ёғоч толалари бўйлаб ва кўндалангига арраланади ҳамда паркет тахталари тилинади. Машина асосан қурилишда ишлатилади. Унда қалинлиги 60мм гача ва узунлиги 200мм, эни 20мм ва бундан ортиқ бўлган ёғоч – тахталар арраланади. Машинанинг ўлчамдари 550×480×300мм, массаси 17 кг.

Ёғочга ишлов берувчи қурама К40 дастгохи бўйламасига рандалаш, арралаш, фрезалаш, пармалаш, ариқча очиш ва силлиқлашга мўлжалланган. Унда эни 400 мм гача, қалинлиги 5-160мм бўлгн тановорларнинг юзаси ва четларини фрезалаш, қалинлиги 125мм дан ошмайдиган ёғоч – тахталарни тешиш, диаметри 25 гача, чуқурлиги 120мм гача бўлган тешиклар пармалаш, 250 мм гача узунликдаги ариқчалар очиш мумкин.

Назорат саволлари .

Ёғочга тишлов бериш дастгохларининг турларини сананг.

Ёғочга ишлов бериш асбоблари қандай материаллардан тайёрланади?

Рандалаш қандай ишлов беришга таққосланади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.В.Мелников. “Дурадгорлик” Фан-2003й
2. В.Д. Авагимов “Машинасозлик материалларини кесиб ишлаш” Ўқитувчи. 1976 й.
3. В.А.Аршинов “Резание материалов и режущий инструмент” Машиностроение. 1976 г.

АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР

1, 2 – мавзу. “Кесувчи асбобларнинг ейилишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш” мавзусидаги амалий машғулотларининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вакт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.2. Дарс мақсади: Кесувчи асбобларнинг ейилишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ҳақида талабаларга маълумотлар бериш.</p> <p>1.3. Идентив ўкув мақсадлари.</p> <p>1. Кесиш тезлиги кесишик режимлариниг асосий элементи ҳақида тушунчалар олади.</p> <p>2. Кесиш тезлигига таъсир этувчи асосий омилларни ўрганади.</p> <p>3. Кесувчи асбобларни ейилиши ҳақида билимларга эга бўлади.</p> <p>Асосий тушунча ва иборалар: Тузатиш коэффиценти, Турғунликнинг нисбий даражаси кўрсатгичи, Оптималь тезлик, Турғунлик, Юза тозалиги, Ейилиш меъёри, Рухсат этилган ёйилиш, Адгезион, Диффузион, Турғунлик,</p> <p>1.4. Дарс шакли: гурух ва микрогурухларда.</p> <p>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуслар: сухбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, чизмалар, плакатлар, видеопроректор, видео анимациялар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гурухда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хуносага келинади.</p>	Ўқитувчи- талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниклаш учун куйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Кесиш тезлиги билан кесиш кучи орасидаги мураккаб боғланиш қандай омилларга асосланади? • Мой асосли суюкликларнинг кесиш тезлигага таъсири? • Тузатиш коэффиценти нима? • Адгезион сийилиш табиатан қандай хусусиятларга эга? • Меъёр тушунчаси нима? • Турғунликни ошириш омиллари нималардан иборат? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Режа:

1. Кесиши тезлиги кесиши режимларининг асосий элементи.
2. Кесиши тезлигига таъсир этувчи асосий омиллар.
3. Кесувчи асбобларни ейилиши.

Таянч сўз ва иборалар.

1. Тузатиш коэффиценти
2. Тургунликнинг нисбий даражаси кўрсатгичи.
3. Оптимал тезлик
4. Турғунлик
5. Юза тозалиги.
6. Ейилиш меъёри
7. Рухсат этилган ёйилиши
8. Адгезион
9. Диффузион
10. Абразив
11. Турғунлик

Кесиши тезлиги кесиши режимларининг асосий элементидир. Кесиши тезлигани ошириш билан дастгоҳнинг иш унуми ошади, йўнишга кетадиган асосий технологик вакт камаяди. Деталь йўнилган юзасининг сифати яхшиланади.


Аммо кесиши тезлиги оширилганда кесувчи асбоб тез ейилади. Бу эса - кесувчи асбоб турғунлигини пасайтиради. Кесувчи асбобнинг турғунлиги деганда унинг бир чархлашдан иккинчи чархлашгача ишлаш даври тушунилади. Кесиши тезлигини юқори кийматларидан фойдаланиш кесувчи асбобни тезда ейилишлга олиб келади, чунки кесиши тезлига билан турғулилк орасида тескари боғланиш мавжуд.

Йўнишда кесиши тезлигининг миклорига таъсир этувчи қуйидаги асосий омиллар мавжуд:

1. Йўниладиган материалларнинг механиқавий хоссалари,
2. Кесувчи асбобнинг турғунлиги.
3. Кесувчи асбоб материалининг хоссалари.
4. Кесиши чуқурлиги ва суриш қиймати.
5. Кескич геометрик параметрлари.
6. Кескич танаси кўнгдаланг кесимининг ўлчамлари.
7. Кескичнинг йўл қўйиладиган ейилиш даражаси.
8. Ишлов бериш тури.
9. Мойлаш - совутиш суюкликлари.

Металнинг мустахкамлик чегараси ва қаттиклиги қанчалик катта бўлса, кесиши тезлиги шунчалик кичик бўлади ва аксинча.

Заготовка материали таркибидаги химиявий элементлар ҳам кесиши тезлигини миқдорига таъсир этади. Масалан пўлат таркибидаги углерод микдорининг ортиши унинг қаттиқлигини ошиrsa, легирловчи элементлар иссиқдик ўтказувчанликни ёмонлаштиради, бинобарин бундай материалларни кичик тезликлар билан кесилади.



Кесувчи асбобнинг турғунлиги билан кесиши тезлиги орасида чамбарчас боғланиш бор. Графикдан яккол кўриниб турибдики, кесиши тезлигининг ортиб бориши билан кесувчи асбобнинг турғунлиги пасаяди, чунки бунда асбобнинг ейилиш интенсивлиги ортади. Кесиши тезлиги билан кесувчи асбобнинг турғунлиги орасидаги боғланиш кўйидагича ифодаланиши мумкин.

$$\vartheta = \frac{A}{T^m} M \cdot \text{Мии}$$

Бунда А кесувчи асбоб материалининг сифатига, йўниладиган материалга, суриш қиймати, кесиши чуқурлиги ва кесувчи асбоб геометриясига боғлик бўлган ўзгармас коэффициент. Т - кескич турғунлиги, т- турғунликнинг нисбий даражаси кўрсаткичи.

Турғунлик нисбий даражаси кўрсаткичи т - нинг тақрибий қийматлари, тезкесар пўлатдан тайёрланган кескич учун /0,125,/ қаттиқ. қотишмали кескич учун /-0,2/, минераллокерамикали кескич учун /-0,5/ га тенг.

Кесувчи асбобнинг турғунлигини дастгоҳнинг иш унуми энг катта ва деталь таннархининг энг кам бўлишига асосланиб аниқлаш керак. Ана шундай турғунлик иқтисодий турғунлик деб, бунга мувофиқ келадиган кесиши тезлиги эса иқтисодий кесиши тезлиги деб аталади.

Ҳозирги вақтда кесувчи асбоблар учун ишлатиладиган оташбардошлиги ва ейилишга чидамлилиги ҳар хил бўлган турлича сифатли материаллар мавжуд. Асбобсозлик материалларининг кесиши хоссалари, одатда кесиши тезлиги ва айнан асбобсозлик материали учун кескичининг муайян Т, турғунлигидаги пухталиги билан ҳарактерланади.

Ҳар хил асбобсозлик материалларининг сифатларини бир-бирига тақкослаш учун бирор маркадан материал этalon қилиб олинади. Пўлатларни йўнишда T 15 K10 маркали қаттиқ қотишма учун, чўяянларни йўнишда эса ВК6 маркали қаттиқ. қотишма учун кесиши тезлигини бирлик деб қабул қилсан, бошқа асбобсозлик материаллари учун кесиши тезлигини материалларнинг сифатига қараб, катта ёки кичик бирликларидаги Ка коэффициенти тарзида ифодалашимиз мумкин.

Кесиши тезлигининг қийматига кесиши чуқурлиги t ва суриш қиймати S ҳам катта таъсир этади, киринди кўндаланг кесимининг t ва S га боғлик ортиши кесиши кучлари Pz, Rx Ру микдорининг ортишига, бу эса ўз навбатида кесиши зонасидаги иссиқдик микдорининг ортишига олиб келади.

Кесувчи асбоб кесувчи кисмининг геометрик параметрлари металлнинг кесиб олннаётган қатлами диформациясига, ишқалайшига, кесиши кучига, кескичининг мустахкамлигига ейилиш интенсивлигига, кескичининг турғунлиги ва кесиши тезлигига катта таъсир кўрсатади. Масалан: олдинги бурчак γ - мусбат бўлганда киринди ажralиш жараёни осонлашади ва кескичининг турғунлиги ортади. Бироқ олдинги бурчак микдорининг меъёридан ортиб кетиши кескич массивлигини камайтириб иссиқликнинг тарқалишини қийинлаштиради, пландаги асосий бурчак. ф- кескичининг турғунлиги ва кесиши тезлигига бошқа геометрик параметрларга нисбатан кўпроқ таъсир этади. Кесиши чуқурлиги ва суриш микдори ўзгаририлмай пландаги асосий бурчак кичрайтирилса, кириндиниң қалинлиги камайиб эни ортади. Кескич кесувчи киррасининг йўнилаётган загатовкага уриниш узунлигининг катта бўлиши иссиқликнинг кесиши зонасидан тарқалишини яхшилайди, кескичининг сиқилишини камайтириб унинг турғунлигини оширади. Бу эса ўз навбатида кесиши тезлигини ортишига олиб келади.

Кескичининг турғунлигини ва кесиши тезлигани ошириши мақсадида мойлаш - совутиш сутокликлари ишлатилади, бундай суюқликлар эса ишқаланиш коэффициентини ва кесиши температурасини пасайтиради. Мойлаш совутиш суюқликлари ишлатишнинг қанчалак самара бериши кескичининг кўндаланг кесимига, йўниладиган материалнинг физик механиқавий хоссаларига, совутишнинг интенсивлигига ва суюқликнинг кесиши зонасига келтириш усулига боғлик бўлади.

Кесиши тезлиги йўниладиган материал турига, ишлов бериш шароити, кешиши чуқурлиги, суриш катталиги ва кесувчи асбоб турғунлигига қараб танланади. Иўнишда кесиши тезлиги кўйидагича формула асосида ҳисоблаб топилади:

$$\vartheta = \frac{C_g}{T^m \cdot t^\beta \cdot S^4} \cdot K \quad \text{м.мин.}$$

бу ерда Cv - ишлов бериш шароити ва йўниладиган материални ҳарактерловчи коэффициент. Т -

кескичнинг турғунылиги; м - нисбий

турғунлик кўрсаткичи, t - кесиши чуқурлиги, S - суриш, x , у лар даражага кўрсаткичлари, K - умумий кузатиш коэффиценти.

Металларни кесиши жараёнида кесувчи асбобнинг чиқаётган қиринди ҳамда йўнилаётган заготовка бинлан ишқаланиши натижасида кесувчи асбобнинг олдинга ва орқа юзалари бўйлаб ейилиши содир бўлади.

Ейилиш ташқи кўринишига кўра: олдинга юза буйлаб ейилиш /а-расм/ бунда ейилиш катталиги олдинги юзада хосил бўлган чуқурчанинг эни /в/ ва чуқурлиги /h0/ билан ўлчанади.

Орқа юза бўйлаб ейилиш /в-расм/ бунда ейилиш микдори орқа юзада ейилган майдончанинг баландлиги /h0p/ билан ўлчанади. Ҳам олдинги ҳам орқа юза бўйлаб ейилиш бунда ейилиш микдори олдинги юзадаги чуқурчанинг эни /в/ ва орқа юзадаги майдонга баландлиги /h/ билан ўлчанади.

Биринчи тур ейилиш катта суришлар билан хомаки кесиб ишлаш пайтида кузатилади. Иккинчи тур ейилиш эса тозалаб йўнишда кузатилади. Учинчи тур ейилиш кесиши калинлиги 0,1-0,5 мм бўлганда ковушкок материалларни хомаки йўниш пайтида кузатилади.

Ейилиш характеристига кўра ҳам уч турга бўлинади:

1. Абразив ейилиши
2. Адгезион ейилиши
3. Диффузион ейилиши

Абразив - ейилиш чўян қўймаларни, термик ишланган пўлатни кесишида кузатилади, яъни заготовка сирти ва таркибидаги турли қаттиқ заррачаларни тирнаши натижасида содир бўладиган ейилиши.

Адгезион - яъни заготовка ва кесувчи асбоб материалларини ўзаро илашиши оқибатида содир бўладиган ейилди.

Диффузион - яъни кесувчи асбоб материалини юқори температура таъсирида қиринди билан пайвандланиши натижасида содир бўладиган ейилиши. Бундай ейилиш тури ковушкок материалларни юқори тезликлар билан кесиши жараёнида бўлади.

Ейилиш даври ҳам учга бўлинади. I-давр бошланғич ейилиш даври яъни кесувчи асбоб сиртидаги нотекисликларнинг то текисланиб олгунча ёйилиш даври.

II - давр - нормал ейилиш даври бу давр умумий ейилиш даврининг 90-95 % ни ташкил этиб, ейилиш жуда секин боради.

III - давр - жадал ейилиш даври бўлиб кесувчи асбоб увалана бошлайди ва бундан буён кесишини давом эттириб бўлмайди.

Агар ейилиш микдори h_0 ва b нинг қийматлари кесувчи асбобнинг бундан буён пашлаш мумкин бўлмай коладиган ҳолатга етса ана шу_қийматини ейилишнинг йул қўйиладиган қиймати дениилади.

Йўл қўйиладиган ёки рухсат этиладиган ейилишнинг сифат ва микдорий қийматига ейилиш меъёри /критерийси/ дейилади.

Амалда ейилишнинг қуйидаги меъёрларидан фойдаланилади:

1. Ялтироқ йўллар меъёри - бунда чўян заготовкаларни кесишида йўнилган сиртда кора доғлар, пўлат заготовкаларда эса ялтироқ излар пайдо бўлади. Бу эса кесувчи асбоб орқа юзасидаги майдончанинг катталашиб кетиши ва йўнилган юзани катта босим билан деформациялай бошлаганини билдиради ва шу онданоқ кесишини тўхтатиш тавсия этилади.
2. Куч меъёри /шлёзингер меъёри/ - бунда кесувчи асбоб маҳсус динамометрга ўрнатилади ва орқа ҳамда олдинги юзалардаги майдончаларнинг катталашуви оқибатида кесиши кучи /Pz/ нинг ўзгаришига қараб ейилганлик даражаси аниқданади.
3. Технологик меъёр - бунда ейилишнинг рухсат этиладиган қиймати шундай белгиланадики, оқибат натижада деталнинг чизмада кўрсатилган талабларига путур етмаслиги керак.
4. Иктиносий меъер - бунда рухсат этилган қиймат кесувчи асбоб материалидан унумлирок, фойдаланишини назарда тутиб белгиланади.

Кесувчи асбобни бир чархлашдан иккинчи чархлашгача кесишида иштирок этган даври унинг турғунылиги дейилади. Кесувчи асбоб турғунылигини ошириш иктиносий тежамкорлик ва меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келади.

3 – мавзу. “Кесиши жараёнида хосил бўлувчи кучлар ва кучлар микдорига таъсир етuvчи факторларни ўрганиш” мавзусидаги амалий машғулотининг

технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.6.Дарс мақсади: Кесиш жараёнида ҳосил бўлувчи кучлар ва кучлар микдорига таъсир этувчи факторларни ўрганиш ҳақида талабаларга маълумотлар бериш.</p> <p>1.7.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.7.1. Ташкил этувчи кучлар ва уларнинг teng таъсир этувчилар ҳақида тушунчалар олади.</p> <p>1.7.2. Кесиш кучини ҳисоблашни ўрганади.</p> <p>1.7.3. Кесиш қуввати ва буровчи момент ҳақида билимларга эга бўлади.</p> <p>Асосий тушунча ва иборалар: Ёрилиш текислиги, Ўсимта, Пухталаниш, Кесиш қалинлиги, Киришиш коэффиценти, Увок киринди, Қириндиги элементи, Иссиклик эквиваленти, Термабўёк, Термажуфт, Калориметр, Совутиш - мойлаш суюкликлари.</p> <p>1.8.Дарс шакли: гурӯҳ ва микрогурухларда.</p> <p>1.9.Фойдаланиладиган метод ва усувлар: сұхбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.10.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, чизмалар, плакатлар, видеопроректор, видео анимациялар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гурухда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чакирилади.</p> <p>3.3. Умумий холосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий холосага келинади.</p>	Ўқитувчи- талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қўйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Радиал кучнинг аҳамияти нима? • Эффекгив қувват тушунчаси нима? • Эгилувчи моментни ҳисоблашда чиқиш узунлиги қандай танланади? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини яқунилаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириклари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Режа:

1. Ташкил этувчи кучлар ва уларнинг teng таъсир этувчиси.
2. Кесиш кучини ҳисоблаш.

3. Кесиши қуввати ва буровчи моментни аниқлаш.

Таянч сўз ва иборалар.

1. Тангелциал куч.
2. Эффектив қувват.
3. Эгувчи момент
4. Кесиши кучи
5. Ўқ бўйлаб йўналган куч.

Барча материаллар кесиши жараёнида кесувчи асбобнинг ботишига ва заготовканинг йўнилаётган юзасидан кириндининг ажралишига қаршилик кўрсатади. Бинобарин кесувчи асбобга кесиши вақтида материалларнинг кесишига кўрсатадиган қаршилигини енга оладиган куч таъсир этдириш зарур.

Кесиши жараёнида кескич материалларнинг кесишига кўрсатадиган қаршилик кучларни енгади бу қаршилик кучлари:

1. Металларнинг кесиби олинаётган қатламларининг эластик ва пластик дифорнацияланишига кўрсатадиган қаршилик кучларидан.
2. Қиринди элементларининг заготовка сиртидан ажралишга кўрсатадиган қаршилик кучидан.
3. Қириндининг кескич олднинги юзасига кескич кейинги юзаларининг кесиши юзасига ишкаланиши натижасида ҳосил бўладиган кучлардан иборат.

Кескичга таъсир этувчи барча кучларнинг teng таъсир этувчиси R ни учта ташкил этувчи кучларга ажратиш мумкин.

1. Кесиши кучи /тангенциал куч/ Pz бу куч кескичга юқоридан дастгоҳнинг асосий харакат йўналишида кесиши юзасига уринма бўйлаб таъсир этади.
2. Суриш кучи /ўқ бўйлаб йўналган куч/ Rx бу куч йўнилаётган заготовка ўки бўйлаб, суриш йўналишига тескари йўналишда таъсир этади.
3. Радиал куч Ry, бу куч заготовка радиуси бўйлаб йўналган бўлиб кескични заготовкадан итариади.

Кесиши кучи Pz асосий куч бўлиб, уз қиймат жиҳатидан ташкил этувчи барча кучларнинг энг каттасидир. Айлантирувчи момент ва кесиши қуввати ана шу куч асосида ҳисоблаб топилади.

Кескичга таъсир этувчи барча кучларнинг teng таъсир этувчиси қўйидаги формуладан паралелограмм коидасига асосан ҳисоблаб топилади.

$$R = \sqrt{P_z^2 + P_x^2 + P_y^2}$$

Pz, Rx ва Ry кучлар орасидаги тақрибий нисбат тажриба йўли билан топилган. Бурчаклари $\varphi=45^\circ$, $\gamma=15^\circ$, $\pi/2$ бўлган ўтувчи ўтқир кескич билан йўнишда:

$$P_x = (0.3 \div 0.4) P_z \quad P_y = (0.4 \div 0.5) P_z$$

Бинобарин, teng таъсир этувчи кучнинг қиймати қўйидагича

$$R = \sqrt{P_z^2 + [(0.3 \div 0.4) P_z]^2 + [(0.4 \div 0.5) P_z]^2} = (1.1 \div 1.18) P_z$$

Кесиши шароити, кесувчи асбоб геометриясининг ўзгариши ва кескич ейилиш қийматининг ўзгариши билан ташкил этувчи кучлар орасидаги нисбат узгариб туради. Шу сабабдан амалда Pz - кесиши кучини ўлчаш билан кифояланади.

Кесиши кучи Pz миқдорини қўйидагича экспериментал формула ёрдамида ҳисоблаб топилади;

$$P_z = 9.81 C_p \cdot t^{sp} \cdot S^{sp} \cdot v^u \cdot k \text{ н}$$

$$P_z = C_p \cdot t^{sp} \cdot g^{sp} \cdot v^u \cdot k \text{ кГ}$$

Бу ерда P - кесиш кучи, ньютон /н/ ва кГ ҳисобида, C_p - кесиш шароити ва материалларга боғлиқ коэффициент, S - суриш, t - кесиш чуқурлиги, V - кесиш тезлиги, x,y,p - Даражада кўрсаткичлар. K - йўнишнинг конкрет шароитини ҳисобга оловчи умумий тузатиш коэффициенти,

$$K = K_m \cdot K_y \cdot K_{\phi} \cdot K_r \cdot K_v \cdot K_t \cdot K_{c,v}$$

Бу ерда умумий тузатиш коэффициенти: йўналаётган материал механиқавий хоссаларни, кескич олиги бурчагини, пландаги асосий бурчакни, кескич учи юмолоқланиш радиуси қийматини, кесиш тезлигини, кескич ёйилганлик даражасини ва совутиш – мойлаш суюқликларидан фойдаланишини ҳисобга оловчи коэффициентлар кўпайтмасидан иборат бўлади. Кесиш кучи P_z нинг микдорини йўнилаётган материалнинг механиқавий хоссалари, кесиш режи элементпари, кесиш шароити, кесувчи асбоб геометрик параметрлар, совутиш - мойлаш суюқлнклари ва бошқа бир қатор омиллар таъсир кўсатади.

Бу омилларнинг таъсир этиш кўрсаткичлари тегишли жадвалларда /к/ нинг қийматлари сифатида берилган.

Кесиш жараёнига сарфланадиган кувват кесиш кучи P_z микдорига қараб аниқланади. Бунда суриш кучи P_x кесишга сарфланадиган кувватнинг 1-2 фоизини ташкил этади, P_y кучнинг эса иш бажармаслигини ҳисобга олинади. Бинобарин кесишга сарфланадиган эффектив кувват:

$$N_e = \frac{P_2 \cdot g}{b_0 \cdot 102} \text{ квт}$$

Бу ерда кесиш кучи P_z - кг , v - м/минларда. Даастгоҳ юритмасидаги электр двигателнинг сарфлаётган қуввати

$$N_s = \frac{N_e}{\eta} \text{ квт}$$

η - даастгоҳнинг ф.и.к. ўртача 0,9 атрофида.

Кесиш кучи P_z йўнилаётган заготовкада айлантирувчи момент ҳосил қиласи. Айлантирувчи момент:

$$M_{\text{ш}} = \frac{P_2 \cdot D}{2 \cdot 1000} \text{ нм}, \quad M_{\text{ш}} = \frac{P_2 \cdot D}{2} \text{ кг мм}$$

Бу ерда D - йўнилаётган заготовканинг диаметри, мм. Кескич кесиш кучи P_z таъсири остида эшлади, кескичининг чиқиши узунлиги қанча катта бўлса, эгувчи момент шунча катта бўлади:

$$M_s = P_z \cdot l \text{ кг.мм}, \quad M_s = P_z \cdot \frac{l}{1000} \text{ нм.}$$

Бу ерда l - кескичининг чиқиши узунлиги.

Амалда кесиш кучи P_z нинг қийматинн махсус динамометр ёрдамида ўлчанади, Кесиш кучини ўлчовчи динамометр токарлик-станогининг кескич маҳкамлагичи ўрнига ўрнатилиб бевосита кесиш жараёнидаги кескичга таъсир этувчи кесиш кучи микдорини аниқлайди.

4 – мавзу. “Кесиш жараёнида ҳосил бўлган юза тозалигини ўлчаш ва кесиш режимларининг юза тозалигига таъсири ўрганиш”

мавзусидаги амалий машғулотининг технологик харитаси

T/p	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.6.Дарс мақсади: Кесиш жараёнида ҳосил бўлган юза тозалигини ўлчаш ва кесиш режимларининг юза тозалигига таъсири ўрганиш ҳақида талабаларга маълумотлар бериш.</p> <p>1.7.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.7.1. Фадир будирлик (микрогоemetriя) ҳақида тушунчалар олади.</p> <p>1.7.2. Юза тозалигини белгиловчи асосий параметрларини ўрганиш.</p> <p>1.7.3. Тозалик синфи ва уни ўлчаш усуллари ҳақида билимларга эга бўлади.</p> <p>Асосий тушунча ва иборалар: Юза тозалиги, Тозалик синфи, Фадир-будирлик, Микрогоemetriя, Профилометр, Баъза узунлиги, Нотекисликлар қадами.</p> <p>1.8.Дарс шакли: гурух ва микромурухларда.</p> <p>1.9.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: сухбат, маъруза-хикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.10.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, чизмалар, плакатлар, видеопректор, видео анимациялар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гурухда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хulosалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хulosага келинади.</p>	Ўқитувчи- талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Кўндаланг микрогоemetriя нима? • Профилнинг ўртача арифметик қийматн нима? • Профилографнинг ишлаш принципи? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириклари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Режа:

1. Фадир будирлик (микрогоemetriя) тушунчаси.
2. Юза тозалигини белгиловчи асосий параметрлар.
3. Тозалик синфи ва уни ўлчаш усуллари.

Таянч сўз ва иборалар.

1. Юза тозалиги


2. Тозалик синфи
3. Ғадир-будирлик
4. Микрогоометрия
5. Профилометр
6. Баъза узунлиги
7. Нотекисликлар қадами

Йўналган юзанинг тозалиги деталларнииг машина ва механизмларда ишлаш муддатиини оширишда катта аҳамиятга эга. Юза сифатини оширадиган шартлардан бири ғадир-будирлиқдир. Ғадир-будирлик /микрогоометрия/ деганда деталларнинг йўнилган юзаларидағи ниҳоятда кичик қадамли тароқчалар тарзидаги нотекислиқ тушунилиши керак.

Детал юзасининг ёрдамчи ҳаракат йўналишида жойлашган нотекисликлар профиллари кўндаланг ғадир-будирликлар деб аталади ва кескич учининг профилини акс эттирувчи чикиклар ва ботиқлар шаклида бўлади.

Детал юзасида асосий ҳаракат йўналишида жоилашган нотекисликлар бўйлама ғадир-будирликлар деб аталади. Амалда кўндаланг ғадир-будирликларни ўлчаш бялан кифояланилади. ГОСТ 2789-59 да юзанинг ғадир-будирлигига қараб тозалик синфлари белгиланган, унга кўра, юза тозалигини белгиловчи қуйидаги белги ва терминлар жорий қилинган.

Нотекисликлар қадами: икки ҳаракетли чикиқ ёки ботиқлар орасидаги масофа. База узунлиги 1 юза тозалигини аниқлаш учун танлаб олинган масофа. Профилнинг ўрта чизиги – m геометрик профил шаклида бўлган ва ғадир-будирликтининг сон қийматларини аниқлаш учун база вазифасини ўтайдиган чизик. База узунлиги чегарасида профилнинг ўрта чизиги уни шундай бўладики, профилнинг ана шу чизигидан иккала томонидаги майдончалар бир-бирига тенг бўлади.



$$F_1 + F_3 + F_5 + \dots + F_{n-1} = F_2 + F_4 + F_6 + \dots + F_n$$

7-расм

Профилнинг ўртача арифметик четга чикиши R_a -ўлчанган профил нукталарининг шу профил ўрта чизигигача бўлган $y_1, y_2, y_3 \dots$ уп оралиқларнинг ўртача қиймати. Ўрта чизикқача бўлган оралик алгебраик ишораси ҳисобга олинмаган ҳолда қўшилади.

$$R_a = \frac{\sum_{i=1}^n (y_i)}{n}$$

Нотекисликлар баландлиги R_z - база узунлиги чегарасида чикикларнинг бешта энг юкори нуктаси билан ботиқларнинг бешта энг паст нуктаси орасида ўрта чизикқа параллел бўлган чизигидан ўлчангандай ўртача масофа.

Юзанинг ғадир-будирдиги ГОСТ 2789-59 га кўра R_a ва R_z лар макдорлари билан аниқланади.

ГОСТ 2789-59 да юза тозалиганинг 14 та синфи белгиланган.

Амалда юза тозаликларини эталонга солиштириш ёки Ra ва Rz миқдорларини профилограф, прифилометр ҳамда қўш интерференцион микроскопилар ёрдамида ўлчаш билан аниқланади.

Тозалик синвлари ўз навбатида яна учтадан разрядга бўлиниб икки синф оралиғидаги қийматларни teng бўлакларга ажратилади ва шу қиймат асосида синфнинг разряди белгиланац.

5 – мавзу: “Металл кесиш станокларининг асосий турлари ва механизмларини ўрганиш” мавзусидаги амалий машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрловbosқичи:</p> <p>1.6.Дарс мақсади: Металл кесиш станокларининг асосий турлари ва механизмларини ўрганиш ҳақида талабаларга маълумотлар бериш.</p> <p>1.7.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.7.1. Металл кесиши дастгохининг асосий турларини ўрганади.</p> <p>1.7.2. Дастгоҳларининг турли ҳаракеристкаларига кўра турларга ажратишни билади.</p> <p>1.7.3. Хозирги замон дастгохларининг такомиллаштириш соҳасидаги олиб борилаётган ишлар ҳақида билимларга эга бўлади.</p> <p>Асосий тушунча ва иборалар: Дастгох, Автомат, Яримавтомат, Универсал, Аниқлик.</p> <p>1.8.Дарс шакли: гурух ва микрогурухларда.</p> <p>1.9.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.10.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, чизмалар, плакатлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш bosқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гурухда ишлаш bosқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чакирилади.</p> <p>3.3. Умумий хulosалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хulosага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш bosқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Металл кесиш дастгоҳлари қайси белгиларига кўра классификацияланади? • Ишлов бериш аниқлигига кўра дастгоҳлар қандай турларга бўлинади? • Агрегат дастгоҳлар деб қандай дастгоҳларга айтилади? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут

5	Ўқув машғулотини якунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласди ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут
---	--	-------------------------------

Режа:

- Металл кесиш дастгоҳининг асосий турлари.
- Дастгоҳлариининг турли ҳарактеристкаларига кўра турларга ажратиш.
- Ҳозирги замон дастгоҳларининг такомиллаштириш соҳасидаги олиб борилаётган ишлар.

Таянч сўз ва иборалар

- Дастгоҳ
- Автомат
- Яримавтомат
- Универсал
- Аниқлик

Заготовкага талаб этилган шакл бериш, уни йўнилган юзаларини талаб этилган даражада аниқ ва тоза қилиш мақсадида уни кесиб ишлаш учун мўлжалланган машина кесиш дастгоҳи дейилади.

Тайёр детал олиш мақсадида заготовкани кесиб ишлашнинг технологик жараёнини амалга ошириш учун металл кесиш дастгоҳида зарур ҳаракатлар ҳосил қилиш, заготовкани ва кесувчи асбобни ўрнатиш ҳамда маҳкамлаш учун тегишли механизм ва мосламалар бўлиши керак. Дастгоҳ ўзоро боғланган ва иш ҳаракатларини (асосий ҳаракат ва суриш ҳаракати) ҳосил қиласиган бир қатор механизмлардан иборат бўлиши зарур, бундан ташқари дастгоҳда керакли айланишлар сонини олиш, керакли суриш қиймати ҳосил қилиш, заготовкани сиқиш ва бўшатиш мосламаларини ўрнатиш, кесувчи асбобни заготовкага келтириш ва заготовкадан четлатиш механизмлари ва бир қатор бошқа механизмлар хам бўлиши лозим.

Дастгоҳларга нисбатан қўйидаги талаблар қўйилади:

- Заготовкалар кесиб ишлангандан кейин деталларга нисбатан қўйиладиган талабларга жавоб берадиган ўлчамларга ва тозалигига эга бўлиш учун дастгоҳ аниқ ишлаши лозим.
- Заготовкани кесиб ишлаш вақтида синиш рўй бермаслигини, узелларнинг деталлари тез ейилмаслиги ва титрашга мойил бўлмаслиги учун дастгоҳнинг қисмлари ва барча механизмлари пухта ва бикр бўлиши керак.
- Заготовканн кесиб ишлашда асосий технологик вақти энг кам сарф қилиниши учун дастгоҳ етарли даражада тез юрар бўлиши зарур.
- Дастгоҳга қараб туриш ва уни ростлаш оддий, осон бўлиши ва ортиқча вақт талаб қиласиги лозим.
- Дастгоҳ конструктурасида эҳтиёт бўлмай ёки билмасдан туриб ишга туширишда дастгоҳнинг синишига барҳам берадиган сақлагич қурилмалари бўлиши хам кўзда тутилиши керак.
- Дастгоҳда операция тамом бўлгандан кейин дастгоҳни ёки унинг айрим органларини ишчисиз, автоматик равишда тўхтатадиган механизмлар кўзда тутилиши лозим, бундай автоматик механизмлар ишчининг бир неча дастгоҳда бир йўла ишлашига имкон беради.
- Дастгоҳни бошқариш осон ва хавфсиз бўлиши керак.

Металл кесиш дастгоҳлари қўйидаги асосий алломатларига, технологик вазифага, дастгоҳ конструкциясининг ўзига хос хусусиятларига, жойлашувига, автоматлаштирилганлик даражасига, йўнилган юзаларнинг дастгоҳ таъминлай оладиган тозалик ва аниқлаш даражасига қараб классификацияланади.

Технологик вазифага ва ишлатиладиган асбобга кўра дастгоҳлар: фрезалаш, протяжкалаш, пармалаш жилвирлаш дастгоҳлари ва бошқа дастгоҳларга бўлинади.

Ихтисослаштирилганлик даражасига кўра, универсал, ихтисослаштирилган ва маҳсус дастгоҳларига, универсал дастгоҳлар шакли ва ўлчамлари жиҳатидан ҳар хил деталлар кесиб ишлаш учун мўлжалланган бўлади: ихтисослаштирилган дастгоҳлар шакли жиҳатидан ўхшаш,

аммо ўлчамлари турлича деталлар ишлаш учун мўлжалланади (масалан: тиш йўниш дастгоҳлари) маҳсус дастгоҳлар бир тип ўлчамли деталлар ишлаш учун мўлжалланган бўлади.

Автоматлаштирилганлик даражасига кўра, қўл билан бошқариладиган, ярим автомат, автомат дастгоҳлар, дастгоҳларнинг автомат линиялари ва бошқаларга бўлинади.

Металл кесиш дастгоҳлари аниклик даражасига кўра, қуидаги класс дастгоҳлари: нормал аникликдаги дастгоҳлар - Н, юқорироқ аникликдаги дастгоҳлар П, юқори аникликдага дастгоҳлар - В, айниқса аниқ дастгоҳлар - С, айниқса юқори аникликдаги дастгоҳлар - А га бўлинади.

Оғирлиги жиҳатидан: енгил (1 т гача), ўрта (10 т гача) ва оғир (10 т дан ортиқ) дастгоҳларга бўлинади.

1943 йилда ЭНИМС томонидан ишлаб чиқарилган классификацияга кўра дастгоҳлар қуидаги тартибда номерланади ва маркаланади:

Бириичи рақам дастгоҳ кайси группага кирса, ана шу группани билдиради. Иккинчи ракам дастгоҳнинг типини кўрсатади.

Белгилардаги харфлар, шунингдек учинчи ва тўртинчн рақамлар дастгоҳнинг ишлатиш учун энг муҳим параметрларидан бирини ва кесиб ишланадиган детални ҳарактерлаш мақсадида шу дастгоҳ ишлаб чиқариладиган завод томонидан кўйилади.

Ҳозирги замонда технологик жараёнларни янада такомиллаштириб борилиши муносабати билан металл кесиш дастгоҳларида нисбатан кўйилидиган талаблар янада кучайтирилмоқда. Ушбу масалани ҳал этиш борасида дастгоҳсозлик соҳаси бир талай ижодий ишларни бир неча ўн йилликлар мобайнида амалга оширидилар. Булар оддий механизациялашган универсал дастгоҳлардан бошлаб то ҳозирги кундаги сонли дастур билан бошқариладиган бир бир неча операцияли ишлов бериш марказлари кўринишида мавжуд.

Куида металл кесиш дастгоҳларининг энг кўп тарқалган вакиллари токарлик автомат ва ярим автоматларининг тузилиши ва техниковий кўрсатгичларни кўриб чиқамиз.

Заготовкани кесиб ишлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳаракатлари автоматлаштирилган, заготовкани ўрнатиш, маҳкамлаш ва кесиб ишланган детални чиқариб олиш ишлари кўлда бажариладиган дастгоҳлар ярим автоматлар деб аталади. Заготовка дастгоҳга ўрнатилгандан кейин ишчи дастгоҳни юргизиб юборади ва деталь ўлчамларини текшириб туради.

Созланиб бўлгандан кейин барча ишларни ишчининг иштирокисиз ўзи бажарадиган дастгоҳлар автомат дастгоҳлар дейилади. Автомат дастгоҳларда ишчининг вазифаси кесиб ишланган деталнинг сифатини текшириб туришдан, дастгоҳ созлигини туғрилашдан (кесувчи асбобни алмаштириш, дастгоҳ ишида содир бўладиган нуксонларни бартараф қилишдан) ва дастгоҳни материал (чивик, заготовка) билан таъминлаб туришдан иборат.

Токарлик ярим автоматлари ва автоматлари бир шпинделли ва кўп шпинделли дастгоҳларига, шпинделларининг жойлашувига кўра эса горизонтал ҳамда верикал дастгоҳларга бўлинади.

8 – мавзу. “6M81 моделли универсал фрезалаш станогининг тузилиши, бажариладиган ишлар ва кинематик схемасини ўрганиш” мавзусидаги амалий машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.6.Дарс мақсади: 6M81 моделли универсал фрезалаш станогининг тузилиши, бажариладиган ишлар ва кинематик схемасини ўрганиш ҳақида талабаларга маълумотлар бериш.</p> <p>1.7.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.7.1. Фреза деб нимага айтилишини билади.</p> <p>1.7.2. Фрезалар нача турга бўлинишини ҳақида билимларга эга бўлади.</p> <p>1.7.3. Фрезалар қаерларда ва нима мақсадда ишлатилиши ўрганади.</p> <p>Асосий тушунча ва иборалар: Фрезалаш, Фреза, Бўлиш каллаги, Модул, Консоль, Стол, Универсал.</p>	Ўқитувчи

	<p>1.8.Дарс шакли: гурух ва микрогурухларда.</p> <p>1.9.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: сұхбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул.</p> <p>1.10.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, чизмалар, плакатлар.</p>	
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гурухда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшигилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Умумий хуносалар чиқарилади ва түғрилиги текшириллади.</p> <p>3.4. Умумий хуносага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Фрезалаш жараёни қайси жиҳатлари билан фарқланади? • Фрезалашда суриш неча хил? • Бўлиш каллаги қандай вазифани бажаради? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириклари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Режа:

4. Фреза деб нимага айтилади?
5. Фрезалар нача турга бўлинади?
6. Фрезалар қаерларда ва нима мақсадда ишлатилади?

Таянч сўз ва иборалар

1. Фрезалаш
2. Фреза.
3. Бўлиш каллаги
4. Модул
5. Консоль.
6. Стол.
7. Универсал.

Фрезалаш - фреза деб аталадиган кўп тигли кесувчи асбоб ёрдамида заготовкани кесиб ишлаш жараёни.

Фрезалашда фреза айланади (асосий ҳаракат), дастгоҳнинг столига ўрнатилган заготовка эса фрезага томон илгарланма ҳаракат - сурилиш ҳаракати киласи.

Фрезалашда кесувчи асбоб сифатида турли тип фрезалардан фойдаланилади. Хилма - хил фрезалар қуидаги ишларни: текисликлар фрезалаш, ариқча ва пазлар фрезалаш, шаклдор юзалар фрезалаш резьбалар фрезалаш, тишли гилдиракларнинг заготовкаларига тишлар фрезалаш ва бошқа ишларни бажарилишига имкон беради.

Фрезалар ташки шаклига кўра қуидаги гурухларга бўлинади:

1. Цилиндрик ёки ўқ фрезалар. Бундай фрезаларнинг тишлари цилиндрикинг сиртқи юзасида жойлашган. Улар туғри ва винтсимон тишли бўлади ва текисликлар фрезалаш учун ишлатилади.

2. Диск фрезалар. Бу фрезалар пазлар фрезалар учун ишлатилади. Диск фрезаларининг

кесувчи тишларн тўғри ва илон изи бўлиши мумкин. 3. Кесиб иккига ажратиш фрезалари ёки диск арралар. Бундай фрезалар заготовкани кесиб иккига ажратиш ва пазлар очиш учун ишлатилади. Уларнинг тишлари фрезанинг ўқига паралел тарзда жойлашган бўлади.

4. Бурчак фрезалари, бурчакли пазлар фрезалаш ва тишлар орасида ботиқликлар ҳосил қилиш учун ишлатилади.

5. Торец фрезалари, текисликлар фрезалаш учун фойдаланилади.

6. Уч ёки бармоқ фрезалар, шпонка пазлари, Т шаклидаги пазлар, капдум тарзидаги ариқчалар ва пазлар учун ишлатилади.

7. Фигурали ёки шаклдор фрезалар. Улар шаклдор юзаларни фрезалаш учун ишлатилади.

8. Кисқа резьбалар кирқиш учун ишлатиладиган тарок фрезалар.

9. Модулли фрезалар ташки ғилдиракларнинг заготовкаларига тишлар фрезалаш учун ишлатилади.

Фрезалашда кесиши тезлиш.

$$\vartheta = \frac{\pi \cdot D \cdot n}{1000} \text{ м/мин}$$

D - фрезанинг энг катта диаметри.

n - фрезанинг дақиқаига айланишлар сони.

Кесиши чуқурлиги t - мм. Фрезанинг бир ўтишида заготовка сиртидан кесиб олинаёттан катламнинг қалинлиги.

Фрезалаш станоклари. Фрезалаш головкалари дастаки равишда ўрнатиладиган буйлама фрезалаш станокларида фрезалаш головкасини ўрнатиш билан боғлик булган силжишлар механизациялаштирилади: деталларни станокга узатиш, уларни ўрнатиш, махкамлаш ва ишлов бериш жараёнида ўлчаш ишлари механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади, узлуксиз фрезалаш учун куп позицияли мосламалар ишлатилади: станок столидан кириндини четлатиш процесси механизациялаштиради ва хакозо.

Фрезалаш станокларида заготовка, шчит ва йигма узеллар профилли ва контурли ишланади, проушина, уя ясалади, турум кесилади. Хозирги замон корхоналари шароитларида хар бир иш урни маълум даражада ихтисослаштирилгани сабабли фрезалаш станокларининг универсаллик хусусиятидан доимо тула фойдаланмайди аксай холларда фрезалаш станокларидан эгри чизикли деталларни фрезалаш турум кесиши ва шчит ёки буюм узеллари контурини ишлашда фойдаланилади. Купинча заготовка ёки буюм узеллари станокка андоза ёки мосламага ўрнатилган холда узатилади.

Фрезалаш станокларида кесувчи асбоб сифатида фрезалар ишлатилади. Уларнинг конструкциялари жуда хилма – хилдир. Фрезалар иш органлари шпинделларга урнатилади ва махкамланади.

Ёгочсозлик ишлаб чикаришларида асосан бир шпинделли, баъзан икки шпинделли фрезалаш станоклари кулланилади.

Фрезалаш станокларида авто узатгич бор булса, юзани ишлаш тозалик класси ва фрезалаш учун привод куввати рейсмусли станоклар учун кулланилган усуулларда хисобланади.

Шуни назарда тутиш керакки, фрезалаш станоклари энг хавфли станоклар хисобланади. Шунинг учун шпиндел ва унга махкамланган кесувчи асбобни бутунлай тусиб куйиш учун барча имкониятлардан фойдаланиш лозим.

Станокда кандай усулда махкамланишига караб фрезалар иккига булинади: насадкали фрезалар ва хвостовикли фрезалар. Насадкали фрезаларда шпиндел насадкаларга кийгизиш учун тешиги булади, хвостовикли фрезаларнинг учидаги хвостовиги булади ва шпинделга патронлар ёрдамида урнатилади ёки хвостовиги билан шпиндел уясига киргизилади.

Насадкали фрезалар конструкциялари жихатидан жуда хилма – хил булади. Яхлит фрезаларнинг тишлари ва корпуси яхлит металл булагидан ишланади ва бир бутунни ташкил эади. Таркибий фрезалар бир неча фрезалардан йигилади, уларнинг хар бири фактат комплект булгандагина ишлайди. Йигма фрезаларда алмаштирма тишлари корпусга махкамланади. Комбинациялаштирилган фрезалар хам кулланилади. Бундай фрезаларга бир неча хил кесувчи асбоб урнатилади.

Таркибий фрезалар аник мураккаб профил хосил килиш учун ишлатилади. Уларнинг яхлит фрезалардан афзалиги шундаки, уларнинг тишлари бир неча марта чархланганда хам фрезалар профили аник сакланади. Яхлит фрезаларни чархлаш процессида эса тишларнинг шаклдор профили узгаради – тузатиб булмайдиган даражада ейилади.

Хозирги вактда куйма кескичлари бор фрезалар ва каттик котишмалардан ишланган пластинкалари бор фрезалар кенг кулланилмоқда.

Куйма кескичлари бор фрезалар ясаганда сифатли легирланган асбоббоп пулатдан куп тежалади, чунки асбоббоп пулатдан факат алмаш тишлар килинади, корпуси эса оддий пулатдан ишланади. Тишлар ейилганда янгиларини куйиш мумкин.

Заготовка кулда узатиладиган ва шпинделди пастда жойлашган бир шпинделли станоклар суппорт тиккасига суриладиган станинадан иборат. Суппортга шарикли подшипниклар билан шпиндел маҳкамланган. Узун насадкага сурма подшипники кронштейн кузда тутилган. Кронштейн шпинделнинг баркарорлигини таъминлайди. Асбони алмаштираётганда у четга суриб куйилади. Стол уйикларига йуналтирувчи чизгичлар ва кескичлар урнатилган. Шпиндель холати маҳовичок билан ростланади.

Электр двигатель шпинделга япалок тасмали узатма воситасида бириклирилган.

Фрезалаш – нусха кучириш станоклари асосан заготовкаларнинг оддий ва шаклдор юкориги юзаларини фрезалашда, шунингдек оддий ва шахаволлар, турум, уялар ясашда кулланилади. Уларнинг конструкцияси оддий. Станинага суппорт ёрдамида бурилма стол маҳкамланган. Стол маҳовичок билан винтли механизм ёрдамида кутарилади ва тушурилади. Стол тепасига суппортга электр двигатель урнатилган булиб, унинг вали айни бир вактда шпиндель вазифасини хам утайди. Электр двигатель юкори частотали токда ишлайди. Вал шпиндель педаль ёрдамида сурилади.

Станинага кузгалувчан килиб револьвер каллак маҳкамланган. Револьвер каллак корпуси тирак – винтлар маҳкамланган кия кесик цилиндр куринишидаги корпусдан иборат. Каллак ук атрофида айланади шу туфайли суппортиниг урнатиш винти револьвер каллакнинг истаган курагига такалиб туриши мумкин. Тирак винтларни узун киска чиқариш (канча чиқариш кераклиги ишлаш профилига караб белгиланади) ва винт кархисига урнатиш билан шпиндел холатини баландига столга нисбатан узгартириш мумкин. Фрезалаш – нусха кучириш станокларининг шпинделлари минутига 18000 – 21000 марта ва бундан хам катта тезликда айланади.

Станок столига, фреза билан уқдош килиб, нусха кучириш бармоги урнатилган дастани айлантириш билан бармок баландлигини узгартириш мумкин, бармокнинг баландлигига фиксацияланадиган туртта холати бор ишланадиган детални урнатишга мулжалланган мослама металл (ёки ванер) андоза маҳкамланади. Андозанинг ички кирраси нусха кучириш бармоги буйича ишлаб чиқилади. Фреза андоза конфигурациясини тақоррлайди.

9 – мавзуу “Жилвирлаш станокларининг тузилиши, бажариладиган ишлар ва кинематик схемасини ўрганиш” мавзусидаги амалий машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вакт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.11. Дарс мақсади: Жилвирлаш станокларининг тузилиши, бажариладиган ишлар ва кинематик схемасини ўрганиш ҳақида талабаларга маълумотлар бериш.</p> <p>1.12. Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.12.1. Жилвирлаш тошларининг формаси (шакли) билади.</p> <p>1.12.2. Жилвиртош материаллари ҳақида билимларга эга бўлади.</p> <p>1.12.3. Жилвирлаш асбоблари структурасини ўрганади.</p>	Ўқитувчи

	<p>Асосий тушунча ва иборалар: Жилвиртош материаллари, Жилвирлаш, Жилвирлаш тошларининг шакли, Жилвирлаш тезлиги.</p> <p>1.13. Дарс шакли: гурух ва микрогурӯҳларда.</p> <p>1.14. Фойдаланиладиган метод ва усуслар: сухбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул.</p> <p>1.15. Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, чизмалар, плакатлар.</p>	
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>3.2. Талабалар фикри эштиради, бошқа талабалар бахсга чакирилади.</p> <p>3.3. Умумий хulosалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>3.4. Умумий хulosага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қўйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Жилвиртош қандай материаллардан тайёрланади? • Жилвирлаш асбоблари структураси қандай? • Жилвирлаш тошларининг формаси (шакли) қандай бўлади? • Жилвирлаш қандай турларини биласиз? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳдил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳдил қиласди ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Режа:

1. Жилвиртош материаллари.
2. Жилвирлаш асбоблари структураси.
3. Жилвирлаш тошларининг формаси (шакли).
4. Жилвирлаш турлари.
5. Жилвирлашда кесиш режими элементлари.

Таянч сўз ва иборалар.

1. Жилвиртош материаллари.
2. Жилвирлаш.
3. Жилвирлаш тошларининг шакли.
4. Жилвирлаш тезлиги.

Материалларни образив асбоблар билан кесиш жараёни жилвирлаш деб аталади.

Жилвирлаш ишлов берилган юзанинг тоза чиқишига ва ўлчамларининг жуда аниқ бўлишига имкон беради. Деталларда ўта аниқ ўлчам ва жуда тоза юзалар ҳосил қилиш учун притиркалаш, доводкалаш, нафис доводкалаш усусларидан, деталларнинг юзаларини жуда силлиқ ва ялтироқ қилиш учун эса жилолаш усулидан фойдаланилади.

Жилвирлашда кесувчи асбоб сифатида ҳар хил шаклдаги жилвир тошлар, брусколар, сегментлар, жилвирлаш қоғозлари, образив порошоклар ва пасталар ишлатилади. Абразив материал эса бир бирига маҳсус боғловчи модда билан маҳкамланади. Жилвирлаш асбоби бир биридан маълум оралиқда жойлашган жуда кўп образив материал доналаридан иборат. Кесувчи асбобларнинг кесувчи қиррасидан, жилвирлаш асбобининг кесувчи қирраси фарқ қилиб туташ бўлмайди, узлуклидир.

Жилвирлаш тоши жуда катта тезлик билан айланиб, ишлов берилаётган заготовканинг юпқа, саёз қатламини кесиб олади. Заготовка юзаларини куйдириб қўймаслик учун (1200°C) мойлаш-совитиш суюклиги ишлатилади.

Табий абразив материаларнинг сифатида олмос, корунд, жилвир, кварц, чакмоктош ва пемза ишлатилади. Олмос жилвирловчи материаларнинг энг каттифидир. Ҳозирги пайтда табий жилвирловчи материаллар образив жилвирлаш асбоби тайёрлаш учун ишлатилмайди, уларнинг кесиш ва механиқ хоссалари анча паст.

Абразив асбоблар қуйидаги сунъий образив материаллардан электрокорунд, монокорунд, кремний корбид, бор корбид, бор силикокорбид ишлатилади.

Боғловчи материал сифатида 1) анерганиқ моддалар (керамик, сликат ва магнезиал боғловчилар). 2) органиқ моддалар (вулканит ва болселит). 3) металл боғловчилар (мис ва алюмин қотишмаларининг порошоклари) ишлатилади.

Керамик боғловчилар К, сликат С, маназиал М, вулканит В, болселит Б ҳарфи билан белгиланади.

Жилвирлаш тошларининг қаттиқлиги қараб М-юмшоқ, (М1,М2,М3); СМ- ўртача юмшоқ (СМ1,СМ2); С-ўртача (С1,С2); СТ- ўртача қаттиқ (СТ1,СТ2,СТ3) ; Т-қаттиқ (Т1,Т2); ВТ- жуда қаттиқ (ВТ1,ВТ); ЧТ-ниҳоятда қаттиқ турларига бўлинади.

Деталлар тайёрлашда жилвирлаш охирги ва тоза ишлов бериш сифатида қўлланилади.

Жилвирлаш билан ишлов берилганда юза аниқлиги 6-7 квалитетга, ғадир-будирлиги эса Rz_k0,08....0,32 мкм тенг бўлади.

Жилвирлаш асбоблари структураси

Жилвирлаш асбобининг структураси деганда образив доналар, боғловчи ва ғовакларнинг нисбати тушинилади. Структура турларини 4 групда мавжуд бўлиб, улар 20 та номердан иборат.

Структураси:

№ номи	Зич	Ўртача	Очиқ	Жуда очиқ
Струк.№	0....3	4....8	9....12	13....20
Донадор, %да	62....56	54....46	44....38	56....22

Жилвирлаш тошларининг формаси (шакли)

ПП (плоский прямой)-тўғри профилли ясси. Сиртқи, ички доиравий ва марказсиз жилвирлаш, ясси жилвирлаш учун ишлатилади.

ПВ (плоский с вўточкой)-ўйиқли ясси. Доиравий ва ясси жилвирлаш учун ишлатилади.

ПВД (Плоской с 2-х стороннўй вўточкой)-икки ёқлама ўйиқли ясси.

Доиравий ва ясси жилвирлаш учун ишлатилади.

К- (круглўй) -чарх тоши. Косилкалар пичноқларини ташқи доиравий чарҳлаш учун ишлатилади.

Д-дисксимон круглар. Пазлар очиш ва кесиб ташлаш учун ишлатилади.

ЧЦ-цилиндрик ҳалқалар. Ясси жилвирлаш, асбобларни чарҳлаш учун ишлатилади.

ЧК-конуссимон ҳалқалар-кесувчи асбобларни чарҳлаш ва қайраш учун ишлатилади.

Жилвирлаш турлари

Доиравий жилвирлашнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) Ташқи ва ички жилвирлаш;
- 2) марказсиз ташқи ва ички жилвирлаш;
- 3) ясси жилвирлаш;
- 4) шаклдор юзаларни жилвирлаш;
- 5) резьба жилвирлаш;
- 6)тиш жилвирлаш;

Жилвирлаш тезлиги

Жилвирлашда жилвирлаш тезлиги маъноси остида жилвирлаш тошининг ташқи кесиш юзасида жойлашган нуқтанинг тезлиги тушунилади.

Жилвирлаш тезлиги қуйидаги ифодадан аниқланади.

V қ π D n / 60 1000, м/с,

бу ерда: : D-тош диаметри, мм

п-тошнинг дақиқаига айланиш сони

Асосий технологик вақт

Жилвирлаш жараёни учун керак бўлган вақт сарфи жилвирлаш схемасига, икки томонга ўтишлар сони ва узинлигига, ҳамда бўйлама суриш тезлигига боғлик ҳолда аниқланади.

Агар заготовканинг жилиш узинлиги бир мартадаги икки ёклама юришга узинлигига тенг бўлса, бўйлама суриш Snraz бўлганда, асосий вақт қуидагига тенг.

to қ21/Spr, мин.

бир неча ишчи ва чиқиши юриши қилса,

to қ21(ии+іч)/Spr, мин.

**6– мавзу. “1К62 моделли токарлик станогининг кинематик схемасини ўрганиш”
мавзусидаги амалий машғулотининг технологик харитаси**

T/r	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.6.Дарс мақсади: Токарлик дастгоҳларида ишлов бериш ҳақида талабаларга маълумотлар бериш. 1.7.Идентив ўқув мақсадлари. 1.7.1. Токарлик гурӯхига кирувчи дастгоҳларни ўрганади. 1.7.2. Ихтисослаштирилган дастгоҳлар турларини билади. 1.7.3. Машинасозликда ишлатиладиган токарлик дастгоҳлари ҳақида билимларга эга бўлади. Асосий тушунча ва иборалар: Поводок, Станица, Суппорт, Фартук, Кескич, Револвер каллак, Автомат, Ихтисослашган. 1.8.Дарс шакли: гурӯх ва микрогоруҳларда. 1.9.Фойдаланиладиган метод ва усуслар: сұхбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.10.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, чизмалар, плакатлар.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гурӯхда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чакирилади. 3.3. Умумий холосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий холосага келинади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуидаги саволлар берилади: <ul style="list-style-type: none">• Станоклар технологик вазифаси ва фойдаланадиган асобоб турига қараб бўлиниши.• Конструкциясининг хусусиятига қараб турланиши.• Автоматлашганлик даражасига қараб булиниши.• Ихтисослашганлик даражасига кўра станокларнинг қандай турлари мавжуд?• Аниклик даражасига кўра станоклар қандай классларга бўлинади?• Массасига қараб станокларнинг бўлиниши. 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:	Ўқитувчи,

	5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириклари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	10 минут
--	--	-----------------

Режа:

1. Токарлик гуруҳига киравчи дастгоҳлар.
2. Ихтисослаштирилган дастгоҳлар турлари.
3. Машинасозликда ишлатиладиган токарлик дастгоҳлари.

Таянч сўз ва иборалар

9. Поводок.
10. Станица.
11. Суппорт.
12. Фартук.
13. Кескич.
14. Револьвер каллак.
15. Автомат.
16. Ихтисослашган.

Токарлик гуруҳидаги дастгоҳларда мураккаб шаклли, йўнилган юзаси жуда аниқ ва тоза бўлиши талаб этиладиган хилма-хил деталлар кесиб ишланиши мумкин. Токарлик дастгоҳлари универсал ва ихтисослаштирилган дастгоҳларга бўлинади. Универсал токарлик дастгоҳларида цилиндрик, конусимон ва шакдир юзаларни бўйлама ва кўндаланг суриш билан йўниш, цилиндрик ва конусимон тешикларни йўниб кенгайтириш, сиртқи ва ички резьбалар қиркиш, тешиклар пармалаш, уларни зенкерлаш ва резвёрткалаш мумкин. Токарлик дастгоҳларида ҳар хил тип кескичлардан парма, зенкер, развёртка, метчик ва плашкалардан фойдаланилади.

Ихтисослаштирилган дастгоҳлар муайян операциялар учун мўлжалланган бўлиб, бир номли деталлар, масалан погонали ботиклар йўниш учун ишлатилади. Шу сабабли бу дастгоҳлардан серияли ишлаб чиқаришда энг кўп фойдаланилади.

Кишлоқ хўжалик машинасозлигида ва қишлоқ хўжалик машиналари; ремонтда кенг кўламда ишлатиладиган дастгоҳлар универсал токарлик дастгоҳлари. Токарлик дастгоҳлари гуруҳида токарлик дастгоҳлари, токарлик винт - кирқиши дастгоҳлари, кўп кескичли токарлик дастгоҳлари, револьвер дастгоҳлари, лобовой дастгоҳлар, карусель дастгоҳлар, ярим автомат ва автоматлар киради.

Станокларнинг турли конструкциялари бўлишига карамай, ҳар бир станокда двигатель, узатмалар ва ҳар хил харакатларни бажарувчи механизмлар булиб, улар узаро узвий боғланган.

Хозирда вазифаси, технологик имкониятлари ва улчамлари турлича булган жуда куп металл кесиши станоклари ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган станокларнинг ва муайян вакт оралигида, масалан, беш йил мобайнида ишлаб чиқарилиши мўлжалланган станокларнинг барча тип ва улчамлари мажмуи тираж деб аталади. Станоклар типажи узликсиз равишда ортиб бормоқда.

Металл кесиши станоклари экспериментал илмий – таддикот институти НИМС (класификациясига кура, сериялаб ишлаб чиқарилаётган барча станоклар туккизта группага бўлинади. Ҳар кайси группа, уз навбатида, станокларнинг бир неча типини уз ичига олади (1-жадвал)).

Станоклар технологик курсаткичига ихтисослаштирилганлик даражасига, массасига ва бошка курсаткичларига кура куйидагича классификацияланади:

8. Технологик вазифасига ва фойдаланиладиган кесиши асбобининг турига караб токарлик, пармалаш, фрезалаш, жилвирлаш ва бошкалар.

9. Конструкциясининг хусусиятига (асосий иш органларининг жойлашишига) караб вертикал, горизонтал ва универсал станоклар.

10. Автоматлаштирилганлик даражасига караб ярим автомат ва автоматлар.

11. Юза гадир-бутиргига караб дагал ва текис юзаларга ишлайдиган станоклар.

12. Ихтисослашганлик даражасига кура куйидаги станоклар мавжуд:

а) Универсал станоклар, хилма – хил деталлар ишлашда хар хил операцияларни бажаради. Айникса, куп хил ишлар бажаришда фойдаланиладиган станоклар кенг универсал станоклар дейилади:

б) киёфалари бир – бирига ухшаш, аммо улчамлари хар хил деталлар ишлаш учун мўлжалланган ихтинослаштирилган станоклар:

в) кенг номенклатурадаги деталларда маълум операцияларнигина бажариш учун мўлжалланган кенг вазифали станоклар:

г) факат бир тип – улчамдаги деталлар ишлаш учун мўлжалланган маҳсус станоклар.

13. Аниклик даражасига кўра станоклар беш классга бўлинади. Н Класс – кормал аниклидаги станоклар: бу классга универсал станокларнинг купчилиги киради. П класс – оширилган аниклидаги станоклар: бу станоклар нормал аниклидаги станоклар асосида тайёрланади, аммо станокнинг муҳим деталларининг тайёрланишига нисбатан ва йигиш хамда ростлаш сифатига нисбатан юкори талаблар қўйилади. В класс – юкори аниклидаги станоклар: станокларнинг юкориги аниклигига айрим узелларининг маҳсус конструкцияси, деталларнинг тайёрланишига, узелларини ва бутун станокни йигиш хамда ростлаш сифатига нисбатан юкори талаблар куйилиши хисобига эришилади. А класс – айникса юкори аниклидаги станоклар: бундай станоклар тайёрлашда В класс станоклари тайёрлашдагига караганда хам каттарок талаблар қўйилади. С класс –А ва В класс станоклари деталларнинг аниклигини белгиловчи металллар тайёрлаш учун мўлжалланган нийоятда аник станоклар: бошкacha килиб айтганда, мастер – станоклар. В, А ва С класс станоклари тегишли аникликини таъминлаши учун улар температураси ва намлиги автоматик равиша узгармас килиб туриладиган хоналарга урнатилган холда ишлатилади.

14. Массасига қараб енгил (1 т гача), ўртача (10 т гача) ва оғир (10 т дан ортик) станокларга бўлинади. Оғир станоклар уз навбатида йирик (10-30 т), оғир (30 – 100 т) ва жуда оғир (унивал) (100 т дан оғир) станокларга бўлинади.

Станокнинг модели учта ёки туртта (баъзан, харфлар кушилган) ракам билан белгиланади. Биринчи ракам станокнинг группасини, иккинчи ракам – типини, энг охирги битта ёки иккита ракам станокнинг характерли улчамларидан бирини билдиради. Биринчи ракамдан кейинги харф станокнинг такомиллашганини, барча ракамлардан кейинги кейинги харф эса базавий моделининг модификациясини (шакл узгаришини) курсатади.

Масалан, 2 А 1 3 5 станогини олайлик. Бунда 2 раками станокнинг иккинчи группага киришини – пармалаш станоги эканлигини: А харфи станокнинг такомиллаштирилганлигини билдиради: 1ракам станокнинг биринчи типга оидлигини – вертикал – пармалаш станоги эканлигини: охирги иккита ракам эса пармаланиши мумкин булган энг катта тешик диаметрини – 35 мм ни курсатади.

7– мавзу. “2A135 модельи вертикал пармалаш станогининг тузилиши, бажариладиган ишлар ва кинематик схемасини ўрганиш” мавзусидаги амалий машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.6.Дарс мақсади: 2A135 модельи вертикал пармалаш станогининг тузилиши, бажариладиган ишлар ва кинематик схемасини ўрганиш ҳақида талабаларга маълумотлар бериш.</p> <p>1.7.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.7.1. Пармалаш жараёнидаги харакатларни ўрганади.</p> <p>1.7.2. Пармалаш дастгохларининг типларини билади.</p> <p>1.7.3. Дастгох турлари ҳақида билимларга эга бўлади.</p> <p>Асосий тушунча ва иборалар: Пармалаш, Зенкерлаш, Раверткалаш, Координат, Кондуктор, Қўйруқ, Радиал, Парма.</p> <p>1.8.Дарс шакли: гурух ва микромурухларда.</p> <p>1.9.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: сухбат, маъруза-ҳикоя,</p>	Ўқитувчи

	бахс, видеоусул. 1.10.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, чизмалар, плакатлар.	
2	Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2. Талабалар фикри эшигилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. 3.3. Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хуносага келинади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: <ul style="list-style-type: none">• Рандалаш ва уйиш станокларида кандай сиртлар ишланади?• Мазкур станоклардаги бош харакатни айтиб беринг.• Нима учун мазкур станокларда катта тезликлар амалга оширилмайди яна кандай камчиликлар бор? 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулотини якунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Режа:

1. Пармалаш жараёнидаги харакатлар
2. Дастгохларининг типлари
3. Дастгох турлари

Таянч сўз ва иборалар

9. Пармалаш.
10. Зенкерлаш.
11. Раверткалаш.
12. Координат.
13. Кондуктор.
14. Куйруқ.
15. Радиал.
16. Парма.

Пармалаш материалларида пармалар билан тешиклар очиш ва тешикларни кенгайтиришда кўп кўлланиладиган усуллардан бириди. Шу сабабли пармалаш станоклари станоклар паркининг 12 – 15 % ини ташкил этади. Пармалаш станокларида кесиши асбоби парма, зенкер, развёрткалардан иборат булиб, улар асбобсозлик, тезкесар ва каттик котишмалардан тайёрланади.

Пармалаш станоклари тешиклар пармалаш, тешикларга метчик ёрдамида резъбалар киркиш тешикларни йуниб кенгайтириш ва уларни притирлаш, листовой материаллардан дисклар киркиб олиш ва бошқа ишлар учун мулжалланган.

Яхлит материалда очиқ ва ёпиқ, цилиндрик тешиклар ҳосил қилиш учун парма деб аталаидиган кесувчи асбобдан фойдаланилади. Парма ёрдамида тешик ҳосил қилиш технологик жараёни пармалаш деб аталади. Мавжуд тешикни диаметридан парма ёрдамида кенгайтириш жараёни пармалаб кенгайтириш дейилади. Зенкер ёрдамида кенгайтириш зенкерлаш деб, развёртка ёрдамида катталаштириш эса разверткалаш дейилади.

Пармалаш жараёнида биргага содир бўладиган иккита харакат

1. Асосий ҳаракат - пармани ёки деталнинг ўз ўки атрофида қиласиган айланма ҳаракати;
 2. Суриш ҳаракати - парманинг ўз ўки бўйлаб илгарилмана ҳаракати натижасида амалга ошади.
 Пармалаш дастгоҳининг классификацияси ҳар хил типдаги пармалаш дастгоҳлари яхлит материалга очиқ ёки берк тешиклар пармалаш учун кенг кўламда ишлатилади. Пармаланган тешикларни пармалаб кенгайтириш, зенкерлаш, развёрткалаш, кескич билан йўниб кенгайтириш ишлари ҳам ана шу дастгоҳларнинг ўзида бажарилади: бу дастгоҳларда метчиклар воситасида ички резбалар ҳам қирқилади. Пармалаш дастгоҳларини қуйидаги типларга ажратиш мумкин:

3. Бир шпинделли столовий – пармалаш станоклари кичик диаметрили тешикларга ишлов бериш учун ишлатилади. Бу станоклар приборсозлиқда кенг таркалган. Уларнинг шпинделлари катта частота билан айланди.

1. Вертикал пармалаш дастгоҳлари.

Бу дастгоҳлар диаметри 12 мм гача бўлган кичик тешиклар пармалаш учун ишлатиладиган, столга ўрнатилувчи дастгоҳлар ва диаметри 80 мм гача бўлган тешикларни пармалаш учун ишлатиладиган, калонналарга ўрнатиладиган дастгоҳларга бўлинади.

1. Радиал - пармалаш дастгоҳлари.

Бу дастгоҳлар кўзғатилиши қийин бўлган оғир буюмларга тешиклар пармалаш учун ҳам, енгил буюмларга тешиклар пармалаш учун ҳам мўлжалланган бўлади. Бундай дастгоҳлар деворий, колонналарга ўрнатилган радиал ва кўчма бўлади.

2. Горизонтал - пармалаш дастгоҳлари.

Бу дастгоҳларда шпинделларнинг ўклари горизонтал бўлади. Улар чукур тешиклар пармалашда ишлатилади.

3. Кўп шпинделли пармалаш дастгоҳлари.

Кўп шпинделли дастгоҳларда шпинделлар вертикал, горизонтал ёки қия жойлашган, бир тешикларда ёки ҳар хил тешикларда, битта каллакда ёки бир неча каллакларда жойлашган бўлиши мумкин.

4. Агрегат пармалаш дастгоҳлари.

Бу дастгоҳлар стандарт узеллардан тайёрланиши ва монтаж қилиниши мумкин, шунинг учун улар агрегат дастгоҳлар дейилади. Тайёрланадиган деталларнинг конструкцияси ва шаклига қараб, тегашистандарт каллак танлаб олинади ва у дастгоҳка монтаж қилинади. Агрегат пармалаш куч каллаклари мустақил электрик юритмалардан ҳаракатга келтирилади.

5. Марказ дастгоҳлари. Бу дастгоҳлар закатовкаларнинг торецларга марказ тешиклари ва уларни зенковкалаб кенгайтириш учун мўлжалланган. Бу дастгоҳлар бир томонлама ва икки томонлама бўлиши мумкин. Икки томонлама дастгоҳлар заготовка торецларининг иккисига ҳам бир вақтнинг ўзида марказ тешплари очади.

4. Чукур пармалаш учун ишлатиладиган горизонтал – пармалаш станоклари.

Пармалаш дастгоҳлари гурӯхида тешик кенгайтириш дастгоҳларининг қуйидаги кичик гурӯхи ҳам киради:

1. Горизонтал пармалаш - тешик кенгайтириш
2. Горизонтал - вертикал - тешик кенгайтириш дастгоҳлари.
3. Координат - тешик кенгайтириш дастгоҳлари.
4. Олмосли - тешик кенгайтириш дастгоҳлари.

Пармалаш станокларининг асосий улчамлари қуйидагилар: энг катта шартли пармалаш диаметри, шпиндель конусининг улчами, шпинделнинг кулочи, шпинделнинг энг катта юриш йули, шпинделнинг торецдан столгача булган энг катта масофа, шпинделнинг торецидаги фундамент илитасигача булган энг катта масофа ва бошкалар.

ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТЛАРИ.

1 – машғулот. Фанни ўқитиши технологияси:

“Кесувчи асбоб тайёрлаш учун қўлланиладиган материаллар” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик харитаси

T/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Кесувчи асбоб тайёрлаш учун қўлланиладиган	Ўқитувчи

	<p>материаллар ҳақида талабаларга тушунчалар бериш.</p> <p>1.2.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.2.1. Кесувчи асбоб тайёрлаш учун қўлланиладиган материаллар ҳақида билади.</p> <p>1.2.2. Асбобсозлик пўлатларга кўйиладиган талаблар уларнинг турлари маркаланиши ишлатилиши билан танишади.</p> <p>1.3.Асосий тушунча ва иборалар: Адгезия, иш унумдорлиги, чидамлилик, Лигерланган пўлатлар.</p> <p>1.4.Дарс шакли: гурух ва микрогурухларда.</p> <p>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: амалий, кўргазмали, виртуал лаборатория.</p> <p>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, плакатлар, видеопроректор, видеофильмлар.</p>	
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Машғулот бошланади, кесувчи асбоб тайёрлаш учун қўлланиладиган материаллар ҳақида тушунчалар берилади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гурухда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга материаллардан намуналар берилади.</p> <p>3.2. Талабалар бу материала қандай қотишмадан таркиб топганлигини аниклайдилар.</p> <p>3.3. барча талабалар баҳс мунозарага киришади.</p> <p>3.4. Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p>	Ўқитувчи- талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниклаш учун қуидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Асбобсозлик материалларнинг оташбардошлиги нима билан характерланади? • Лигерланган пўлатлар таркибида қандай элементлар мавжуд? • Кесувчи асбоблар тайёрлаш учун қандай қотишмалар ишлатилади? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Иш мақсади: Асбобсозлик пўлатларга кўйиладиган талаблар уларнинг турлари маркаланиши ишлатилиши билан танишиш.

Керакли жиҳозлар ва материаллар: Углеродли конструкцион пўлатлар, углеродли асбобсозлик пўлатлари ва тезкесар пўлатлардан намуналар.

Кесувчи асбобларнинг кесиши қобиляти уларнинг физик механикавий хоссалари яъни қаттиқлиги мустаҳкамлиги ейилишга чидамлилиги, оташбардошлилиги ёпишқоқлиги (адгезия) билан характерланади.

I. Кесувчи асбоб материалининг қаттиқлиги ишлов берилishi керак бўлган. Материалнинг қаттиқлиги нисбатан юкори бўлиши керак.

Асбобсозлик материалининг қаттиқлиги ва мустаҳкамлиги материал таркибидаги карбидларнинг ёрдамчи ташкил этувчиларнинг ўзаро нисбати дондорлиги катта таъсир кўрсатади.

Материал таркибидаги карбидларнинг микдори ортиб бориши билан материалларнинг қаттиқлиги ва ейилишга чидамлилиги ортади мустаҳкамлиги камаяди.

II. Материалларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги юкори бўлиши керак. Чунки иссиқлик ўтказувчанлиги қанча юкори бўлса кесиш зонасидан иссиқликнинг тарқалиши тарқалади ва натижада кескич билан заготовканинг контакт юзаларидаги ҳарорат камаяди.

III. Асбобсозлик материалларнинг оташбардошлиги, унинг физика – механикавий хоссасини ўзгариши билан характерланади. Яъни унинг қаттиқлиги пасаяди, ейилиши ортади. Айрим адабиётларда оташбардошлик, юкори температурага чидамлилик каби термин билан юритилади. Материалнинг юкори температурага ортиб бориши билан кесиш жараёнини юкори тезлик билан олиб бориш мумкин. Демак иш унумдорлиги таъминланади.

IV. Асбобсозлик пўлатларининг ишқаланиб ейилиши уларнинг ишқаланиш кучи таъсирида ейилишига қаршилик қўрсатиши қобиляти билан характерланади.

V. Асбобсозлик ва ишлов берилаётган материалнинг ёпишқоқлиги (адгезияси) асбоб билан заготовка ўртасидаги контакт юзалардаги ҳарорат ва босим таъсирида ривожланувчи молекуляр кучларга боғлиқдир.

Ёпишқоқлик асбобсозлик ва ишлов берилаётган материалларнинг бир – бирига ёпишиш температураси орқали аниқланади. Ёпишиш температураси қанчалик юкори бўлса кесувчи асбоб материалининг сифати шунча юкори бўлади. Кесувчи асбоблар тайёрлаш учун қўйидаги материаллардан фойдаланилади: асбобсозлик пўлатлар, металл керамик қаттиқ қотишмалар, минерало керамик материаллар, кермитлар, алмазлар, нитридлар абразив материаллар ва конструкцион пўлатлар. Асбобсозлик пўлатлар қўйидаги турларга бўлинади: углеродли, лигерланган ва тез кесар пўлатлар.

Углеродли асбобсозлик пўлатларининг асосий ташкил этувчи элементи углерод бўлиб, улар асосан икки группага бўлинади, яъни сифатли ва юкори сифатли пўлатлар. Бу группаларнинг ҳар бири таркибидаги углерод миқдорига қараб саккиз тур маркага ажратилади. У10А – углерод миқдори 0,95 – 1,04%, У12А - -1,05-1,14%, У11А – 1,05-1,14%. Термик ишлов беришда кейин бу пўлатларнинг қаттиқлиги Н-58-64: оташбардошлиги -200-250⁰ оралигига бўлади. Углеродли пўлатлар ёмон тобланади. Яъни тоблаш жараёнида ёрилиш, деформацияланиш каби нуқсонлар содир бўлиши мумкин. Бу пўлатлардан асосан кичик тезликларида ишловчи асбоблар метчиклар, зенкерлар, еговлар ва ёғочга ишлов беришда қўлланиладиган асбоблар тайёрланади.

Лигерланган пўлатлар таркибида лигерловчи элемнталарни «хрон, вольфрам, молибден, ванадий» қўшилганлиги туфайли пўлатларга нисбатан анча юкори кесувчанлик хоссасига эгадир. Термик ишлов берилгандан кейин бу пўлатларнинг қаттиқлиги Н-62-64 бирликка тенг бўлиб оташбардошлиги 250-300 градус атрофида бўлади. Бу пўлатлардан тайёрланган кесувчи асбоблар учун рухсат этилган кесиш тезлиги углеродли пўлатларга нисбатан 20-40 % юкоридир.

Кесувчи асбоблар тайёрлаш учун кўпчилик вақтда хром, кремний, 9 ХС, хром вольфрам морганецли ХВТ, хром вольфрамли ХВ 5 пўлатлар ишлатилади. Кейинги даврларда 9 ХС маркали пўлат ўрнига таркибига қўшимча марганец ва вольфрам қўшилган 95 ХГСВФ маркали пўлат кенг ишлатила бошланди.

ГОСТ 5950-70 бўйича тайёрланган ва ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган лигерланган асбобсозлик пўлатларнинг кимёвий таркиби қўйидаги жадвалда келтирилган.

Пўлатлар маркаси	У г л е р о д м и қ д о р и %					
	Углерод	Марганец	Кремний	Хром	Вольфрам	Ванадий
ДХС	0,85-0,95	0,90-0,60	1,20-1,60	0,95-1,25	-	-
ХВГ	0,90-1,05	0,86-1,10	0,15-0,35	0,90-1,20	1,20-1,60	-
ХВ 5	1,25-1,45	0,15-0,40	0,15-0,35	0,40-0,70	4,0-5,0	0,1-0,3

Бу пўлатларда зенкерлар, разведкалар, метчиклар, протяжкалар тайёрлашда кенг қўлланилади.

Тез кесар пўлатлар таркибида уларнинг оташбардошлигини орттирувчи элементларни «Вольфрам» маълум даражада юкорилиги билан характерланади. Бу пўлатларнинг оташбардошлиги 600 ⁰С қаттиқлиги НС -62 -84 га тенг бўлиб рухсат этилган кесиш тезлиги углеродли пўлатларга нисбатан 2-3 баробар юкоридир. Тез кесар пўлатлар икки гурухга бўлинади:

1. Нормал оташбардошлар
2. Юкори оташбардошлар

биринчи гурухга Р 18 Р9 Р12 Р6М5 Р6М3 маркали пўлатлар киради. Р18 маркали пўлат таркибида 17,5-19 %, Р9 маркалисида эса 8,5-10 % вольфрам мавжуддир. Р12 маркали пўлатнинг тан нархи Р18 га нисбатан 30% кам бўлиб бир хил массада зичлиги анча камдир бу холл Р18 маркали пўлатларда 4 % кўпроқ асбоб тайёрлаш имконини беради металлокерамик қаттиқ

қотишишмалар кобалт ёрдамидан боғлангандан кийин ерувчи металл карбитлардан иборатдир.

Бу қотишишмалар преслаш ва пишириш методи билан тайёрланади. Қаттиқ қотишишмалар юқори температурага ($800 - 900^{\circ}$) чидамлилиги юқори зичлиги (НРА87-92) ва юқори температурада ейилишга чидамлилиги билан характерланади.

Кесувчи асбоблар тайёрлаш учун хар хил формали ва размерли (ГОСТ 9209-69) қуйидаги составдаги пластинкасимон қаттиқ қотишишмалар ишлатилади.

1. Вольфрамли (1 карбитли).
2. Титан вольфрамли (2 карбитли).
3. Титан танталь вольфрамли (3 карбитли).

Вольфрам группали қаттиқ қотишишмалар вольфрам ва боғловчи сифатида кобальтдан иборатдир.

Бу группа қотишишмаларининг қуйидаги шакллари мавжуддир; ВК3, ВК4, ВК4В, ВК6В, В6, ВК8, ВК10, ВК15, ва х. Бу ерда В ҳарфи группа турини, К - кобальт. сонлар эса кобальтнинг процент микдорини кўрсатади Маркировкани охирага қўйилган М ва В ҳарфлари қотишиша структурасани дондорлигини (М – майда дондорлик, В – йирик дондорлик) билдиради. Бу пўлатларнинг мустаҳкамлиги анча юқори бўлиб, оташбардошлиги сезиларли даражада камаяди.

Ишлаб-чақаришда таркибида 3-5% молибден мавжуд бўлган тезкесар пўлатлар кенг қўлланилади. (Р6М3, Р6М5). Молибден пўлатларнинг - мехааик хоссасига вольфрам каби таъсир кўрсатади. Бу пўлатларда оғир шароитларда ишловчи кесувчи асбоблар тайёрланади.

Иккинчи группага таркибида ваннадий ва каболът қўшилган пўлатлар кирада. Масалан: Р9Ф5, Р14Ф4, Р18Ф2 маркали пўлатлар таркибада 1,8-5,1% ваннадий, Р9К5, Р9К10 маркаларида - 5-106% кобальт, Р10К5Ф5 ва Р18К5Ф2 маркали пўлатлар таркибидан эса ваннадий ва кобальт элементлари мавжуддир.

Пўлатларнинг таркибга 10% кобальт қўшилса уларнинг оташбардошлиги 650°C гача, қаттиқлиги эса НС - 7-8 гача ортади.

Яқинда оташбардошлиги $700-720^{\circ}\text{C}$ гача бўлган нормаль мустаҳкамликка эга Р18М3К25, Р18М7К25 ва Р10М5К25 маркали-пўлатлар яратилди. Бу пўлатлардан тайёрланган кесувчи асбоблар титан қотишишмаларига ва олойбардош материалларига ишлов беришда қўлланилади. Тез кесар пўлатлардан кескичлар, пармалар, зенкерлар, разверткалар, плашталар, метчиклар, фрезалар, протяжкалар тайёрланилади.

Титак-вольфрам группадаги қотишишмалар ейилишга чидамлилиги ва эгилишга қаршилик кўрсатши қобиляти камлиги билан характерланиб, асосан қовушқоқли юқори бўлган материалларни пўлатларни кесиб ишлашда қўлланилади. Бу группага киравчи қотишишмаларнинг Т5К10, Т15К12, Т14К8, Т15К6, ТЗОК4 каби маркалари мавжуддир. Қотишишмаларнинг маркировкаси таркибидага Т ҳарфи – титанинг микдорини (процентда), К - кобальтни кўрсатади. Масалан; Т5К10 маркали қотшима таркиби 5% титан карбиди, 10% кобальт ва 85% вольфрам карбадидан иборатдир.

Титан-танталь-вольфрам группасига киравчи қотишишмалар титан карбиди, танталь карбиди, вольфрамли карбиди ва боғловчи сифатида коболът заррачаларидан иборат бўлиб маркаланишдаги ТТ ҳарфлари титан ва танталь карбидининг, К - ҳарфи эса кобальт микдорини (процентларда) билдиради. масалан: ТТ7К12 – маркали қотишиша таркибада 7% титан ва танталь карбиди, 12% кобальт 81% вольфрам карбиди мавжуддир.

Минерало керамик материаллар Al_2O_3 (гекозен) оксадидан катта босим остида преслаш усули билан олинади. Термик ишлов берилгандан кейин бу қотишишманинг сиқилишига мустаҳкамлиги $500 \text{ кг}/\text{мм}^2$ қаттиқлиги HRA 89-95; оташбардошлиги 1200°C атрофида бўлади.

Кермитлар В3 - бу қотишиша мениралокерамикага металл корбидлари қўшилиб ўзаро метал боғловчилар билан боғланган бўлиб қовушқа ва турғунликка эгадир. Бу қотишишманинг мустаҳкамлиги $50-60 \text{ КГе}/\text{мм}^2$ ва юқорироқдир.

Алмазлар юқори қаттақлиги ейилишга чадамлилиги химиявий жиҳатдан активлиги ишқаланиш коэффициенти кичиклиги, кам ёпишқоқлига билан характерланади. Алмазлар юқори оташбардошлика (750°C гача) эга бўлиб ўтқир кесувчи кирра олиш имкониятини беради. Бу материалларнинг камчилиги таннархини қимматлиги ва эгилишга чидамлилиги ҳам ($30 \text{ КГе}/\text{мм}^2$) бўлишидир. Кесувчи асбоб тайёрлаш учун оғирлиги 0,31-0,85 карат олмос крисаллари ишлатилади. Бу кескичлар рангли металларни йўнишда қотишиша ва металмас материалларга ишлов беришда қўлланилади. Бор нитриди (элборгексонид) синтетик материаллар бўлиб олмос ўрнида

ишлатилади. Бу материаллар азот ва борнинг химиявий брикмасидан иборат бўлиб оташбардошлиги $120\text{-}1300^{\circ}$ тенг. Бу қотишка юқори мустаҳкамликка эга бўлган чўяянларни тобланган пўлатларни йўнишда ва фрезалашда қўлланилади.

Янги ўта қаттиқ материаллар таркиби ярим кристалл кўринишидаги синтетик олмос параоксида юқори температура ва босим таъсирида олинади.

Кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ўта қаттиқ материаллар институти Славутич деб номланган ўта қаттиқ материаллар кашф қилинган. Бу материалларнинг ейилишга чидамлилиги олмосга тенг бўлиб мустаҳкамлиги олмосга нисбатан юқорироқdir. Бу материалдан тўғирловчи қаламлар, роликлар, блоклар тайёрланади. Яқинда вольфрамсиз металлокерамик қотишмалар тайёрлаш технологияси яратилди. Бу материалларда (THM20, THM25 KTH20, KTH30) тайёрланган кесувчи асбоблар ферритли, никелли, мисс ва мельхиор каби материалларга ишлов беришда қўлланилади.

Конструкцион пўлатлар эса кескичларнинг тана қисмларини йифилувчи кескичларнинг корпусларини тайёрлаш учун қўлланилади. Бу мақсаддан асосан 40-45-50 маркали пўлат углеродли ва 45Х, 45ХН каби сифатли конструкцион пўлатлар ишлатилади.

2 – машғулот. Фанни ўқитиши технологияси:
“Токарлик кескичларининг конструкцияси ва геометрик параметрлари”
мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик харитаси

T/p	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1.Дарс мақсади: Кесувчи асбоб тайёрлаш учун қўлланиладиган материаллар ҳақида талабаларга тушунчалар бериш.</p> <p>1.2.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.2.1. Токарлик кескичларининг конструкциясини ва геометриясини ўрганади.</p> <p>1.2.2. Токарлик кескичларининг геометрик параметрларни ўлчашни билади.</p> <p>1.3.Асосий тушунча ва иборалар: Кескич, қотишка, киринди, кескич бурчаклари, кескич геометрияси.</p> <p>1.4.Дарс шакли: гурух ва микрогурухларда.</p> <p>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: амалий, кўргазмали, виртуал лаборатория.</p> <p>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, плакатлар, видеопректор, видеофильмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Машғулот бошланади, Токарлик кескичларининг конструкцияси ва геометрик параметрлари ҳақида тушунчалар берилади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гурухда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга материаллардан намуналар берилади.</p> <p>3.2. Талабалар бу материала қандай қотишмадан таркиб топганлигини аниқлайдилар.</p> <p>3.3. барча талабалар баҳс мунозараага киришади.</p> <p>3.4. Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p>	Ўқитувчи- талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қўйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Кескичнинг калла қисмида қандай элементлар мавжуд? 	Ўқитувчи, 15 минут

	<ul style="list-style-type: none"> Ишлов берилаётган заготовкада ундан қиринді ажратиб олиш жараёнида қандай юзалар намоён бўлади? Кескичнинг қандай бурчаклари мавжуд? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	
5	<p>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут


Иш мақсади: Токарлик кескичларининг конструкциясини ва геометриясини ўрганиш ва геометрик параметрларни ўлчаш.

Керакли жиҳозлар ва материаллар: Дарслик, маъруза матнлари, конспект дафтари, қалам, транспортёр, синган, ейилган ва ўтмаслашган кескичлардан наъмуналар.

Кескичлар (расм 1, а,б) иккита қисмдан иборат. Калла қисми – 2 ва танаси – 5. Кескич калла қисми ишчи қисми бўлиб танаси ёки ўзаги кескични дастгоҳ, кескич тутқичига ўрнатиш ва қотириш учун хизмат қиласи. Кескич ишчи қисми асбобсозлик пўлат. Металлокерамик қаттиқ қотишиша минералокерамика ёки олмослардан тайёрланалиши мумкин.

Кескич калла қисмida қўйидаги элементлар мавжуд: олдинги юза кесиши жараёнида кесиб олинаётган қиринді билан контактда бўлади: асосий ва ёрдамчи орқа юзалар (асосий – 3, ёрдамчи - 4). Ишлов берилаётган деталга қараган юзалар кесувчи қирралари олдинги ва орқа юзаларнинг кесишишдан ҳосил бўлади.

Кесувчи қирралар асосий кесиши жараёнида иш бажарувчи ва кесувчи қирраларга бўлинади. Асосий кесувчи ва ёрдамчи қирраларнинг кесишиш нуқтаси кескич чўққиси деб юритилади.




Кескич кесувчи қисмнинг формаси кесувчи қирраларнинг, олдинги ва орқа юзаларнинг шаклларига боғлиқ бўлади.

Юқорида қайд килинган юзаларнинг ва кесувчи қирраларнинг ўзаро жойлашиши кескич бурчаклари деб юритилувчи параметр ёрдамида аниqlанади.

Ишлов берилаётган заготовкада ундан қиринді ажратиб олиш жараёнида (шакл 2)

куйидаги юзалар намоён бўлади.

- 1 - ишланиши керак бўлган, қиринди кесиб олиниши керак бўлган юза;
- 2 - кескич юзаси, кескичнинг кесувчи қиррасини заготовкада ҳосил қилаётган юзаси;
- 3 - ишлов берилган қиринди олиб ташлангандан кейин ҳосил бўлган юза.



Расм – 2

Кескич бурчакларини аниқлаш учун қуийдаги текисликлар кординат юзалар қабул қилинган кесиш юзаси - 4, асосий юза - 5, асосий кесувчи текислик N-N (шакл - 3) ёрдамчи кесувчи текислик N1-N1 (шакл - 3).

Кесувчи текислик деб-кесиши текислигига уринма бўлиб асосий кесувчи қирра орқали ўтувчи текислика айтилади.

Асосий текислик деб, кўндаланг ва бўйлама буриш йўналишига паралел қилиб ўтказилган текислика айтилади.


Асосий кесувчи текислик (N-N шакл - 3) деб асосий кесувчи қирранинг асосий текислика туширилган проекциясига тик қилиб ўтказилган текисликка айтилада. Ёрдамчи кесувчи текислик.

(N1-N1 шакл - 3) деб, ёрдамчи қирранинг асосий текисликтаги проекциясига тик ўтказилган тешкислика айтилади.

Кескич бурчаклари икки хил ҳолатда аниқланади: турғун ҳолатда -статик бурчаклар, ёки кесиб ишлаш жараёнида - кинематик бурчаклар. Статик ҳолатдаги кескич бурчаклари кўриниши 3 чи шаклда келтирилган.

Кескичларда асосий ва ёрдамчи бурчаклари мавжуд. Асосий бурчаклар асосий кесиш текислигига (N-N) ўлчанилади. Бу бурчакларга: асосий орқа бурчак α - асосий орқа текислик билан кесиш текислиги орасидаги бурчак: ўткирланиш бурчаги β асосий орқа ва олдинги юза орасидаги бурчак: олдинги бурчак γ кескич олдинги юзаси билан кесишиш текислигига тик қилиб ўтказилган текисликлар орасидаги бурчак: кесишиш бурчаги – олдинги юза билан кесишиш текислиги орасидаги бурчаклар киради.

Шакл 3 дан кўринадики агар олдинги бурчак γ нинг қиймати мусбат бўлиб бурчаклар орасидаги қуийдаги боғланиш мавжуд бўлади.



Расм – 3

$$\alpha + \beta + \gamma = 90^0 \quad (1)$$

$$\delta = \alpha + \beta \quad (2)$$

$$\delta + \gamma = 90^0 \quad (3)$$

$$\delta = 90 - \alpha \quad (4)$$

α - манфий қийматда.

$$\delta = 90^0 + \alpha \quad (5) \text{ бўлади.}$$


Кескичнинг ёрдамчи бурчаклари ёрдамчи кесувчи текислик (N_1-N_1) бўйлаб ўлчанади. Ёрдамчи орқа бурчак деб ёрдамчи орқа юза билан асосий текислик ёрдамчи кесувчи қиррадан тик туширган текисликлар орасидаги бурчакка айтилади. Яъни ёрдамчи орқа бурчак α_1 , ёрдамчи кесиши бурчаги γ_1 , ўткирланиш бурчаги β_1 лар мавжуддир.

Пландаги бурчаклар асосий текислиқда ўлчанади. Пландаги асосий бурчак γ деб заготовканинг айланиш ўқи билан асосий кесувчи қирранинг асосий текислиқдаги орасидаги бурчакка айтилади. Пландаги ёрдамчи бурчак γ_1 деб ёрдамчи кесувчи қирранинг асосий текислиқка проекцияси билан суриш йўналиши орасидаги бурчакка айтилади. Кескич чуққисидаги бурчак ε - деб асосий ва ёрдамчи кесувчи қирранинг асосий текислиқда проекциялари орасидаги бурчакка айтилади.

Пландаги бурчакларнинг йигиндиси 180^0 teng. Яъни


$$\varphi + \varphi_1 + \varepsilon = 180^0 \quad (6)$$

Асосий кесувчи қирра билан қиялик бурчаги деб кесувчи қирра билан кескич чуққисидан асосий текислиқка параллел ўтказилган текисликлар орасидаги бурчакка айтилади расм 4.




Бу бурчак кесиши текислиги бўйлаб ўлчанади. Агар кескич чуккиси кесувчининг энг пастки нуқтасида бўлса (расм 4 а) бурчак мусбат. Юқори нуқтасида бўлса (расм 4 в) манфий қимматга эга бўлади. Агар кесувчи қирра асосий текисликка параллел жойлашган бўлса, $λ$ - бурчаги нольга teng бўлади (расм 4 б).

Кескич орқа бурчагини (расм 6 а), олдинги бурчагини (расм 6 б) ва кесувчи



киррасининг қиялик (расм 6 в) бурчакларини ўлчаш схемаси.

Ўлчаш ва ҳисоблаш натижасида аниқланилган бурчак қимматларига асосланиб кескич ишчи қисмининг эскизи чизилади.



Адабиётлар

1. С.Б. Егоров А.Т. Черняков – Конструкцион материалларни кесиб ишлаш ва

кесувчи асбоблар. Изд. «Олий таълим» 1975 г. 4 бет.

**3 – машғулот. Фанни ўқитиши технологияси:
“Пармаларнинг конструкцияси ва геометрик параметрлари” мавзусидаги
лаборатория машғулотининг технологик харитаси**


Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вакт
1	Тайёрлов босқичи: 1.7.Дарс мақсади: Пармаларнинг геометрик параметрлари ва конструкцияси ҳақида талабаларга тушунчалар бериш. 1.8.Идентив ўқув мақсадлари. 1.8.1. Пармаларнинг геометрик параметрлари ва конструкциясини ўрганади. 1.8.2. Спиралсимон парканинг асосий элементрлари ва геометрик параметрларини билади. 1.9.Асосий тушунча ва иборалар: Парма, спирал парма, кирра орасидаги бурчак, кескич бурчаклари, парма геометрияси. 1.10.Дарс шакли: гурух ва микрогуруухларда. 1.11.Фойдаланиладиган метод ва усувлар: амалий, кўргазмали, виртуал лаборатория. 1.12.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, плакатлар, видеопректор, видеофильмлар.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон килинади. 2.2. Машғулот бошланади, Пармаларнинг геометрик параметрлари ва конструкцияси ҳақида тушунчалар берилади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гурухда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга материаллардан намуналар берилади. 3.2. Талабалар бу материала қандай қотишмадан таркиб топганлигини аниклайдилар. 3.3. барча талабалар баҳс мунозарага киришади. 3.4. Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниклаш учун қуидаги саволлар берилади: <ul style="list-style-type: none"> • Парма деб нимага айтилади? • Парманинг неча хил қирралари мавжуд ? • Парма параметрларини ўлчаш учун қандай ўлчов асбобларидан фойдаланилади? 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулотини яқунилаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Иш мақсади: Парма геометриясини, конструкциясини ва геометрик параметрларини ўрганиш. Спиралсимон парканинг асосий элементрлари ва геометрик параметрлари.

Керакли жиҳозлар ва материаллар: Дарслик, маъруза матнлари, конспект дафтарни, қалам, транспортёр, синган, ейилган ва ўтмаслашган пармалардан наъмуналар.

Спирал парма яхлит материалларда ўтувчи ва боши берк тешиклар тешиш, аввалдан мавжуд тешикларни кенгайтириш учун фойдаланилади. Бундай – пармаларнинг ишлаш принципи расм I да кўрсатилган. Тешиш жараёнада парма ўз ўки атрофида айланма, бу ўқ бўйлаб бўйламига ҳаракат қиласиди.


Детал /2/ эса дастгоҳ столида /1/ кўзғалмас қилиб қотирилади. Токарлик ва револьвер дастгоҳларида эса парма илгарилана ҳаракат қиласиди. Детал эса айланади.




Расм – 1

Спираль парма (расм 2), ишчи қисми - ℓ , бўйини ℓ_1 , қуйруқ қисми ℓ_2 ва лапка - ℓ_3 лардан иборат.

Парманинг қуйруқ қисми цилиндр формали қилиб тайёрланиб, бу қисми билан дастгоҳ патронига ўрнатиш ва қотириш учун хизмат қиласиди. Бу типдаги пармаларнинг диаметри $D=10$ мм гача бўлади.



Спирал парманинг кесувчи қисмини асосий элементлари қуидаги расм 3 да кўрсатилган.



Расм - 3

Парма кесувчи қисми кккита парма ўқига нисбатан симметрик жойлашган АВ ва ЕС кесувчи қирра, күндаланг қирра ЕС, винтсимон чизиқча бўйлаб жойлашган иккита ёрдамчи кесувчи қирралар АК ва Е ℓ дан иборат.

Пармани ишлаш жараёнида тешик деворларига ишқаланиши камайтириш мақсадида унинг ишчи қисмидаги парма диаметрига тент қилиб жилвирланган лента f - колдирилади.

Парманинг иккита асосий кесувчи қирраси орасидаги бурчак парма чўққисидаги бурчак 2φ деб юриталада ва унинг қиймати $118-120^\circ$ атрофида бўлади. Күндаланг кесувчи қирранинг қиялик бурчаги ψ күндаланг ва асосий кесувчи қирраларни парма ўқига тик қилиб ўтказилган текислиқдаги сояларнинг оралиғидаги қиймат билан характерланади.

Парма тўғри чархланган бўлса, бу бурчак $\psi=50-50^\circ$ атрофида бўлади.

Парма винтсимон ўйиқнинг кўтарилиши парма ўқи билан унинг винтсимон чизигини ташқи диаметрга ўтказилган уринманинг сояси оралиғидаги бурчак қиймати (ω) билан аниқланади.

Бу бурчак олдинги бурчак α - нинг қийматини ва қириндини олдинги юза бўйлаб чиқиш шароитини характерлайди.

Спирласимон пармаларда ишчи қисми күндаланг кесувчи қирра ВС ва туташиш чизигининг /пермичса/ қалинлиги h - мавжуддир, /расм 3/. Асосий кесувчи қирра олдинги юза 1 ва орқа юза 2 ларнинг кесишидан ҳосил бўлади.

Спиралсимон пармаларнинг кесувчи қирра бурчаклари кўйидаги текисликларда ўлчанилади:

1. Асосий кесувчи қиррага тик йўналишда кесувчи қирранинг 1, 2, 3 нуқталари орқали ўтказилган $N_1N_1; N_2N_2; N_3N_3$ кесмалар бўйлаб;

2. 1, 2, 3 нуқталардан ўтувчи, парма ўқига параллел ва унинг айланишидан ҳосил бўлган доирага ўринма қилиб ўтказилган $O_1O_1; O_2O_2; O_3O_3$ текисликларда (расм 4).

Парманинг асосий олдинги бурчаклари $\gamma_1; \gamma_2; \gamma_3$ лар асосий кесувчи қиррага тик йўнилган текисликлар $N_1N_1; N_2N_2; N_3N_3$ да жойлашган.

Асосий олдинги бурчак деб, кесувчи қирранинг бирор нуқтасидан парма олдинги юзасига уринма қилиб ўтказилган текислик билан, ўша нуқта орқали парма кесувчи қиррасининг айланишидан ҳосил бўлувчи юзага тик қилиб ўтказилган текисликлар орасидаги бурчакка айтилади.

Тубандаги расм 4-да олилган 1,2,3 нуқталарга мос келувчи бурчак қийматлари $\gamma_1; \gamma_2; \gamma_3$ лар ифодаланган.

Олдинги бурчаклар $\gamma_1; \gamma_2; \gamma_3$ бурчаклар парма ўқига параллел ва 1, 2, 3 нуқталардан парма ўқи атрофида айланиши туфайли ҳосил бўлувчи доирага уринма $O_1O_1; O_2O_2; O_3O_3$ текисликларда тасвирланган. Бу бурчаклар бир вақтда парма винтсимон ўйиқнинг кўтарилиш бурчагидир. Яъни

$$\gamma' = \omega_1; \quad \gamma'' = \omega_2; \quad \gamma''' = \omega_3;$$

Расм 5-да P_1, P_2, P_3 диаметрлари бўйича ёйилмаси келтирилган.

Абцисса ўки бўйлаб эса винт чизигининг қадами /Н/ қўйилади. Расм 5 га асосан γ' бурчаги учун

$$tg \gamma_1 = tg \omega_1 = \pi D_1 / H \text{ деб (1)}$$

ёзиш мумкин.

Бу ерда D - парма ташқи диаметри мм да;

H - парма винтсимон чизигини қадами

$$tg \alpha_x' = tg \alpha' (P + D_1) \text{ (2)}$$

α_x' - кесувчи қирранинг парма ўқига паралел текисликда олинган ихтиёрий нуктасига мос келувчи олдинги бурчак қиймати, градда.

$\alpha' = 0_1 O_1$ - текисликдаги олдинги бурчак қиймати.

D_x - ихтиёрий танланилган нуктадаги парма диаметри, мм да.

D_1 - парма ташқи диаметри, мм да.

Олдинги бурчак асосий кесувчи $N_1 N_1$ - текисликда қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$tg \alpha_1 = \frac{tg \alpha'}{\sin \varphi}$$

бу ерда $\alpha' = \omega$: φ - пландаги бурчак.

Асосий кесувчи текисликда олдинги бурчакнинг қуйидага формула орқали ҳисобланади.

$$tg \alpha_x' = \left(\frac{tg \alpha'}{\sin \varphi} \right) \left(\frac{D_x}{D_1} \right) \text{ (4)}$$

Бу ерда $\alpha' O_1 O_1$ - текисликдаги олдинги бурчак, градда.

α - парма чўққисидаги бурчакнинг ярими, градда

D_x - парма диаметри, мм да.

D_1 - парма сиртқи диаметри, мм да.

Парманинг асосий орқа бурчаклари γ_1 ; γ_2 ; γ_3 /расм 4/ парма орқа юзасига 1,2,3 нукталар орқали уринма қилиб ўтказилган уринма текислик билан ўша нукталардан парма ўқига тик қилиб текисликлар орасида жойлашган.


БУРАМА ПАРМА ПАРАМЕТРЛАРИНИ ЎЛЧАШ

Парма параметрларини ўлчаш учун қуйидаги ўлчов асбобларидан фойдаланилади: универсал углер; штангекциркуль; микрометрлар; орқа бурчак қийматини ўлчовчи маҳсус асбоблар.

Парма диаметрлари штангенциркуль орқали ўлчанилади. Унинг қўйруқ қисмининг диаметрини ўлчаш орқали парма конус қисмининг қиялик бурчагининг аниқлаш мумкин,

$$\text{яъни } \varphi_1 = \alpha \operatorname{arctg} \left[\frac{(D_1 - D_2)}{2\ell} \right] \text{ (5)}$$

- парма чўққисидан масофада ўлчанилган парма диаметрларнинг teng қийматдир. ($\ell = 100 \text{мм}$)



Расм – 7

Парма чўққисидаги бурчак 2ϕ - нинг қийматини ўлчаш расм 7 да кўрсатилган.

Винт чизигининг кўтарилиш бурчагини пармани қоғозда айлантириш туфайли ҳосил қилинган парма изи орқали аниқланади. Олдинги асосий бурчак билан парма диаметри орасидаги боғланиш жадвалини ясаш учун 4-чи формуладан фойдаланилади. Бу формула ёрдамида парманинг кесувчи қирраси бўйлаб ўлчаш учун танланилган учта нуқтага мос келувчи қийматлар аниқланади:

I. Парма қиррасининг энг қуи нуқтаси;

2. Парма ўқидан 2-3 мм масофада ва парма диаметрининг ўрта размери учун.

Асосий кесувчи текислик бўйлаб нуқтадаги кесиш бурчаги $\delta = 90^\circ - \alpha_1$ га teng бўллади.

Парма кесувчи қиррасининг ҳар-хил нуқтасига мос келувчи орка бурчак қийматини аниқлаш учун формулас (4) асосида чизилган графикдан эгри чизикка уринма текисликлар ўтказиб, X ва Y ўқларидаги қийматлар аниқланади (Расм 8).

Изланаётган бурчак қиймати қуидаги формула орқали хисобланади.

$$\operatorname{tg} \alpha_x = (7,5 / D_x) \cdot (y_x x_1) \quad (7)$$

бу ерда $7,5$ – доимий сон;

y_1 – ордината, X_1 – абцисса, ммда, D_x – парма диаметри, ммда. Формула (7) ёрдамида аниқланган қийматлар асосида парма орка бурчагининг диаметрига боғлиқ ҳолда ўзгариш жадвалини ясалади (расм 9).

АДАБИЁТЛАР

1. С.Б. Егоров, А.Г. Червяков – конструкцион материалларни кесиб ишлаш ва кесувчи асбоблар. Лаборатория ишларидан практикум. «Олий мактаб» 1975 й.

2. Б.Л. Борисов – Кесиб ишлаш бўйича лаборатория практикуми. Машгиз. 1953 й. Киев.

4 – машғулот. Фанни ўқитиши технологияси:

“Фрезаларнинг конструкцияси ва геометрик параметрлари” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вакт
1	Тайёров босқичи: 1.7.Дарс мақсади: Фрезаларнинг конструкцияси ва геометрик параметрлари ҳақида талабаларга тушунчалар бериш.	Ўқитувчи

	<p>1.8.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.8.1. Фрезаларнинг конструкцияси ва геометрик параметрлари ҳақида билади.</p> <p>1.8.2. Фрезаларнинг тузилиши, геометрик параметрларини ўрганиш ва ўлчаш билан танишади.</p> <p>1.9.Асосий тушунча ва иборалар: Фреза, цилиндрик фреза, фасон юза, торец фреза.</p> <p>1.10.Дарс шакли: гурух ва микрогуруухларда.</p> <p>1.11.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: амалий, кўргазмали, виртуал лаборатория.</p> <p>1.12.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, плакатлар, видеопроректор, видеофильмлар.</p>	
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Машғулот бошланади, Фрезаларнинг конструкцияси ва геометрик параметрлари ҳақида тушунчалар берилади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гурухда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга материаллардан намуналар берилади.</p> <p>3.2. Талабалар бу материала қандай қотишмадан таркиб топганлигини аниқлайдилар.</p> <p>3.3. барча талабалар баҳс мунозара гиришини текширилади.</p> <p>3.4. Умумий холосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Фрезалар фрезер дастгоҳларида қандай ишларни бажаришда қўлланилади? • Фрезанинг орқа бурчаги қандай асбоб ёрдамида ўлчанилади? • Орқа бурчакни ўлчаш қандай тартибда олиб борилади? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириклари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласида ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Иш мақсади: Фрезаларнинг тузилиши, геометрик параметрларини ўрганиш ва ўлчаш.


Керакли жиҳозлар ва материаллар: Дарслик, маъруза матнлари, конспект дафтари, қалам, транспортёр, синган, ейилган ва ўтмаслашган фрезалардан наъмуналар.

Фрезалар фрезер дастгоҳларида қуйидаги ишларни бажаришда қўлланилади: Текис юзаларни хомаки ва тозалаб фрезлаш; ортиқча ўйиш; металларни бўлакларга бўлиш; фасон юзаларга ишлов бериш в.х.

Фрезаларнинг энг оддий типии цилиндрик фреза бўлиб, асосан текис юзаларни фрезалашда ишлатилади.

Цилиндрик фрезанинг ишлаш схемаси расм – 1 да кўрсатилган: фреза 1 справкага шпонка оркали кийдирилиб, ўз ўқи атрофида айланма ҳаракат қиласида. Ишлов бераётган деталь 2 эса илгариланма ҳаракат қиласида.


Кесиши жараёнида фрезанинг бир маротаба ўтиш вақтида олинаётган қатлам қалинлиги t – ҳарфи билан белгиланади ва кесиши чукурлиги деб юритилади.



Расм – 1

Цилиндрик фреза – цилиндрик формадаги тана қисмидан иборат бўлиб, сиртқи юзасидан қиринди чиқиш учун ўйилган винтсимон ориқчалардан ва кесувчи қиррали тишлар ўйилган бўлади (расм 2). Кесувчи қирраларни винтсимон қилиб ўйилиши фрезанинг текис ишлашини таъминлайди ва урилиб, тебранишни камайтиради.

Кесувчи қирранинг қиплик бурчаги ω - ҳарфи билан белгиланиб фреза ўқи билан винтсимон линияга ўринма қилиб ўтказилган текислик орасидаги қиймат билан характерланади.




Расм 2

Расм – 2

ФРЕЗА ГЕОМЕТРИК ПАРАМЕТРЛАРИНИ ЎЛЧАШ

Фрезаларнинг геометрик ва конструктив элементларини ўлчашда, ўлчаш линейкалари, универсаль бурчак ўлчагич, штангенциркуль ва фреза тореци текислигидаги орқа ва олдинги бурчакларни ўлчаш қўлланиладиган асбоблардан фойдаланилади.

Куйидаги расм 5 да Бабсиницер конструкцияланган асбоб ёрдамида фреза орқа бурчагини ўлчаш кўрсатилган.



Ўлчаш қуидаги тартибда олиб борилади.

1. Фрезанинг кесувчининг қирралари 1 ва 2 га ўлчаш асбобини шундай жойлаштириш керакки бу ҳолда, ўлчанилаётган тишнинг тиги планка 3 ва тиг 6 ларнинг қуилиши туфайли ҳосил бўлган бурчак учига тирагиб, асбобнинг торец қисми фреза ўқига тик йўналган бўлиши керак;
2. Асбобнинг характерланувчи қисми 4 ни асбоб ўлчаш текислиги 3 фреза орқа юзасига тирагунча буралади.
3. 4 – секторнинг градусли шкаласидан олдинги бурчак қиймати хисобланилади.

Бу қиймат шкаладаги ноль қийматга ва 5 шкаладаги фреза тишлар сонига мос бўлган штрихлар орасидаги миқдордан иборат бўлади.

Масалан: расм 5 а да.

$\alpha_1 = 26$ Фреза тишлари: $z=18$

Фреза олдинги бурчагини ўлчаш қуидаги тартибда олиб борилади:

1. Иккита ёнма – ён жойлашган фреза тишларининг қиррасига ўлчаш асбобини шундай жойлаштириш керак – ки, бу ҳолда фрезанинг кесувчи қирраси ўлчаш текислигида тиг 1 ва планка 2 лар ҳосил қилган бурчакка тирагиб, асбоб торец қисми эса фреза ўқига тик йўналган бўлиши керак (расм 5 б);
2. Асбоб суриловчи секторини (3) ўлчаш тиги 1 фреза олдинги юзасига тирагунча олиб келинади;
3. 5 – сектор шкаласидан олдинги бурчак қиймати аниқланилади, бу қиймат градус шкала 3 – чи штрих билан 4 шкаладаги фреза тишлар сонига мос келувчи штрих орасидаги ёй миқдори билан характерланади, яъни расм 5 б дан кўринадики $z = 18$ бўлган фреза учун $\gamma=10^0$ га тенг экан.

Асосий кесиш текислигида фреза олдинги бурчаги қуидаги формула орқали хисобланади:

$$\operatorname{tg} \alpha = \operatorname{tg} \alpha_1 \cdot \cos \omega$$

Кесиг бурчаги эса: $\delta = 90^0 - \alpha$ га тенг бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. С.В.Егоров, А.Г.Червяков – Конструкцион материаллар кесиб ишлаш ва кесувчи асбоблар. Нашриёт. Москва «Олий таълим». 1975 й.

**5 – машғулот. Фанни ўқитиши технологияси:
“Кесувчи асбобнинг ейилиш ва унга таъсир этувчи омиллар” мавзусидаги
лаборатория машғулотининг технологик харитаси**

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1. Дарс мақсади: Кесувчи асбобнинг ейилиш ва унга таъсир этувчи фактроверлар ҳақида талабаларга тушунчалар бериш.</p> <p>1.2. Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.2.1. Кесувчи асбобнинг ейилиш ва унга таъсир этувчи фактроверларни ўрганади.</p> <p>1.2.2. Кесувчи асбобнинг ейилиши ва унга таъсир этувчи омилларни билади.</p> <p>1.3. Асосий тушунча ва иборалар: ўсимта, совутиш ва мойлаш суюқликлари.</p> <p>1.4. Дарс шакли: гурӯҳ ва микрогурӯҳларда.</p> <p>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуслар: амалий, кўргазмали, виртуал лаборатория.</p> <p>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, плакатлар, видеопроректор, видеофильмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Машғулот бошланади, кесувчи асбобнинг ейилиши ҳақида тушунчалар берилади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гурӯҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга материаллардан намуналар берилади.</p> <p>3.2. Талабалар бу материала қандай қотишмадан таркиб топганлигини аниклайдилар.</p> <p>3.3. барча талабалар баҳс мунозарага киришади.</p> <p>3.4. Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниклаш учун қуидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Кесувчи асбобнинг ейилиши қандай жараён? • Қандай ейилишга алгезия ейилиши дейилади? • Қандай ейилишга абрезив дейилади? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириклари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Иш мақсади: Кесувчи асбобнинг ейилиши ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш.

Керакли жиҳозлар ва материаллар: Дарслик, маъруза матнлари, конспект дафтари, токарлик дастгохи, кесувчи асбоб, заготовка.

Кесувчи асбобнинг ейилиш кескич билан ишланилаётган заготовка орасидаги контакт юзаларда ҳосил бўлувчи мураккаб жараёнда иборат.

Ишлов бериш жараёнида кесувчи асбобнинг ейилиши кесувчи асбоб геометриясига, унинг олдинги ва орқа юзасидан ҳолатини ўзгаришга, кесиб ишланилаётган материал юзасини эластик ва пластик деформацияланишга, ишлов берилаётган юза сифатига ва кесиш зонасидаги ҳосил бўлаётган иссиқлик миқдорига катта таъсир кўрсатади.

Кесувчи асбоблар кесиш шароитига боғлиқ ҳолда қуидаги кўринишларда ейилиши мумкин: адгезияли, абрезив, абрезив – химиявий, диффузион.

Алгезияли ейилиш – бу турли ейилиш, кесиш жараёнида кескичнинг олдинги ва орқа юзаларини қиринди ва заготовкага ишқаланиш туфайли содир бўлувчи адгезия таъсирида кескич юзаларидан майда – майда заррачаларини йўналиши натижасида ҳосил бўлади.

Абрезив ейилиш – бу ейилиши кесувчи асбоб таркибидаги мавжуд бўлган қаттиқ заррачаларни кескичнинг ишқаланиш юзаларини тирнаши туфайли ҳосил бўлади. Бу ҳолда кескич материали таркибидаги ҳар бир қаттиқ қўшилмани кичик – кичик кескич сифатида фараз қилиш мумкин.

Бу кўринишдаги ейилишга ишлов бераётган материал таркибидаги карбидлар, оксидлар, кўйма қобиғлар, углеродсизланган қатламлар катта таъсир кўрсатади.

Абразив ейилиш миқдорига ишлов берилаётган муҳит ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Масалан: хлор – углеродли муҳитда кесиб ишлаш жараёнида ўсимта ҳосил бўлмайди, лекин кескич орқа юзасидан образив заррачанинг изига ўхшаш тирналган чизиқларни кўриш мумкин. Бу излар химиявий актив муҳит таъсирида бўшашган кесувчи асбоб юзасидаги юпқа окис пленканинг тўхтовсиз тирналишининг оқибатидир. Бу пленкалар таркиби темирнинг хлорли бирикмасидан иборат бўлиб, осон қирқилади. Бу ейилишга химиявий образив ейилиши деб юритилади.

Диффузион ейилиш юқори температураларда кескич материали билан кескич орасидаги ўзаро диффузия таъсирида юзага келади.

Кесувчи асбобнинг ейилиши кесиш шароитига боғлиқ ҳолда турлича намоён бўлиши мумкин. Амалда қуидаги ҳолатлар кузатилади:

1. Кесувчининг асбоб фақат орқа юзаси бўйлаб ейилади. (расм 1 а). Бу холл мўрт материалларни йўниш кесиш чуқурлиги $t = 0,1$ дан кичик бўлган шароитда намоён бўлади.

Бу кўринишдаги ейилиш кескич орқа юзасидаги ейилган майдон кенглиги билан ифодаланади.

2. Кесувчи асбоб асосан олдинги юзаси бўйлаб ейилади. (расм 1 б).


Бу кўринишдаги ейилиш қовушқоқ материалларни 9,5 мм қалиқда кесиш жараёнида ҳосил бўлади.

Кескич олдинги юзасидаги ейилиш параметри ейилиш чуқурлиги h_Λ , кенглиги b , узунлиги ℓ_Λ ва боғловчи қисм билан характерланади. (расм 1 в).

Олдинги юза бўйлаб ейилиш, асосан ўсимта мавжуд бўлганда содир бўлиб, f – нинг қиймати нольга teng бўлганда тўла емирилади.

3. Бир вақтда кескичнинг олдинги ва орқа юзаси бўйлаб ейилиши (расм 1 б) пластик материалларни 0,1 – 0,5 мм қалинликда кесиш жараёнида ҳосил бўлади.

4. Пластмассаларни, қовушқоқ материалларни тозалаб йўнишда кескич кесувчи кирраси маълум радиусли формада ейилади. Расм 1 а, б, в.



Расм. 1 а, б, в.

Кесувчи асбобнинг ейилиши билан унинг ишлаш вақти орасидаги боғланиш расм 2 да ифодаланган.

Расмдаги графикдан кўринадики кесувчи асбобнинг вақт бирлиги ичida ейилиши III даврга бўлинади.

I – давр, бошлангич ейилиш даври. Бу даврда асосан кескич юзаларидаги нотекисликлар ейилиб текисланади. Бу даврда кескич юзаси қанчалик текис бўлса, эгри чизиқнинг кўтарилиш бурчаги шунча кичик бўлади.

II – давр, нормал ейилиш даври. Бу даврда ейилиш эгри чизигини аста – секин кескичнинг ишлаш вақтига пропорционал равишда кўтарилиб бориши билан характерланади.

Иккинчи даврдаги ейилиш чизигини қуйидаги tenglama билан ифодалаш мумкин.

$$h = kt + h_0$$

бу ерда: h – ейилиш ўлчами, мм да;


$k = \operatorname{tg} \alpha$ - бурчак коэффициенти;

α - тўғри чизик билан абцисса ўқи орасидаги бурчак;

t – кескичнинг ишлаш вақти;


h_0 - бошлангич ейилиш, мм да.

III – давр катострофик ейилиш даври. Бу даврда кесиш температураси бирданига ортиб кетади ва кескичнинг ейилиши жадаллашади. Натижада қисқа вақт ичida кескич кесувчи қисми бутунлай емиралиди.



Расм 2

Кесувчи асбобнинг ейилиши олдинги юзадаги ўйик размерлари ёки орқа юзадаги фаска h_3 қиймати билан ўлчанилади (расм 3).



Расм 3

Ишлов берилаётган материалга нисбатан нормал йўнишдаги ейилиш қиймати кескичнинг размерли ейилиши деб юритилади, бу ейилиш II – II кесим текислигига ўлчанади ва кескичнинг заготовка юзаси бўйлаб босиб ўтган масофаси билан характерланади (кесиш масофаси L мм да). Кесиш масофасини суриш катталигига кўпайтмаси ишлов берилган юза ҳажмини ифодалайди, яъни:

$$U = S \cdot (L)$$

КЕСИШ ЖАРАЁНИДАГИ ОМИЛЛАРНИ КЕСКИЧ ЕЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ

Кесувчи асбобнинг ейилишга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1. Кескич ва ишлов берилаётган материал тури;
2. Кесиш режимининг элементлари;
3. Кесувчи асбобнинг геометрияси;
4. Кесувчи асбобнинг юза тозалиги;
5. Ўсимта;
6. Совутиш ва мойлаш суюқликлари.

Қовушқоқ материалларни кесиб ишлашда кескичлар орқа юзасига нисбатан олдинги юзаси бўйича кўпроқ ейила бошлайди. Ишлов берилаётган материалнинг

мустаҳкамлиги ортиб боради. Натижада кесувчи асбобнинг ейилиши ортади.

Кесиши режимлари кескич ейилишига қуидагича таъсир этади:

Кесиши тезлиги ортиб бориши билан кескичининг ейилиши ҳам ортиб боради. Суриш катталиги ва кесиши чуқурлиги кескич ейилишига тезликка ортиб бориши билан контакт юзаларда ҳосил бўлувчи ҳарорат миқдори суриш катталиги ва кесиши чуқурлигини ортишига нисбатан жадалроқ орта бошлади.

Юқори тезликларда кесиши жараёнида кескич олдинги юзасида ўсимта ҳосил бўлмаслиги оқибатида кескичининг кесиши чуқурлигини миқдорига боғлиқ ҳолда олдинги (киринди қалин бўлганда) ёки орқа юзаси (кичик қалинликда) бўйича ейила бошлади. Бунга сабаб қиринди қалинлиги ортиб бориши билан кескич олдинги юзасига таъсир этаётган босим натижасида ҳарорат ортиб боради, бу эса ўз навбатида бу эса бўйича ейилиш ортишига олиб келади.

Кесувчи асбобнинг геометрик параметрлари кескич ейилишига қуидагича таъсир этади:

Олдинги бурчак қийматини маълум чегарагача ортиб бориши билан кескич ейилиши сустлашиб боради, бурчак қийматини янада ортиб бориши кескич ишчи қисмини кўндаланг кесим юзасини кенгайиши натижасида контант юзаларда ҳароратнинг ортиши хисобига ейилиш яна орта бошлади.

Кескич орқа бурчагининг камайиб бориши кескич орқа юзаси билан заготовка орасидаги ишқаланиш коэффициенти ортиши натижасида кескичининг ейилишини жадалланишига олиб келади.

Кесувчи асбобнинг юза тозалиги ортиб бориши билан унинг ейилиши камайиб боради, бунга сабаб кескич билан қиринди ва заготовка контакт юзаларидағи ишқаланиш коэффициентини камайишидир.

Кескич олдинги юзасидан ҳосил бўлувчи ўсимта кескични орқа юзаси бўйича ейилишини камайтиради, аммо олдинги юзасида ҳосил бўладиган ўйик параметрларини ортишига олиб келади. Бунга сабаб қиринди материалини кескич чўққисида ҳосил бўлувчи ўсимта билан илашишни ортиши туфайли, қириндини ҳаракатини секинлашишидир

Совутиш ва мойлаш суюқликлари кесиши жараёнида контакт юзалардаги ишқаланиш коэффициентини камайтиради, натижада қиринди ҳосил бўлиш жараёни осонлашди, ейилиш камаяди.

КЕСИШ ТЕЗЛИГИНИ КЕСКИЧ ТУРҒУНЛИГИГА ТАЪСИРИ

Тадқиқот қилиш жараёнларида, муайян шароитда кесиши тезлиги билан унинг турғунлиги орасидаги боғланиш маълум бирор коэффициент А орқали ифодаланади, яъни:

$$v = \frac{A}{T^m}$$

Бу ифоданинг график кўриниши расм 5 а да кўрсатилган. Графикдан кўринадики, кесиши тезлиги билан унинг турғунлиги орасидаги боғланиш экстремаль характерга эга бўлиб, унинг ўнг томони гипероолоид эгри чизиқдан иборатдир. Бу эгри чизиқ иккиласми логорифмик координаталар сисмавзусида тўғри чизиқ холатида кўринади. (расм 5 б).

$$v = \frac{A}{T^m}$$

тенглама логарифмлангандан кейин:

$$\lg v = \lg A - m \lg T$$

кўринишга эга бўлади.


Ейилиш эгри чизиғини ясаш учун керак бўлган экстремал бирликларни аниқлаш ва $v = \frac{A}{T^m}$ формулани ҳосил қилиш учун муайян шароитда 5 – 6 хил тезликлар танлаб

олинади.

Кесувчи асбобнинг умумий турғунлиги деганда кескичнинг тўла емирилгунча бўлган даврдаги турғунлиги тушунилади. Яъни бу даврнинг охирида кескичнинг чархлаш бефойдадир. Чунки бу вақтда пластинкани кескич танасига ўрнатилиши мустахкам бўлмайди.

Агар кескич турғунлиги T ҳарфи билан белгиласак, у ҳолда кескични умумий турғунлиги $\sum KT$ га тенг бўлади.

Бу ерда: K – чархлаш сони.



Расм 5 а, б.

6– машғулот. Фанни ўқитиш технологияси:

“Кесиши жараёнида ҳосил бўлувчи кучлар ва кучлар микдорига таъсир этувчи факторларни ўрганиш” (Қиринддининг чўкиши ва унга таъсир этувчи омиллар) мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик харитаси


Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1. Дарс мақсади: Қиринддининг чўкиши ва унга таъсир этувчи омиллар хақида талабаларга тушунчалар бериш.</p> <p>1.2. Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.2.1. Қиринддининг чўкиши ва унга таъсир этувчи омиллар хақида ўрганади.</p> <p>1.2.2. Қиринддининг чўкиши ва унга таъсир этувчи омиллар хақида билади.</p> <p>1.3. Асосий тушунча ва иборалар: пухталаниш, пластик деформация, кесиб олинаётган қатлам.</p> <p>1.4. Дарс шакли: гурух ва микрогурухларда.</p> <p>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: амалий, кўргазмали, виртуал лаборатория.</p>	Ўқитувчи

	1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, плакатлар, видеопректор, видеофильмлар.	
2	Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Машғулот бошланади, Қириндининг чўкиши ва унга таъсир этувчи омиллар хақида тушунчалар берилади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гурухда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга материаллардан намуналар берилади. 3.2. Талабалар бу материал қандай қотишмадан таркиб топганлигини аниқлайдилар. 3.3. барча талабалар баҳс мунозара га киришади. 3.4. Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.	Ўқитувчи- талаба, 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: <ul style="list-style-type: none"> • Қиринди деб нимага айтилади? • Қиринди қандай жараёнда ҳосил бўлади? • Қириндининг неча хил тури бор? 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулотини якунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Иш мақсади: Йўниш жараёнида кесиб олинаётган қатламнинг деформацияланишини кузатиш. Қиринди турларини аниқлаш, қириндининг чўкишига кесиш тезлиги, суриш катталиги ва олдинги бурчак қийматининг ўзгаришини таъсирини текшириш.

Керакли жиҳозлар ва материаллар: Дарслик, маъруза матнлари, конспект дафтари, токарлик дастгохи, кесувчи асбоб, заготовка, хар хил қириндилардан намуналар.

Материалларни кесиб ишлаш жараёнида ҳосил бўлаётган иссиқлик микдори, контакт юзалари орасидаги ишқаланиш ва кесиш кучлари таъсирида кесиб олинаётган қатлам эластик ва пластик деформацияланади, яъни сиқилади. Сиқилиш жараёни чўзилиш жараёнига ўхшаш бўлиш қонуниятларини чўзилиш диаграммалари орқали кузатиш мумкин.



Расм 1

Диаграммадан кўринадики, оа – оралиқда намуна эластик деформацияланади.

Бу деформация қайтма характерга эга бўлиб, куч таъсири олингандан кейин намуна ўзининг аввалги ҳолатини эгаллади.

Намунага таъсир этаётган куч миқдорининг ортиб бориши билан намуна пластик деформацияланади. Куч миқдори маълум қийматга етгандан кейин унинг қиймати ортмаса ҳам намуна ўз – ўзидан ўзая бошлади. (ac). Бу хол эластик деформацияни пластик деформацияга айланганидан далолат беради, натижада намуна узилади, (m – нуқта).

Пластик деформацияланиш жараёни материал қатламларини бир – бирига нисбатан силжиш текислигига сурилиши оқибатида юзага келади. Сиқиш жараёнида эса юқорида баён этилган тартибда намунанинг қисқариши намоён бўлади.

Кесиши жараёнида кесувчи асбоб билан қиринди орасидаги ўзаро таъсирни сиқиш жараёнидаги пресс билан намуна орасидаги боғланиш билан таққошлиш мумкин.

В.Д. Кузнецов, В.А. Кривоуховлар кесиши жараёнида қиринди ажralиши қонуниятлари эркин сиқиш қонуниятлари эркин сиқиш қонуниятларига ўхшаш бўлиб, олинаётган қатламнинг эластик ва пластик деформацияланиши мавжуд эканлигини исботлаганлар.

Я.Г.Усачев металлографик усул ёрдамида кесиши зонасида содир бўлувчи пластик деформацияланиш жараёнини чукурроқ кузатишига мувофиқ бўлади.


Пластик деформация деформацияланган зонани пухталанишига олиб келади. Пухталаниш жараёни деформацияланган қатламни қаттиқлигини ортиши билан характерланади.

ҚИРИНДИ ҲОСИЛ БЎЛИШ ЖАРАЁНИ

И.А.Тиме, кесиши жараёнини кузатиши оқибатида кесиши – кесиб олинаётган қатлам элементларини аста – кесин узлуксиз силжиш жараёнидан иборат эканлигини аниqlаган.

Куйидаги расм 2 да қиринди элементларининг ҳосил бўлишини ифодаловчи схема ифодаланган.

Расм 2



Бошлангич даврда кескичга P – күч кўйилиши билан аввало кескич билан контакт бўлган юза деформациялана бошлади.

Деформацияланиш жараёни максимал қиймати етганда кесилаётган қатlam АБ текислик бўлаб кўча бошлади ва қиринди элементини ташкил қиласди. Қириндининг кесиши жараёнидаги суриш йўналишини кўчиш ёки силжиш текислиги деб юритилади.

Бу текислик кесиши текислиги β бурчакни ташкил этади ва бу бурчакка силжиш текислиги дейилади. Қиринди элементининг ҳосил бўлиш жараёнида кесиши кучининг миқдори ортади, у кўчганда эса камаяди. Бу ҳодиса кескичги ва дастгоҳ қатламларига ишлов берилаётган материал томонидан таъсир этаётган миқдорини ўзгариб туришига олиб келади. Қириндининг силжиш бурчаги $\Delta=180^0-\beta$ атрофида бўлади. $145 - 155^0$.

Олдинги бурчакнинг қийматини мусбат ёки манфий бўлишига қараб бурчак $135 - 170^0$ оралиғида бўлиши мумкин. Я.Г. Усачев ўтказган кузатишлар натижасида қириндининг ўзида ҳам умумий кўчиш текислигининг йўналишдан фарқ қилувчи текисликда суришиш содир бўлишини аниклади. Бу текислик кесиши текислигига ўтказилган уринма β_2 – бурчак ҳосил қиласди.

$$(\beta_2 < \beta_1 < 90^0)$$

А.М. Розенберг кесилаётган қатlam қалинлигини ортиб бориши билан β_1 ва β_2 ларнинг қийматларини ортиб бориши ва $\beta_2 - \beta_1$ билан бурчак қийматларининг айиирмаси доимо $18 - 20^0$ оралиғида бўлишини аникланади.

ҚИРИНДИ ТУРЛАРИ

Кесиб ишлаш жараёнида ишлов берилаётган материалнинг турига, кесиши режимларига, ишлаш шароитига боғлиқ ҳолда қуйидаги турларга бўлинади: элементли, увак, текис узлуксиз ва синик.

Элементлардан ҳосил бўлган қиринди (расм 3) қаттиқ, қовушқоқ бўлмаган материалларни кичик кесиши тезликларida кесиши жараёнида ҳосил бўлади. Увак қиринди – пўлатларни ўртacha тезликларда кесишида ҳосил бўлади. Бу типдаги қиринди ўзаро мустаҳкам ёпишган айрим – айрим элементлардан иборатдир. Қириндининг кесувчи асбоб олдинги юзасига қараган томони текис, қарама – қарши томони эса нотекис баланд – пастликлар кўринишига эгадир.

Текис узлуксиз қиринди – мустаҳкамлиги юқори бўлмаган, қовушқоқ материалларни ва юқори тезликларда пўлатларни кесиши жараёнида намоён бўлади. Бу қиринди винтсимон лента ёки ясси ўрам шаклида бўлади.

Синик қиринди – қаттиқ ва мўрт материалларни (чўян, бронза) нормал

шароитларда кесиш вақтида ҳосил бўлиб, бир – бири билан кучсиз илашган ёки алоҳида – алоҳида бўлакчалардан иборат.

ҚИРИНДИНИНГ ЧЎКИШИ

Материалларни кесиб ишлаш жараёнида ҳосил бўлувчи эластик ва пластик деформацияланиш таъсирида кесиб олинаётган қиринди ва ишлов берилаётган юзаларнинг физико – механикавий ҳолатларини ўзгариши намоён бўлади.

Деформацияланган қатламли қисимнинг схематик кўриниши расм 3 да ифодаланган. Кесилаётган қатламнинг пластик деформацияланиш оқибатида кесиб олинаётган қатлам (қиринди) узунлиги l_1 бу қатлам кесиб олинган юза узунлиги l га нисбатан қисқа бўлади, яъни $l_1 < l$ (расм 3). Қириндидинг қисқаришига қириндидинг чўкиши деб юритилади ва чўкиш коэффициенти – R билан характерланади: $R = \frac{l}{l_1}$

Чўкиш коэффициенти доимо $R > 1$ бўлади, чунки $l > l_1$. Бу коэффициент қиймати бир неча омилларга боғлиқ бўлиб, айрим ҳолларда 6 – 8 га teng бўлиши мумкин. Пластик деформацияланиш жараёнида металл ҳажми ўзгармайди, шунинг учун кесиб олинган қиринди ҳажми кесилиб олиниши керак бўлган қатлам ҳажмига teng бўлиб, унинг узунлиги қисқариши билан эни кенгайди. Қириндидинг кўндаланг кесим юзасининг f_c , кесилаётган юза майдони f – га нисбати, қириндидинг кўндаланг чўкиш коэффициенти дейилади ва қуидагича характерланади, яъни:

$$R = \frac{f_c}{f} = a_1 b_1 / ab$$

бу ерда: a_1 , b_1 - қиринди эни ва кенглиги, мм да:

a , b – қиринди кесиб олинаётган юза эни ва кенглиги, мм да.

Кесиб олиниши керак бўлган қатлам ва қиринди ҳажмларини тенглаштириш натижасида

$$lf = l_1 f_2 \text{ ёки } \frac{l}{l_1} = \frac{f}{f_1}$$

бўйлама кўндаланг чўкиш коэффициентларини бир – бирига тенглигини кўриш мумкин. Қириндисининг чўкиш коэффициентини икки турли метод билан аниқлаш мумкин:

1. Солиштириш методи,
2. Тортиш методи.

Солиштириш методи – олинган қиринди узунлигини у кесиб олинган юза узунлиги билан таққослашга асосланган. Бу ҳолда қириндидинг бўйлама чўкиш коэффициенти

$$K = \frac{l}{l_1} \text{ га teng бўлади.}$$

Тортиш методи – ўлчаш мураккаб бўлган формадаги қиринди ҳосил бўлиш жараёнларида қўлланилади. Бу усулда қириндидинг бирор текисроқ қисми ажратиб олиниб унинг узунлиги ва массаси аниқланади. Ишлов берилаётган материалнинг зичлиги билган ҳолда қириндидинг кўндаланг кесим юзаси ҳисобланади.

$$f_k = \frac{G}{\gamma \cdot l_k}$$

бу ерда: G – қиринди массаси,

γ - материал зичлиги,

l_k - қиринди узунлиги.

Қириндидинг кўндалангига чўкиш коэффициентини ҳисоблаш формуласидан фойдаланган ҳолда:

$$K = \frac{f_k}{f} = \frac{G}{\gamma \cdot l_k \cdot a \cdot b}$$

Қириндininинг чўкиш коэффициенти пластик деформацияланиши миқдорини белгиловчи бирлик сифатида қабул қилиш мумкин.

$$\operatorname{tg} \beta_1 = \frac{\cos \gamma}{K \cdot \sin \gamma}$$

бу ерда: β_1 – кўчиш бурчаги,

K – қириндininинг чўкиш коэффициенти,

γ - кесувчи асбобнинг олдинги бурчаги.

Қириндininинг чўкишга қанча кичик бўлса, кесиш жараёнида пластик деформацияланиши шунча кам бўлади. Демак, кесиш жараёни қулий шароитда боради, иш миқдори камаяди.

Қириндininинг чўкиши яна ишлов берилаётган материалнинг физика – механикавий хоссаси, кесувчи асбобнинг геометрик параметрлари, кесиш режимлари, қўлланилаётган совутиш – мойлаш суюқликларига ҳам боғлиқдир.

ҚИРИНДИННИГ ЧЎКИШГА КЕСИШ РЕЖИМИНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Куйида биз кесим тезлигини ўзгаришини қириндininинг чўкишга таъсирини тортиш методи билан аниқлашни кўриб чиқамиз. Текширилиши керак бўлган қириндидан узунлиги l (мм) бўлган бирор бўлакни ажратиб олиниб унинг оғирлиги – g (г) тортилади.

Қириндininинг оғирлиги q – билан унинг узунлиги l орасида қуйидагига боғланиш мавжуддир:

$$q = \frac{F_\phi l \cdot p_0}{100}$$

бу ерда: p_0 – заготовка материалининг зичлиги
(пўлатлар учун $p_0=7,8$ г/см³)

$$F_\phi = \frac{100g}{l \cdot p_0}$$

Қириндininинг чўкиш қуйидаги формула орқали хисобланади:

$$\xi_e = \frac{F_\phi}{F_{yp}} = \frac{1000g}{l \cdot p_0 t S}$$

ξ_e – нинг қийматини ҳамма шароитлар учун аниқланиб, қириндininинг чўкишига кесиш тезлигини $\xi_e=f(v)$. Кесиш бурчагини $\xi_0=f(\delta)$, суриш катталигини $\xi_0=f(S)$ ўзгаришини таъсирини график орқали ифодаланилади.

7 – машғулот. Фанни ўқитиши технологияси:

“Кесиш жараёнида ҳосил бўлган юза тозалигини ўлчаш ва кесиш режимларининг юза тозалигига таъсирини ўрганиш” (Фрезалаш дастгоҳларида кесиб ишлаш жараёнида ҳосил бўлувчи куч миқдорига кесиш режимларини таъсири) мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вакт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Фрезалаш дастгоҳларида кесиб ишлаш жараёнида ҳосил бўлувчи куч миқдорига кесиш режимларини	Ўқитувчи

	<p>таъсири таъсири ҳақида талабаларга тушунчалар бериш.</p> <p>1.2.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>Материалларни фрезер дастгоҳларида кесиб ишлаш жараёнида ҳосил бўлувчи куч миқдорига кесиш режимларини (кесиш тезлиги, суриш катталиги, ва кесиш чуқурлиги) таъсирини ўрганиш.</p> <p>1.3.Асосий тушунча ва иборалар: кесиш тезлиги, суриш катталиги, кесиш чуқурлиги</p> <p>1.4.Дарс шакли: гурух ва микрогурухларда.</p> <p>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: амалий, кўргазмали, виртуал лаборатория.</p> <p>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, плакатлар, видеопректор, видеофильмлар.</p>	
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Машғулот бошланади, Кесиб ишлаш режимларини кесиш зонасида ҳосил бўлувчи иссиқлик миқдорига таъсири ҳақида тушунчалар берилади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга материаллардан намуналар берилади.</p> <p>3.2. Талабалар бу материала қандай қотишмадан таркиб топганлигини аниқлайдилар.</p> <p>3.3. барча талабалар баҳс мунозарага киришади.</p> <p>3.4. Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p>	Ўқитувчи- талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қўйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Материалларни кесиб ишлаш жараёнида ажралиб чиқаётган киринди қаедай омиллар билан харәктерланади? • Фрезалашда кесиш кучининг асосий ташкил этувчиси қайси формула ёрдамида аниқланади? • Кесиш жараёнида ҳосил бўлаётган иссиқликнинг миқдори қайси формула ёрдамида аниқланади? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Иш мақсади: Материалларни фрезер дастгоҳларида кесиб ишлаш жараёнида ҳосил бўлувчи куч миқдорига кесиш режимларини (кесиш тезлиги, суриш катталиги, ва кесиш чуқурлиги) таъсирини ўрганиш.

Керакли жиҳозлар ва материаллар: Дарслик, маъруза матнлари, конспект дафтари, фрезалаш дастгоҳи, фрезалар, заготовка, динометр – датчик, заготовка ўрнатиш учун стал, тензометрик кучайтиргич, приборлар пульти, осилограф, ўтказгичлар.

КЕСИШ ШАРОИТИДА ҲОСИЛ БЎЛУВЧИ ИССИҚЛИК МИҚДОРИ ВА УНГА КЕСИШ РЕЖИМЛАРИНИ ТАЪСИРИ

Металларни кесиб ишлаш жараёнида содир бўлувчи эластик ва пластик деформацияланиш қиринди билан кескич олдинги юза орасидаги, заготовка билан кескич

орка юзаси орасидаги ишқаланиш таъсирида маълум миқдорда иссиқлик ҳосил бўлади. Бу ҳосил бўлган иссиқлик кесувчи асбобнинг, қириндининг ва ишлов берилаётган деталнинг қизишига олиб келади.

Кесиш жараёнида ҳосил бўлаётган иссиқликнинг миқдори (ккал ми) асосан кесиш кучи P_2 ва кесиш тезлигининг қийматига боғлиқ бўлиб, тубандаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Q = (P_z \cdot v) 427 \quad (1)$$

Иссиқлик миқдорига кесиш жараёнини элементларини таъсирини ҳисобга олувчи формула тубандаги кўринишга эга:

$$Q = C_0 \cdot v^x \cdot t^y \cdot s^z \quad (2)$$

Бу ерда: C_0 – заготовка материалини кескич материалини ва кесиш шароитини ҳисобга олувчи, коэффициент;

v – кесиш тезлиги, м/мин;

t – кесиш чуқурлиги, мм;

s – суриш катталиги, мм/айл;

x, y, z – даражা кўрсаткичлари, у бу кўрсаткичларининг қиймати ишлов берилаётган материал ва кескич материалига ва кесиб ишлаш шароитга боғлиқ.

$$Q_1 = C_{Q_1} \cdot v^x \quad (3)$$

$$Q_2 = C_{Q_2} \cdot t^y \quad (4)$$

$$Q_3 = C_{Q_3} \cdot s^t \quad (5)$$

Материалларни кесиб ишлаш жараёнида ажralиб чиқаётган қиринди билан кесиш олдинги юзаси, кескич орка юза билан заготовка орасидаги контакт юзалари орасидаги ишқаланиш даврида ўта, мураккаб хар – турли деформацияниш ҳодисалари номоён бўлиб, бу жараён эзилиш, сўрилиш, кесилиш, қирқилиш каби омиллар билан характеристланади.

Кесиш жараёнида кескич қиринди ва ишлов берилаётган заготовка томонидан таъсир этаётган куч миқдорини бартараф этувчи куч қўйилиши шарт. Агарда бу шарт бажарилмаса кесиш жараёнини амалга ошириб бўлмайди.

Кесиш жараёнини амалга оширишни таъминлаш учун кесиш жараёнини механизмини, яъни кесиш кесиб кучларини ҳосил бўлиши ва уларни контакт юзаларида юзага келувчи физико – механикавий ҳодисаларга таъсирини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Куйида фрезалаш жараёнида ҳосил бўлувчи кучлар ва уларни фрезага таъсири схемаси келтирилган (расм 1). Торец фрезаларда фрезалаш жараёнида фрезанинг кесувчи қирраларига таъсир этувчи куч миқдори ишлов берилаётган материалларнинг кесилишга қаршилик кўрсатиш қобилияти билан характеристланади.

Фрезалашда кесиш кучининг асосий ташкил этувчиси қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P_z = \frac{wlp \cdot t^x s_t^y \cdot B^{\Pi} \cdot z}{D^q \cdot \Pi^w} \cdot K_{mp} \quad (1)$$

бу ерда: z – фреза тишлари сони;

Π – фрезанинг айланиш сони, ай/мин;

C_p – ишлов берилаётган материалнинг физико – механик хоссасига, ишлаш шароитига боғлиқ коэффициент;

x, y, n, d, w – даражা кўрсаткичлари;

K_{mp} - ишлов берилаётган материалнинг сифатига боғлиқ бўлган коэффициенти.

Кесиш кучининг қолган ташкил этувчиларининг қийматларин асосий кесиш кучининг миқдорига нисбатан справочниклардан (СП ТМ стр. 292 (42)) аниқланади.

(Горизонтал куч – P_L , вертикаль куч – P_v , радиаль куч – P_y , ўқ бўйига йўнилган куч –

P_x)

P_{y2} – кучининг қиймати қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$P_{yz} = \sqrt{P_y^2 + P_z^2} \quad (2)$$

Бу куч миқдорига қараб фреза ўрнатиш учун ишлатиладиганнинг эгилишига қаршилик кўрсатиш қобилияти ҳисобланилади.

Кесиши кучининг ташкил этувчиларини ўзаро нисбати қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал – 1.

Торец ва бармоқсимон фрезалар	$p_n : p_z$	$p_v : p_z$	$p_y : p_z$	$p_x : p_z$
Симметрик кесишида	0,3-0,4	0,85-0,35		
Носимметрик қарама – қарши кесишида	0,6-0,8	0,6-0,7	0,3-0,4	0,5-0,55
Носимметрик бир томонга йўнишида	0,2-0,3	0,9-1,0		

Иш бажариш тартиби.

Диаметри $D=90$ мм бўлган битта тишли торец фреза билан размери $40 \times 80 \times 200$ мм бўлган заготовкани қуйидаги шароитда фрезаланади:

1. $B=40$ мм, $t=1$ мм олиниб s нинг 0,1; 0,2; 0,4; 0,6; 0,8 мм тишга тенг бўлган қийматларида;
2. $B=40$ мм, $s=0,1$ мм тиш олиниб t нинг 1; 2; 3; 3,5; 4 ммли қийматларида;
3. $t=1$ ли, $s=0,1$ тиш олиниб B нинг 10; 20; 30; 40; ммли қийматларида.

УДМ – 600 маркали универсал диаметр ёрдамида таянчлар максимал кучланиш (600 кт) таъсирида бўлган вактда кесиши кучининг ўртача қийматлари ўлчанилади. P_z ; P_y ; P_x ; кучларнинг оний қийматини частотаси 0 – 500 Гц оралиғида ноаниқлик миқдори 10% дан ошмаган ҳолда осилограф ёрдамида кўзатиш мумкин.

Синов натижалари ва синов ўтказилган шароит изланишларга ёзилади.

Олинган натижаларга асосланиб $f_2 = f(s_z)$ орасидаги боғланишлар жадвали иккиласмчи логарифмли сеткада ифодаланади.

6. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИ.

Мустақил ишларни ташкил этишининг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муяннан фаннинг хусусиятларини хисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўкув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш.
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмларини ўзлаштириш.
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш.
- маҳсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш.
- янги техникаларни, аппаратураларни, жараёнлар ва технологияларни ўрганиш.
- талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиш.
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўкув машғулотлари.
- масофавий (дистанцион) таълим.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Кесиши жараёнида кесилган юзаларнинг пухталаниш.

2. Мойлаш–совитиши суюқликлари ва уларнинг кесиши жараёнига таъсири.
3. Фрезерлашда ва пармалашда кесиши кучлари ва кесиши кучини ҳисоблаш формулалари.
4. Кесиб ишлаш жараёнида титраш ва унинг юза тозалигига таъсири.
5. Зенкер ва разверткаларнинг турлари ва геометрияси
6. Агрегат ва ярим автомат дастгоҳлар.

Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш машинасозлик фанларининг асосий йўналишларини пухта ўзлаштиришга қаратилади. Бунда ўрта умумтаълим мактабдари дастуридан келиб чиқсан ҳолда уларда келтирилган мавзу ва йўналишларни ўқувчиларга пухта ўргата билиш масалалари кўзда тутилади. Талабалар мустақил иш жараёнида тавсия этилган мавзулар бўйича адабиётлар, маълумотномалар ва ахборот технологияларидан фойдаланишни ўрганиш назарда тутилади. Танлаб олинган ёки тавсия этилган мавзулар бўйича мустақил иш хисоботи тузадилар ва тегишлича баҳоланадилар.

Мустақил иш мавзуси бўйича хисобот қўйидаги тартибда тузилади:

- мавзунинг баёни ва назарий маълумотлар келтирилади;
- чизмалар, графиклар ва жадваллар бажарилади;
- мавзу юзасидан тест ва назорат саволлари тузилади;
- мавзуни ўргатишнинг интерфаол усулларидан бири тавсия этилади.

ГЛОССАРИЙ

Абрезив ейилиш – бу ейилиши кесувчи асбоб таркибидаги мавжуд бўлган қаттиқ заррачаларни кескичнинг ишқаланиш юзаларини тирнаши туфайли ҳосил бўлади.

Алезия – ишлов берилаётган материалнинг ёпишқоқлилиги.

Алезия ейилиши – заготовка ва асбоб материаллари орасида содир бўлувчи молекуляр ёпишиш таъсирида кескич материалининг майда заррачалари синиб ажралиши билан характерланади.

Арра – ёғоч ва металл заготовкаларни кўндаланг ҳамда бўйламасига арралаш учун ишлатиладиган кесувчи асбобидир.

Асосий технологик вакт – детални ишлаш жараёнида заготовканинг шаклини, ўлчамларини ўзгартириш учун сарфланадиган вакт.

Асосий ҳаракат – кесиш жараёнини таъминловчи ҳаракат.

Бабка – цилиндрик деталларга ишлов берувчи дастгоҳларда айланма ҳаракатни узатувчи (олдинги) ва марказ топувчи (кетинги).

Вариатор – иккита ишчи юзаси, фасон, эгри чизиқли, косасимон қисмдан иборат. Унинг юзларига роликлар сиқилиб туради.

Диффузия ейилиши – ишланаётган деталл (заготовка) ва асбоб материалининг ўзаро эриши туфайли юзага келади.

Ёрдамчи вақт – заготовкани ишлаш жараёнида асосий ишни бажаришда ишчининг қўли билан бажариладиган барча ёрдамчи ишлар.

Жилвирлаш – деталл ва материалларни силлиқлаш ва пардоз бериш.

Жилвир тош – деталл ва материалларни силлиқловчи ва пардоз берувчи тош.

Зенкер – тешик даметрларини катталаштирадиган асбоб.

Зенкерлаш – деталларда очилган тайёр тешикларни цилиндрик ёки конуссимон шаклга келтириш.

Кесиш – кесиб олинаётган қатlam элементларини аста – кесин узлуксиз силжиш жараёни.

Кесиш кучи – бу куч кескичга устидан, асосий ҳаракат йўналишида, кесиш юзасига уринма ҳолда таъсир этади.

Кесиш тезлиги – кескич тифининг заготовкага нисбатан ҳаракат йўналиши, тифнинг бирлик вақт ичидаги босиб ўтган йшлидир.

Кесиш чуқурлиги – заготовкани йўнишда кескичнинг бир ўтишда ишланилган юза билан ишланувчи юза орасидаги масофа.

Кескич – металдан тайёрланган заготовка ва деталларни кесувчи асбоб.

Ковшарлаш – металларни ковшар билан ажралмайдиган килиб бириктириш.

Кондуктор – ҳисобга олиб бориш мосламаси.

Координат – аниқ ўлчамларни олиш ёки белгилаш усули. Улар асосан чизиқлар ёки нуқталар кўринишида бўлади.

Машина вақти – деталлга ишлов бериш жараёни дастгоҳда амалга оширилиши.

Металл қирқиши – кескич билан маълум қалинликдаги металл қатлами қиринди тарзида йўнилиши.

Метчик – тешикларда резба очувчи асбоб.

Олмос – материаллар ичida энг қаттиfi, лекин мўрт.

Парма – ёғоч ва металл материалли детал ҳамда заготовкаларни тешувчи асбоб.

Пармалаш – детал ва заготовкаларни парма ёрдамида тешиш.

Плашка – ташки резба очиш учун ишлатилинади.

Радиал куч – кескичга, заготовка радиуси бўйлаб, заготовка ўқига тик йўналишда таъсир этади.

Развертка – жуда аник ва силлик тешик очишида зенкердан кейин ишлатилинади.

Разверткалаш – деталларга очилган тайёр тешикларни юқори аниқлик билан цилиндрик ёки конуссимон шаклга келтириш.

Ранда – ёғоч ва металл заготовкаларни ғадир – будурлигини текислаш учун ишлатиладиган кесувчи асбоб.

Реверслаш механизми – дастгоҳларнинг иш органлари ҳаракат йўналишини ўзгартирувчи механизм.

Совутиш - мойлаш суюкликлари.-заготовкани кескич билан кесиш жараёнида ажраладиган иссиқликни бартараф этиш учун ишлатилади

Станица – материалларни кўндаланг кесиб ишлов берувчи дастгоҳларда асосий ва ёрдамчи мосламаларни бирлаштириб турувчи узел.

Стол – дастгоҳларни маҳкамлаш учун хизмат қиласиган қисми.

Суппорт – кескични кескич туткичига урнатиш ва уни буйлама кундаланг ёки бурчак траекторияда ҳаракатлантириш.

Суриш – заготовкани янги – янги қатламларини қамраб қиринди ажралишини таъминловчи ҳаракат.

Суриш кучи – суриш йўналишига тескари томонга таъсир этади.

Термит – алюминий ва термик қуқунларидан таркиб топган котишма.

Турғунлик – кесувчи асбобнинг бир чархлашдан иккинчи чархлашгача ишлашидаги машина вақти.

Усимта-заготовканинг тайёрланиш даврида қўйма дефект ғадир будирлика аттилади.

Фартук – юргизиш валининг ёки юргизиш винтининг айланма харакатини суппортнинг тугри чизикли харакатига айлантирувчи механизмини жойлаштириш учун хизмат килади.

Фреза – суриш йўналиши айланиш укига мос келмайдиган кесиш асбоби.

Қиринди – заготовкани кучли деформацияланган жойларига таъсир этувчи куч қиймати унинг мустаҳкамлик чегара қийматидан ортгандагина металл заррачалари маълум текислик бўйича ажралиши.

Қотишма – икки ёки ундан ортиқ элеменларни бирга суюлтириб, киздириб ковуштириш йули билан олинган мураккаб бирикма.

Эльбор – жуда хам қаттиқ қотишмадан пайдо қилинган материал

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
БД – 5112100 – 3.14 рақами
2017 йил “_” _____

Вазирликнинг 2017 йил “_”
даги “_”-сонли буйруги
билин тасдиқланган

МАТЕРИАЛЛАРНИ КЕСИБ ИШЛАШ,

АСБОБЛАР ВА СТАНОКЛАР

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100 000 – гуманитар
Таълим соҳаси: 110000 – педагогика
Таълим йўналиши: 5112100 – меҳнат таълими

Тошкент – 2017

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув – методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2017 йил “___” даги “___” -сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида ишлаб чиқилди ва турдош олий таълим муассасалари билан келишилди.

Тузувчи:

- Д.У.Ергашев** – Низомий номидаги ТДПУ доценти, п.ф.н.
Н.И.Турсунбаев – Низомий номидаги ТДПУ катта ўқитувчиси
Ж.А.Хамидов – Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси

Тақризчилар:

- Тўйчиев А** - Гулистон давлат университети “Мусиқа ва меҳнат таълими” кафедраси ўқитувчиси
Чўлиев А - Гулистон давлат университети “Мусиқа ва меҳнат таълими” кафедраси ўқитувчиси

Фаннинг ўқув дастури Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети Илмий-методик кенгашида тавсия қилинган (2017 йил “___” даги “___” -сонли баённома).

Кириш

Материалларни кесиб ишлаш, станоклар ва асбоблар курсининг мақсади материалларни кесиши жараёнининг физикавий асосларини, асбобсозлик материаллари, кесувчи асбобларнинг ишлатилиши ва уларни лойихалаш, ишлаб чиқаришда кенг тарқалган станокларнинг тузилиши, уларда бажариладиган ишларга оид масалаларни ўрганишдир. СХунингдек: кесиши жараёни тўғърисида умумий маълумот, кескичнинг кесувчи қисмининг елементлари, геометрияси, машина ва доналик вақти. Кесиб ишлашнинг физик ҳодисалари: ўсимта, қириндininг киришуви, кесиши жараёнида ҳосил бўлувчи иссиклик ҳодисалари, кучлар, кесиши тезлиги, йўнилган сиртнинг сифати, металлмас материалларни кесиб ишлаш, токарлик, рандалаш, пармалаш, фрезерлаш, жилвирловчи, ёғъочни қайта ишловчи станоклар, хамда материалларни физик-кимёвий ишлов бериш хақида талабаларга билим беришдир.

Ўқув фаннинг мақсади ва вазифалари

Ушбу фаннинг мақсади – материалларни кесиб ишлаш, станоклар ва асбоблар курсининг мақсади материалларни кесиши жараёнининг физикавий асосларини, асбобсозлик материаллари, кесувчи асбобларнинг ишлатилиши ва уларни лойихалаш, ишлаб чиқаришда кенг тарқалган станокларнинг тузилиши, уларда бажариладиган ишларга оид масалаларни ўрганишдир.

Ушбу фаннинг вазифаси – материалларни кесиб ишлашнинг назарий асослари ва замонавий металл кесувчи станокларнинг асосий типларини бошқариш, созлаш, кесувчи асбобларни чархлаш, рационал кесиши режимларини танлаш ва бошқаларни ўргатади.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйилладиган талаблар

Материалларни кесиб ишлашнинг назарий асослари, станоксозлик ва асбобсозлик корхоналарнинг техникавий тараққиёт йўналиши ва вазифаси, унинг бошқа бўлимлар билан ўзаро боғлиқлигини билишлари керак.

Материалларнинг замонавий ишлаб чиқариш корхоналаридаги роли, мамлакатимиз олимлари ва ишлаб чиқариш илгъорларининг кесиб ишлаш, станоклар ва асбоблардан тўғъри фойдаланиш ва уларда ишлаш кўникмаларига ега бўлиши керак.

Талабалар ва замонавий металл кесувчи станокларнинг асосий типларини бошқариш, созлаш, кесувчи асбобларни чархлаш, рационал кесиши режимларини танлаши ва улардан фойдалана олиш малакасига ега бўлади.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги, услубий жиҳатидан узвийлиги ва кетма-кетлиги

Фанни ўрганиш “Олий математика асослари”, “Физика”, “Електротехника, электроника ва електроюритмалари”, “Машинасозлик технологияси асослари”, “Механизациялаштириш ва автоматлаштириш асолари”, “Металл қирқиши дастгоҳлари” каби фанлари бўйича олинган фундаментал билимларига асосланган.

Фаннинг таълимдаги ўрни

